Из английских именных частей речи категория числа характерна только для существительных. У местоимений грамматическая категория числа актуализируется лишь в оппозициях yourself – yourselves и other-others. Вопрос же о характере числа указательных местоимений this (these) и that (those) является спорным.

Основным способом образования множественного числа существительных в английском языке является внешняя флексия [иногда сопровождаемая изменениями корневых согласных]: knife – knives.

В английском языке есть ряд существительных, у которых формы множественного числа сохраняют остатки англо-саксонской палатальной перегласовки: foot-feet, goose-geese. Этот способ формообразования называется также внутренней флексией.

Другой особенностью английского языка является заимствование существительных из других языков вместе с иноязычной флексией множественного числа: antenna-antennae, datum-data, phenomenon-phenomena. Впрочем, отмечается тенденция к вытеснению иноязычной флексии исконной флексией – s: antenna – antennas, medium – mediums.

В английском языке флексии множественного числа лишены многие исконно германские существительные: deer, sheep, swine, trout, snipe и др.

Значения единичности и множественности присущи формам числа зачастую тогда, когда речь идёт о названиях дискретных объектов [т.е. подлежащих счёту]: table-tables.

В других случаях существительные употребляются либо в единственном числе (singularia tantum), либо только во множественном числе (pluralia tantum).

Существительные singularia tantum:

- 1) с вещественным значением: milk, sugar,
- 2) с собирательными значениями: infantry, mankind, foliage,
- 3) с выражением абстрактных понятий: hatred, peace, health.

Существительные pluralia tantum, обозначающие

- 1) предметы, состоящие из двух (парные предметы) или нескольких частей: trousers, scissors, tongs, fetters,
- 2) совокупность или собирательность чего-либо: memoirs, victuals,
- 3) вещества, материалы или их остатки: preserves, slops.

Категория падежа

В английском языке склоняются только существительные и некоторые разряды местоимений (личное, вопросительное и союзное who, взаимные, сложные неопределённые, отрицательные и обобщающие со вторым элементом – one и – body и неопределённо – личное one).

Падежная парадигма склоняемых слов состоит лишь из двух форм. У существительных и местоимений (кроме личных) различаются общий (common) и притяжательный падеж [Он называется ещё и родительным: possessive, genitive]. У личных местоимений падежи называются именительным (nominative) и объектным (objective).

В английском языке различают зависимый и независимый родительский падеж. В первом случае он всегда входит в состав именных словосочетаний в качестве адъюнкта [my sister's bag]. Во втором – падежная форма употребляется абсолютно [Well, that was Gareth's problem.



Roger's was to get some lunch (Wain). Is he a friend of Daddy's (id)].

Содержательные функции зависимого родительного сводятся к выражению следующих отношений:

- 1) принадлежности: Gareth's bus;
- 2) целого к части: the water's edge; the old man's eyes;
- 3) субъектной направленности на определяемое: Eden's decision; Hugh's visit [Snow];
- 4) объектной направленности на определяемое: They seemed to be laid down in black and white, that evening after George's trial [Snow];
- 5) личных и общественных отношений: my sister's friend;
- 6) меры: a six weeks' tour, a two miles' walk, several shillings' worth и др.

Категория рода

В английском языке чисто грамматические средства выражения значения рода отсутствуют. Единственным суффиксом, выражающим значение женского рода, является – ess: actor – actress, heir – heiress, tiger – tigress.

Что касается личных местоимений 3 лица единственного числа he, she, it, то значение рода здесь выражается лексически. То же самое отмечается в сложных возвратных местоимениях himself, herself, itself. Здесь принадлежность к роду определяется значением ведущих компонентов. Как видно, род в современном английском языке является лексической категорией.

Категория одушевлённости / неодушевлённости

В английском языке чисто грамматические средства выражения значения одушевлённости / неодушевлённости отсутствуют [как и рода]. У существительных здесь используются лексико-грамматические морфемы – er, – or, – ee, – eer, – ist, – ite. У местоимений данное значение выражается лексически: сложные неопределённые местоимения – body и – one со значением одушевлённости противостоят

местоимениям с – thing со значением неодушевлённости. У возвратных местоимений эти значения выражаются семантикой ведущего компонента: himself, herself, itself.

Категория сравнения

В английском языке отмечаются синтаксические формы образования сравнительной и превосходной степеней сравнения ограниченно [в основном] односложными прилагательными посредством суффиксов – er и – est:

complete – completer – (the) completest.

Аналитическими формами сравнительной и превосходной степени сравнения прилагательных считаются в английском языке многосложные прилагательные с формами more – для сравнительной степени и most – превосходной:

beautiful – more beautiful – (the) most beautiful.

Соответственно далее представляются и глагольные категории вида, залога, времени, наклонения, лица и числа.

Синтаксический же уровень английского языка раскрывается по таким параметрам, как типы синтаксической связи, порядок слов в предложении, предложение и высказывание, категория отрицания, вопросительные конструкции, односоставность и многосоставность предложения, сложное синтаксическое целое и т.д.

Влияние взглядов профессора Дж. Буранова на дальнейшее развитие теории сравнительной типологии трудно переоценить.

Основу его взглядов на типологию составляет содержательный универсализм языков мира. Направленность к его оптимальному изучению предполагают опору на определение такой языковой понятийной категории, которая в речевом функционировании рекуррентна и абстрактна в достаточно высокой степени. При этом универсалии допускают



версификацию по полноте, учитывая соответствующие идиоэтнические различия между сопоставляемыми языками. Структурирование же

понятийной категории раскрывается в комплексе рассмотрения исходного словесного контекста на фоне типично-реализуемых ситуативных условий.

Литература:

1. Буранов Дж. О содержании курса типологического сопоставления разносистемных языков. (Морфологический уровень) // 8-а Межвузовская научно-методическая конференция Моск. обл. пед. ин-та. – Москва, 1967. – С. 6-8
2. Буранов Д.Б. К вопросу о методе проведения типологического сопоставления разносистемных языков // Сборник методических материалов по высшему образованию. – Ташкент, 1967а. – №12. – С. 159-169
3. Буранов Д. Взаимосвязь и взаимозамена лексических и грамматических морфем // Научная конференция. Вопросы описания лексико-семантической системы языка. Тезисы докладов. Ч. 1. (16-18 ноября 1971г.) – Москва, 1971. – С. 71-73
4. Буранов Д. Б. Глубинная и поверхностная структура в сопоставительной типологии // Материалы III Республиканской научной конференции по вопросам теории и методики преподавания иностранных языков (11-12 сентября 1972г.). – Ташкент, 1972. – С. 308-311
5. Буранов Д. Б. Об основных методах сравнения языковых систем // Иностранные языки в вузах Узбекистана. – Вып. 5. – Ташкент: ТашГПИ, 1973. – С. 160-176
6. Буранов Дж. Б. Типологические категории и сравнительное изучение языков: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. – Москва: МГУ, 1979. – 48 с.
7. Буранов Д. Б. Об одном способе категоризации в лингвистической типологии // Сборник научных трудов / ТашГУ. – №587. – Ташкент, 1979а. – С. 5-13
8. Буранов Дж. Предмет и методы сравнительной типологии // Республиканская научная конференция. Вопросы сравнительной типологии (германские, романские, русский, тюркские языки) (24-26 ноября 1981г.). – Тезисы докладов. – Ташкент, 1981. – С. 22-25
9. Буранов Дж. Б. Основные этапы развития лингвистической типологии // Сборник научных трудов / ТашГУ. – №653. – Ташкент, 1981а. – С.3-9
10. Буранов Дж. Идентификация и дифференциация перевода и лингвистической типологии // Проблемы теории и методики преподавания перевода в вузах Республики. Тезисы Республиканской научно-методической конференции 26-28 мая 1982 года. – Ташкент: ТашГУ, 1982. – С. 3
11. Буранов Дж. Сравнительная типология английского и тюркских языков. – Москва: Высшая школа, 1983. – 267с.
12. Буранов Дж. Принципы типологической инвентаризации языков // Типологические категории и их языковая реализация. – Ташкент, 1988. – С. 4-11
13. Буранов Дж. Некоторые проблемы лингвистической интеграции и лингвистического регионарирования при изучении языков // Преподавание языка и литературы. – Ташкент, 1993. – №3-4. – С. 3-4

Бушуй Т.А. Профессор Жамолiddин Бўронов Ўзбекистон типологик германистикасининг асосчиси. Мақолада Ж. Бўронов типологик концепциясининг асосий жиҳатлари германистика тарихи, инглиз-туркий тилларни қиёслаш тамойиллари аспектида муқоама этилган бўлиб, тилнинг фонетик-фонологик материаллари таҳлилида концепциянинг амалий аҳамияти таҳлил қилинган.

Bushuy T.A. Professor Jamoliddin Buronov is the founder of Uzbek typological studies of Germanic languages. The article considers the basic points of typological conception of Jamoliddin Buronov in the aspects of the history of Germanic studies, principles of correlation of English-Turkic languages with the practical application of the conception on the material analysis of Phonetic-phonological level.



Л.В. ШЧЕРБАНИНГ ТИЛШУНОСЛИККА ДОИР АЙРИМ ҚАРАШЛАРИ*

*Мирзаев Ибодулло Камолович,
Самарқанд давлат университети профессори*

Калит сўзлар: нутқий фаолият, тил тизими, психологизмга қарши кураш, янги грамматика.

Академик Л.В.Шчерба (1880-1944) тилшуносликнинг умумий (фонетика, графика, орфография, лексикология, лексикография, морфология, синтаксис), она тили ва чет тиллар таълими муаммолари билан ҳам чуқур шуғулланган етук тилшунос бўлган. Олимнинг умумлингвистик ғоялари унинг "Тил ходисалари уч аспекти ва тилшуносликда тажриба" ҳамда "Тилшуносликнинг навбатдаги муаммолари" номли мақолаларида ўз ифодасини топган.

Л.В.Шчербанинг жуда ёрқин ва ғоят истиқболли ғояларидан энг муҳими *нутқий фаолият, тил тизими, тил материални* изчил фарқлагани ва бу билан дў Соссюр таълимотига муайян аниқликлар киритганидир.

Биз мазкур мақолада унинг тилшуносликка доир айрим фикрларини умумлаштиришга ҳаракат қилдик.

1. Янги грамматика ҳақида

Л.В.Шчерба янги грамматика дарсликлари шошма-шошарлик билан ёзилгани, шунинг учун унда формал грамматика, психологизм, фалсафа (тилнинг фалсафий масалалари) тушунчалари аралаш-қуралаш бўлиб кетгани, бинобарин, соф грамматикани яратиш давр талаби эканлиги ҳақида ёзади ва қуйидаги асосий масалаларга тўхталади.

1. Психологизмга қарши курашиш керак, чунки XIX асрнинг охири ва XX асрнинг биринчи чорагида устувор бўлган тилшунослик тил ходисаларини физик-психологик қонунлар асосида тушунтиради. Субъектив идеализм эмас, балки объектив идеализм, тафаккур категорияларининг келиб чиқиши

ҳақидаги таълимот, "ҳар қандай нутқ реал воқелик ифодасидир" ("всякая речь есть отражение реальной действительности") қабилидаги изоҳларсиз берилган, я л а н ғ о ч тезис кўринишидаги, бошқа тилларга хос қонун-қоидаларни она тилига олиб кириш хавфли. "Ҳозирги тилларда *сиз, yous, vous* ва шу кабиларни ишлатилиши *pluralist majestis* ва б. инъикоси, поляк, итальян, швед ва немис тилларида 3-шахс билан (биздагидек 2-шахс билан эмас) мурожаат қилиш, подшога тўғридан-тўғри эмас, балки 3-шахс орқали мурожаат этиш одатининг қолдигидир"*.

2. Формализмга қарши курашиш лозим. Лев Владимировичнинг ёзишича, учига чиққан бу йўналишга бундан 20-30 йил муқаддам Ф.Ф.Фортунатов томонидан асос солинган. "Фортунатовгача ҳам грамматикада формализм унсурлари мавжуд эди, бироқ Фортунатов ва унинг мактаби формализмни изчил қўллади ва бу билан "мазмунсиз шакл ва шаклсиз мазмун бўлмайди" деган ҳақиқат, кўпинча, унутилди.

Формализм грамматикага шу даражада сингиб кетганки, ҳатто, ўзини формалист ҳисобламайдиган олимлар ҳам амалда формалист бўлиб чиқадилар. Масалан, дейди олим, мослашув, бошқарув ва битишув тушунчалари фақат шакл (форма) нуқтаи назаридан қарама-қарши қўйилади. "Бироқ мослашув ва бошқарув асосида нима ётади ва нима битишувга қарши туради? Биз бир сўзни иккинчиси билан мослаштирганда қандайдир тушунчани бошқа тушунчага доимо хос унсур сифатида очиб берамиз. Бошқарувда

* Қаранг: Шчерба Л.В. Языковая система и языковая действительность. –М.: Наука, 1974.

* Бизда бундай ҳолат кўпроқ, аёллар нутқида учрайди: қиёсланг: "овқатни есин", "ишдан барвақт келсин" ва "келсин" ва б. – *Муаллиф эслатмаси.*



биз икки тушунчани бир-бирига яқинлаштирамиз ва улардан бири мазкур тушунчадан ташқарида ҳам ўзининг мустақил маъносига эга бўлади. Моҳиятан битишувни мослашувга қарама-қарши қўйиш мумкин эмас. Масалан, *быстро бегать* ('тез чопмоқ') ички алоқасига (мазмунига) кўра *быстрый бег* ('тез чопиш')дан фарқ қилмайди".

Отлар сони масаласи ҳам жуда шоёни диққат. Масалан, айрим отлар, хусусан, моддий, мавҳум ва атоқли отлар, деб ёзади Л.В.Шчерба, асосан, бирлик сонда қўлланади. Атоқли отлар кўплик сонда қўлланганда ўз маъносини кескин ўзгартиради.

Атоқли отлар масалан, жой номи, исм ва фамилия тушунча эмас, балки белги, марка, тамғадир. Турдош от эса тушунчадир. Чунки унда белги-хоссаларнинг бутун бошли қатори бор.

Л.В.Шчерба формал грамматика, гарчи хос бўлмаган нарсани тилга тақайверган эски грамматикага зид ўлароқ юзага келган бўлса-да, бу каби саволларга жавоб беролмаслигини қатъий уқтиради.

3. Я н г и г р а м м а т и к а ф о й д а л и бўлиши керак. Лев Владимирович амалий жиҳатдан бундан 30 йил илгари эълон қилинган бир мақолада грамматика тўғри ўқишни ва ёзишни ўргатмайди, балки тил устида олиб бориладиган кузатишлар йўли билан уни онгли ишлатилишга тайёрлайди, натижада "грамматика" сўзи "тил устида кузатишлар" бирикмаси билан алмаштирилгани ҳақида ёзади. Унинг фикрича, илм ўз исботини амалиётда топади, яъни сўзни, сўзнинг у ёки бу шаклини, гапни қандай яшаш кераклигига ўргатиш керак.

2. Рус тилида сўз туркумлари ҳақида

Л.В.Шчерба рус тили грамматикаси бошланғич курсини қайта кўриб чиқиш асносида сўз туркумлари ҳақидаги жуда эски ва мунозарали масала очилиб қолгани, умумий тилшуносликка доир ишларда масалага, одатда, "сўз

туркумлари" категориясининг келиб чиқиши, аҳён-аҳёнда уларнинг турли тилларда турлича ифодаланиши нуктаи назаридан ёндашилаётганини қайд этиб, мавзуни муайян тилга нисбатан қайта ўрганиб чиқиш келгусида яхши натижалар бериши мумкинлигини уқтиради. Масалага бевосита ўтишдан аввал умумий характердаги айрим мулоҳазалар устида тўхталиб ўтади.

1. Гарчи сўз туркумлари таснифи мавжуд бўлса-да, уни сўзларнинг "илмий" таснифи деб бўлмайди. Чунки, биринчидан, ҳар қандай тасниф доимо субъектив, бинобарин, ихтиёрий бўлади ва айнан шунинг учун сўзларнинг бундай таснифини истаганча ишлаб чиқиш мумкин. Масалан, ёқимли ҳислар уйғотувчи сўзлар туркуми; услубан нейтрал сўзлар туркуми; қардош (бир оилага мансуб) сўзлар туркуми ва ўзаро қардошлик хусусиятига эга бўлмаган сўзлар туркуми ва б., ва ш.к. Сўз туркумларининг ранг-баранг таснифлари Н.Н.Дурновонинг "Что такое синтаксис?" ("Синтаксис нима ўзи?") [Журнал: "Родной язык в школе", 1923, №4]. Д.Н.Ушаков ҳам бу муаммога муносабат билдириб, сўзларнинг маъноси ва шаклига кўра ҳам туркумлаш мумкинлиги ҳақида ёзади.

Л.В.Шчербанинг ёзишича, тадқиқотчи қайси тасниф тил тизимининг ўзи томонидан "таклиф" қилинаётганини (элакишаётганини) излаш керак. Зеро, гап "тасниф"да эмас, балки таснифнинг тил ички хусусиятлари асосида ишлаб чиқилишидадир.

2. Бинобарин, деб ёзади Л.В.Шчерба, сўз туркумлари ўзининг қандайдир турғун ташқи ифодаловчиларига эга бўлмаса, тилнинг ўзида бундай категориялар бўлмайди.

3. Сўз туркумларининг ташқи ифодаловчилари (белгилари) жуда хилма-хил бўлиши мумкин, масалан, турли сўзларнинг "шаклий ўзгариши" (турланиши ва тусланиши), префикс, суффикс, қўшимча, гап урғуси, интонация, сўз тартиби, махсус ёрдамчи сўзлар,



синтактик алоқа ва ш.к. Рус тилида турланиш от ва сифатга хос. Бошқа тилларда, масалан, лотин тилида феъл (*gerundium*) ҳам турланади. Сўзнинг шахс-сонда ўзгариши – тусланиш – жуда кўп тилларда феълга хос хусусият. Лекин шундай тиллар ҳам борки, отлар ҳам тусланади. Бу фикрни асослаш учун Л.В.Шчерба қуйидаги манбани келтиради: А.Руднев. Хори-бурятский говор, вып.1 [Спб.-Пгр., 1913-1914], стр. XXXVIII). Бинобарин, шахс-сон категорияси фақат феълга хос белги дейиш таассуб (бидъат)дан бошқа нарса эмас. *Когда вы приехали?* гапида урғу *когда*га тушса, у равиш (хол), *Когда вы приехали, было еще светло* гапида урғу олмаган *когда* – боғловчи. Ёки интонацияга қараб, гап бўлаги тури аниқланади: 1) *рана пустяковая* гапида *пустяковая* – аниқловчи; 2) *рана пустяковая* гапида эса *пустяковая* – кесим.

Л.В.Шчерба сўзларнинг ташқи ифодаловчилари (турланиш, тусланиш, префикс, суффикс ва б.)ни ф о р м а л белгилар деб аташни таклиф қилади. Формал белгилар ранг-баранг бўлгани боис бир сўз моддий жиҳатдан ҳар хил туркумларга тушиб қолиши мумкин (масалан, русча *кругом* ҳам равиш ва ҳам предлог бўлиб келади). Демак, сўз бирор туркумга кириши учун, энг аввало, категориал хусусиятга эга бўлиши керак.

Шу каби умумий мулоҳазалардан кейин Л.В.Шчерба рус тилида сўз туркумлари масаласига ўтади ва бу ҳақда қуйидаги фикрларни билдиради:

I. У н д о в лар, олимнинг фикрича, жуда мавҳум, мубҳам ва мужмал, ҳис-туйғуни ифодалайдиган, синтактик жиҳатдан алоҳида ажралиб турадиган сўзлардир: *ай-ай!*, *ах!*, *ура!*, *боже мой!*, *беда!*, *черт возьми!*, *черт побери!* Аммо бу фикр тўғри эмас, чунки *Черт вас всех побери!* ёки *Татьяна – ах!* (Пушкиндан) гапларида *черт побери!* (жин урсин!) ҳис-ҳаяжон гап, *ах* (эх) эса – кесим: "Мен учун эх, ах, – давом эттиради фикрини муаллиф, Татьянага тегишли ва шунинг учун у

ундов сўз эмас, балки феълдир ... Ўз-ўзидан аёнки, товушга тақлид деб аталувчи *мяу-мяу* (миёв-миёв), *вау-вау* (вов-вов) кабиларни ҳам ундов сўзлар дейиш учун ҳеч қандай асос йўқ".

II. Л.В.Шчерба мустақил ва ёрдамчи сўз категориялари орасидаги фарқни қуйидагиларда кўради: биринчиси мустақил маънога эга, иккинчиси фақат тафаккур унсурлари орасидаги муносабатни ифодалайди; биринчиси ўзича мазкур сўз ёки сўз бирикмасини кенгайтиради (бошқа сўзлар билан бирикади): *мен ёзаялман, мен асар ёзаялман*, иккинчиси ўзича бошқа сўз билан киришмайди: *на, при, в, и, чтобы, быть, стать* (боғлама бўлиб келганда); 3) биринчиси гап урғусини олади, иккинчиси урғу олмайди (айрим ҳолатлар бундан мустасно). Биринчи ва иккинчи фарқни уларнинг белгилари деб ҳисобламаслик керак, чунки айрим ёрдамчи сўзлар, масалан, боғламалар тусланади, нисбий олмошлар (*которые, какой*) турланади ва жинс қўшимчаларини олади.

III. Л.В.Шчербанинг от сўз категориясига доир мулоҳазалари қуйидагилардир: 1) предметик ва субстанционаликни ифодалайди; 2) формал белгиларга эга: – а) турланади (*какаду, пальто* каби айрим сўзлардан ташқари); б) сифат ёрдамида аниқланади; в) сифат билан боғланади (*красивый какаду*), бошқа от билан битишмайди; г) *этот нищий, все доброе нищий* каби бирикмаларда *доброе* от бўлади; д) олмош деб аталувчи қатор сўзлар – *я, мы, ты, вы, он, оно, она, себя, кто? что? некто?, нечто, кто-то, что-то, никто, ничего от сўз туркумига* киради.

IV. Олимнинг қуйидаги мулоҳазаларига эътибор беринг: сифат категорияси шаклан ўзининг отга муносабати билан ифодаланади, бинобарин, от бўлмаса, сифат ҳам бўлмайди: *мой, твой, наш, ваш, свой, этот, тот, такой, какой, который, всякий, сам, самый, весь, каждый* каби "олмошлар", "тартиб сонлар" (*биринчи,*



иккинчи ва б.), сифатдош ва сифат даражалари отга тааллуқли бўлса, сифат макomini олади: *ваш рисунок лучше моего; эта местность красивее всего виденного мною*; Биринчи уч гуруҳ сўзларни Л.В.Шчерба сифат категориясига киритади. Сифатларнинг қиёсий даражаси равишдан ўзининг куршови билан фарқ қилади.

V. Лев Владимировичга кўра, равиш категорияси – соф формал категория, чунки унинг маъноси сифат категорияси маъносига мос, қиёсланг: *легкий/легко, бодрый/бодро* ва б. Равишларни отлардан фарқлаш жуда нозик масала, "чунки ўзгарувчанлик мезони, кўпинча, мазкур сўзнинг тегишли отлар шакли билан алоқасининг узилиши, яъни пировард натижада маъно негизда юзага келади: Мазкур ҳолатда предметнинг назарда тугилиш/тутилмаслиги муҳим роль ўйнайди".

Л.В.Шчербанинг феъл категориясига доир қарашлари ҳам ўзгача. Масалан, у боғламани (*быть, иметь, стать* ва б.) феъл деб ҳисобламайди, чунки унда ҳаракат маъноси йўқ. Унинг бирдан-бир вазифаси эга ва кесим орасидаги мантиқий муносабатни ифодалашдан иборат. Шунингдек, мустақил деб ҳисобланадиган сўроқ сўзлар, унинг ёзишича, ҳеч қачон мустақил бўлолмайди ("хотя она (категория вопросительных слов) никогда не бывает самостоятельной"). Булар *кто, что, какой, чей, который, куда, как, где, откуда, когда, зачем, почему, сколько* ва ш.к. Уларнинг формал белгиси – синтагма ичидаги ўзига хос интонациядир.

Мирзаев И.К. О взглядах Л.В.Щербы на некоторые вопросы лингвистики. Статья посвящена обзорному анализу взглядов великого русского ученого Л.В.Щербы по вопросам речевой деятельности, языковой системы и др.

Mirzaev I.K. L.Shcherba's opinions on some linguistic problems. The article discusses opinions of great Russian scientist L.V. Shcherba on the problems of speech activity, language system, etc.

Академик Л.В.Шчербанинг ёрдамчи сўзлар категориясига доир фикрлари қуйидагилардир (жуда қисқартирилган ҳолда): 1) рус тилида фақат битта боғлама бор; *быть*. Қолганлари маълум даражада мустақил маъно ифодалайди ва феъл ёки боғлама сифатида талқин қилинади. Унинг боғловчи, юклама ҳақидаги мулоҳазалари ҳам муаммога теранроқ кўз билан қарашга ундайдиган даражада қизиқарли ва ўзига хос.

Хулоса ўрнида унинг қуйидаги сўзларини келтирамиз: "Рус тилида "сўз туркумлари" деб аталган обзоримни тугатар эканман, ўқитувчилар қаторидан чиқаётган: "Буларнинг барчаси нақадар мураккаб! Наҳотки, шуларнинг ҳаммасини мактабга олиб кириш мумкин бўлса? Бизга бироз соддароқ, аниқроқ, фойдалироқ нарса керак!..." нидолар қулоғим узра янграйди.

Начора, ҳаётнинг ўзи мураккаб ва агар ҳаётни ўрганмоқчи бўлсак – у ҳолда бу осон ва соддалаштирилган ҳолда кечмайди. Ҳар қандай соддалаштириш, пировард натижада, кишини асл ҳаётдан узоклаштиради ва, энг даҳшатлиси, ҳаётни, унинг ходисаларини ўқитиш тўхтайди, далиллари устида чуқур фикр юритишга монёлик қилади. Муҳими – болаларнинг дадил ва бехато, эски ёки янги тизим асосида сўзларни туркумларга ажрата олишларида эмас, балки уларнинг ўзлари тилдаги категорияларни билиб олишларида, сўзларга, уларнинг маъно ва алоқалари устида чуқур мулоҳаза қилишларидадир".



ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИДА ТИЛЛАРАРО ЭКВИВАЛЕНТЛИК ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ТАДҚИҚИ

*Тўхтасинов Илҳом Мадаминovich,
Самарқанд давлат чет тиллар институти доценти*

Калит сўзлар: таржима, таржима назарияси, эквивалентлик, адекватлик, тил, аслият тили, таржима тили, маданият, категория, муқобиллик, мувофиқлик.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг ўзининг ташқи ва ички муносабатларини йўлга қўя бошлади. Турли хорижий мамлакатлар билан дипломатик алоқаларни ўрнатди. Хорижий мамлакатларнинг қатор йирик компаниялари мамлакатимизда ўз тармоқларини очишга муваффақ бўлишди. Хорижлик ишбилармонлар республикаимизнинг турли соҳаларида фаолият олиб боришмоқда. Ушбу соҳаларга иқтисодий, ижтимоий, таълим, соғлиқни сақлаш каби соҳаларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Мана шундай жараёнларда таржимонлар, уларнинг фаолияти жуда ҳам аҳамиятли ҳисобланади.

2012 йил 10 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан қабул қилинган 1875-сонли “Чет тиллар ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори чет тили, хусусан инглиз тилини ўқитишга, мамлакатимизга чет тилини мукамал эгаллаган кадрларни тайёрлашга катта эътибор қаратила бошланди. Ушбу Қарорнинг бандларидан бирида ўзбек адабий асарларини ўзбек тилидан чет тилига ва чет тилидан ўзбек тилига тўғридан-тўғри таржима қилиш масаласига ҳам урғу берилган. Мана шундай жиҳатларни ҳисобга олиб, ҳозирги кунда биз мамлакатимизнинг қатор соҳаларига ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган таржимонларни тайёрлашимиз керак.

Маданият ва маданиятлараро мулоқот сўзлари кенг қамровли тушунчалар бўлиб, ҳар ким уни ўз билганича талқин қилади. Аммо ҳар

қандай талқин остида ҳам маданиятли инсон, яъни тил ва маданиятни ўзида жамлаган индивид тушунчаси ётади. Тилшуносликда оддий бир сўз ҳам тилнинг маданият билан узвий боғлиқлигини кўрсатиб бериши мумкин. Атиги биргина сўз орқали биз ўша тилнинг ўзига хос хусусиятларини тасаввур эта оламиз.

“ST” (“Source translation – Асл нусха матни”) ва “TT” (“Target translation – Таржима матни”) ўртасидаги ўхшашлик даражасини аниқловчи таржимадаги семантик эквивалентликнинг муаммолари ҳақида маълумотга эга бўлиш муҳимдир [1, 23]. Агар биз “TT”ни “ST” билан қиёслаганимизда икки матн ўртасидаги семантик ўхшашлик даражасини таржима жараёнида фарқ қилишини билиб олишимиз мумкин. Шунга кўра, таржима эквивалентининг бир қанча турлари бир-биридан фарқ қилади. Масалан,

1) *Maybe there is some chemistry between us that doesn't mix – характеру бир-бирига тўғри келмайдиган одамлар ҳам бўлади.*

2) *A rolling stone gathers no mass – ким уйда ўтира олмаса уни меҳрибонлик кутмайди.*

3) *That's a pretty thing to say – уялсанг бўларди!*

Бунда биз оригинал, ва унинг таржимасида умумий маъно ёки тузилишидаги ноўхшашликни топа олмаймиз. Тил бирликларининг мутлақ ноўхшашлиги икки матн ўртасидаги аниқ мантиқий ўхшашликнинг йўқлиги билан изоҳланади, аслида эса улар “бир хил нарса ҳақида” деган хулосага олиб келади,



чунки улар айни ёки ўхшаш вазиятни тасвирлайди.

Шу нарса аниқки, икки гап ҳам умумий маънога эга. Уларнинг таркибидаги бу умумий жиҳат мос келувчи мазмунни етарли даражада таъминлашда катта аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, у таржимада оригинал, яъни аслият (таржима қилинаётган матн)нинг таркибий қисмидаги барча маъноларни сақлаб қолган ахборотни ўз ичига олади.

Мисоллардан биз шуни кўришимиз мумкинки, аслият ва унинг таржимасидаги умумийлик матннинг умумий мазмуни ва мажозий маъносидир, яъни бир сўз билан айтганда, умумий хулосани ёки матн аспектидаги маънодорликни таржимон асосий таркибдан ёки бирикувдан шахсда гавдалантира олиши лозим. Инглиз тилида “оригинал (асл) матн нима ҳақида эканлиги”, “унда нима дейилганлиги; ёки қандай баён этилганлиги”- тасвирланмайди, балки фақатгина “унда нима дейилмоқда”, яъни асосий маъно ва матннинг асосий мазмуни тасвирланади.

Бу турдаги мисоллар лексик ёки структуравий бирликларнинг параллеллиги йўқлиги билан тасвирланади.

Таржима – бир тилда яратилган муайян асарни ўзга бир халқ маънавий эҳтиёжига хизмат қилдирадиган, ундан бадий завқ олиши учун имконият яратиб берадиган коммуникатив воситадир. Бир тил ичидаги нутқ мулоқоти жараёнида муайян матн сўзловчига ҳам, тингловчига ҳам тенг тушунарли бўлганидек, бадий асар муаллифи ва унинг ўқувчиси ўртасида ҳам ўзаро таъсирланиш нуқтаи назаридан коммуникатив тенглик вужудга келади. Таржима матни ҳам аслият матнига тенг бўлиб, у билан яхлитлик тасаввурини уйғотиши керак. Шунга биноан, таржима вазибаларидан бири – таржима матн аслиятнинг тўлиқ коммуникатив ўрнини эгаллаши ва аслият ўқувчиси имкониятига тенг даражадаги бадий завқ, мазмуний ва мундарижавий (струк-туравий) уйғун

мувозанатни (мувофиқлик) таржима ўқувчисига тақдим этиш-дир.

Мувозанат (мувофиқлик) таржиманинг барча жабҳаларини қамраб олиши лозим. Таржимашунос олимлар аслият ва таржима матн ўртасидаги мувозанат (мувофиқлик) турларини учга бўладилар: 1. Функционал (вазифа-вий) мувозанат. 2. Мазмуний мувозанат. 3. Структуравий мувозанат.

Функционал мувозанат (муқобиллик) таржимоннинг аслият муаллифи билан муносабати доирасида юз бериши керак, яъни асарнинг ғоявий, жанрий хусусиятлари тўла сақланиши талаб қилинади. Мазмуний мувозанат деганда таржима аслият мазмунини тўлиқ акс эттириши, унга юқори даражада мазмунан адекват бўлиши тушунилади. Структуравий мувозанат (муқобиллик) таржимада аслиятнинг сюжети ва композицион қурилиши, мазмуннинг баён тартиби ҳеч бир ўзгаришсиз келтирилганда юзага келади. Таржимон асл матнга ҳеч нарса қўшмаслиги, асар парчаларини ўзича ўзгартирмаслиги ёки олиб ташламалиги зарур. Аслият ва таржима матннинг бўлим ва қисмлари сони ҳамда мазмуни бир-бирига айнан мос келиши талаб қилинади. Агар таржимон аслиятнинг айрим ўринларига жузъий ўзгартириш киритишга қарор қилса ҳам, бу фақат ўша парчадаги мазмунни тўлиқроқ очиб бериш мақсадида амалга оширилиши мумкин.

Таржимон ўз ҳаракатларида аслият ва ўз тили доирасида ҳамда тилдан ташқари бўлган зарурий омиллар (экстралингвистик ва прагматик омиллар) тақозосига кўра, икки тилда узатилаётган ахборот мазмунининг мувозий (тенг) даражасини топишни асосий вазифа деб билиши лозим. Ана шундай мувозанат (муқобиллик) даражаси таржима назариясида таржима эквивалентлиги ва адекватлиги тушунчалари орқали белгиланади.

Таржимон аслиятдаги бирликлар ва нутқ бўлақларини ўрганар экан, таржима учун эквивалент вариантларни танлайди.



Уларни аслият билан қиёслаб, охири қарорга келади. Танланган таржима вариант устида ишлаб, уни коммуникатив жиҳатдан мувозий ҳолатга келтиради. Ушбу жараён таржимондан тегишли билим ва маҳоратни талаб қилиши тайин. Аслият ва таржима мазмуни орасидаги реал муносабатларни қарор топтириш таржимонга икки матн ўртасига умумийлик чизиғини тортишга, максимал даражада турли тилдаги матнларнинг маъновий яқинлигини таъминлашга имкон беради. Шу орқали таржима сифатига эришилади. Таржима матнининг аслиятга нисбатан ҳар жабҳада яқинликка эришиши эквивалент таржима дейилади.

Таржимашунослик тарихида тиллараро лексик мувофиқлик масаласини жиддий ўрганиш ва мувофиқлик турларини таснифлаш, биринчи марта Я. Рецкер томонидан ўртага ташланган. У мувофиқлик турларини учга: эквивалент, муқобил (аналог) ва адекват турларига бўлади. Эквивалент деганда у муайян вақт ва макон учун контекстга боғлиқ бўлмаган доимий тенг даражадаги мувофиқликни тушунади. Муқобил (аналог) эса имкониятдаги бир неча синонимлардан бирини танлаб олган ҳолда амалга оширилган муқобил таржима натижасидир. Эквивалент ҳар доим битта, муқобиллар эса бир нечта бўлиши мумкин. Муқобиллар ёрдамида, хусусан, фразеологизмлар, мақол ва ҳикматли сўзлар таржима қилинади, деб ёзади Рецкер таснифи ҳақида В. Виноградов. “Адекватликка эришиш учун”, - дейди Я. Рецкер, - “таржимон аслиятнинг ҳарфий исканжасидан, луғавий ва иборавий мувофиқликлардан қутулиши ва вазифанинг ечимини яхлитлик нуқтаи назаридан мазмун, ғоявий йўналиш ва аслият услубидан қидирмоғи лозим” [2, 45].

Я. Рецкернинг таснифи тилшунос, таржимашунос олимларнинг жиддий эътирозларига сабаб бўлди. В. Виноградов уни муқобиллар (аналоглар)нинг бири-бирига тўғри келмайдиган (эмоционал-

экспрессив, стиль, диалект жиҳатидан) характерини ҳисобга олмаганлигини танқид қилса, А.Д. Швейцер эквивалентлик масаласида уни мавҳум тушунча берганликда айблади.

Натижада Я. Рецкер кейинги ишларида мувофиқлик турларини иккига: эквивалент ва муқобил мувофиқликлар (аналог) турига бўлиб, адекватликка таржима фаолиятидаги бир усул сифатида қарай бошлади.

Тилшунос-таржимашуносларнинг лингвистик жиҳатдан адекватликка эришиш мумкин эмас, деган қарашлари шу даврдан аксиомага айланди. Я. Рецкернинг адекватлик ҳақидаги таснифи бадий таржима учун жуда мақбул мезон эди. Аммо бу масала шундан сўнг кўтарилмади.

В.Н. Комиссаров эквивалентликнинг беш типини ишлаб чиқди [3, 114]. Унинг дастлабки уч типиде матн мазмунининг асосий элементлари таржимада сақланади. Матн нутқ коммуникацияси бирлиги сифатида ҳамиша коммуникатив вазифадорлиги, ҳолатий (манзаравий) йўналтирилганлиги ва ҳолат баёнининг танланиши билан белгиланади. Ушбу белгилар матннинг энг кичик бирлиги бўлган иборада ҳам сақланади. Бошқача айтганда, ҳар бир ибора мазмунида қандайдир ҳолат баёни орқали коммуникатив мақсад юзага чиқади. Эквивалентликнинг биринчи типиде аслият мазмунининг кўрсатиб ўтилган биринчи қисми сақланади (коммуникатив мақсад), иккинчи типда биринчи қисмга қўшимча равишда иккинчи қисм – ҳолат баёни ҳам сақланади. Эквивалентликнинг учинчи типиде учала қисм (коммуникатив мақсад + ҳолат баёни + баён усули) сақланади. Тўртинчи ва бешинчи типларда эквивалентлик олдинги уч тип белгиларига қўшимча равишда, маъно ва мазмунда фақат коммуникатив мақсад, ҳолатга эътибор ва уни баён қилиш усули билан чекланиб қолмасдан, аслият ва таржимада синтактик ва лексик birlikларни моҳиятан максимал даражада



яқинлаштиришда намоён бўлади. В.Н. Комиссаров уларнинг таржима жараёнидаги афзалликлари устида ҳам тўхталади:

Эквивалентликнинг юқори даражасини таъминлашда қайси таржима модели кўпроқ имкониятга эга? Трансформацион моделда аслиятда ва таржимадаги синтактик структуралар ҳамда лексик birlikларнинг маънолари орасида трансформацион муносабатлар йўқ. Ситуатив моделда икки матн эквивалентлиги даражаси фақат баён этилаётган ҳолатнинг умумийлиги асосида белгиланади.

Инглизча *“Answer the telephone”* ўзбекча *“Гўшакни кўтар”*га муқобил тушунча эканлиги таржимоннинг *“To answer (жавоб бермоқ)”* билан *“гўшакни кўтар”* ўртасида ўзак маънода эквивалентлик бор деб ҳисоблашда эмас, балки реал воқеликда, телефон кўнғироғига жавоб бериш пайти, албатта, телефон трубкасини кўтариш кераклиги ҳақидаги умумий тасаввур мавжудлиги туфайли ҳеч кимда эътироз уйғотмайди. Демак, турли тилларда бир-биридан узоқ маъноларни англлатувчи икки ибора муайян ҳолатда бир маънони англлатиши мумкин экан. Шундан билса бўладики, ситуацион модель трансформацион моделга нисбатан эквивалентлик ёки адекватликни таъминлашда устун томонларга эга.

Аммо ҳар қандай ҳолат ҳам эквивалентликни белгилашда тўғри мезон бўлади, деб айтиб бўлмайди. Масалан, шундай ҳолатлар учрайдики, аслият яратилган тилга мансуб ўқувчи қийинчиликсиз тушуниши мумкин бўлган сўз маънолари таржимон томонидан нотўғри тушунилиши мумкин. Масалан,

В. Комиссаров шундай мисолни келтиради: *“Different brands of changes Charles said: “Serge and barathea” – Потому что существуют разные сорта храбрости, – сказал Чарльз. – Одна сержантская, а другая-офицерская”*.

Ушбу мисолда икки хил мато ҳақида гап кетмоқда. Инглиз ўқувчиси парчадан

англашилган маънони осон тушунади. Жумладан, бир матонинг оддий ва арзонлиги, иккинчисининг қимматбаҳо эканлигига урғу берилаётган-ни ҳам унга маълум. Аммо рус таржимони аслиятни ўқиганда уни юқорида таржима қилингандек тушунган. Лингвистик нуқтаи назардан ҳам, семантик нуқтаи назардан ҳам, ҳолатдан келиб чиқиб иш тутиш жиҳатидан ҳам таржи-монни айблаб бўлмайди. Лекин масаланинг бошқа нозик бир жиҳати бор. Бу ерда таржимоннинг маданий-тарихий аспектдаги маънавий билимларининг етишмаслиги маълум бўлиб қолган. *Serge and barathea* сўзларининг ўша халқнинг ўзига маълум бўлган бошқа маънолари борлигидан хабарсизлик таржиманинг эквивалент ёки адекват бўлишига жиддий халал берган. Шундай экан, коммуникатив моделнинг таржима адекватлигини таъминлашда анча кенг имкониятлар беришини ҳисобга олиш зарур.

Таржимашуносликда эквивалентлик таржима усули сифатида талқин этилади. Чунки, бу ҳодиса таржима жараёнида ҳам гаплар, иборалар ҳам кичик лингвистик birlikларни таржима қилиш учун қўлланилади. Эквивалентликни кўплаб олимлар таржима усули, таржима методи сифатида ҳам талқин қилишади. Жумладан, Ҳарвей эса маданий бўёқдорликка эга терминларни таржима қилишнинг усуллари сифатида қуйидаги тўрт асосий таржима усуллари таклиф этади [4, 73]. У таржима усуллари тушунчасига нисбатан “translation techniques” тушунчасини қўллайди:

1. Функционал эквивалентлик (Functional Equivalence): Бунда Таржима тили маданиятида Аслият тили маданиятидаги худди шундай вазифани бажарувчи сўзни қўллаш.

2. Шаклий эквивалентлик (Formal Equivalence) ёки “лингвистик эквивалентлик (linguistic equivalence)”. Бунда сўзлар сўзма-сўз таржима қилинади.



3. Транскрипция (transcription) ёки аслият тилидаги сўзни таржима тилида қўллаш (borrowing):

Тасвирий ёки ўз-ўзидан тушунарли таржима (Descriptive or self-explanatory): У одатда умумий терминларга нисбатан маънони очиб бериш учун ишлатилади. Бу усул формал эквивалент унчалик фойдали бўлмаган кенг турдаги котекстларда қўлланади. Бундан кўриниб турибдики, эквивалентлик маданий бирликларни

таржима қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридаги мулоҳазаларимиздан шу нарса англашиладики, таржимон ўз олдида турган вазифани таржима қилинаётган асарнинг ғоявий бойлигини, унинг ўзига хос такрорланмас хусусиятларини, ҳар бир сўзни бутун бир асарнинг узвий қисми сифатида қараб, уларни асар ролига мувофиқ таржима қилишда эквивалентлик ходисасидан тўғри фойдаланиш жуда ҳам муҳим ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Гофуров И., Мўминов О., Қамбаров Н. Таржима назарияси. Т. 2012 й. 22-24 бетлар.
2. Виноградов В.С. Перевод: Общие и лексические вопросы. Текст.: учебное пособие / В.С. Виноградов. М. : КДУ, 2004. - 240 с.
3. Комиссаров В.Н. Теория перевода (лингвистические аспекты). – М., 1990.- 354 с
4. Harvey, M. (2003). A beginner's course in legal translation: the case of culture-bound terms. Retrieved April 3, 2007 from <http://www.tradulex.org/Actes2000/harvey.pdf>

Tukhtasinov I. The problem of equivalent notion of languages in translation theory. The article is devoted to research the concept equivalence which is one of important techniques used by translators at the process of translation. The concept of equivalence, its categories and the importance of it at the process of translation were learnt in detail in this article. These issues were proved with several scientists' opinions.

Тухтасинов И. Понятие межязыковой эквивалентности и его исследования в теории перевода. Статья посвящена раскрытию технических приёмов концепта эквивалентности, реализуемых в процессе перевода. Понятие эквивалентности и ее категории всесторонне исследованы и обогащены на основе современных лингвистических теорий.



CONVERGENCE AS A MEANS OF EMOTIONAL IMPACT IN THE STRUCTURE OF LINGUISTIC PERSONALITY

Normurodova Nozliya,

PhD, Associate professor

The University of Uzbek language and literature named after Alisher Navoi

Key words: *anthropocentric paradigm, linguopragmatics, convergence of stylistic devices, linguistic personality.*

The anthropocentric paradigm in linguistics, which contains the human factor and his activity as a central part in the process of studying language, opens up new scientific discipline such as linguopragmatics.

The initial thesis of the principle of anthropocentrism was formulated by E. Benvenist in his fundamental work "The general linguistics" (2002). According to his principle, language is considered as the possibility of realization of the personal beginning in the person. E. Benvenist formulated the anthropocentric principle and stated: "It is impossible to display the person without language and the language without its inventor. In this world, a person only exists with the language, the person speaking with another person, and language, thus, necessarily belongs to the characterization of the person... In language and thanks to language, a person is constituted as the subject" (3, p. 293).

According to Ashurova, "linguopragmatics is the communicative trend of linguistics studying language-in-action, in its relations to the "users" of language, their activity with an accent on social, psychological, cultural aspects of language functioning" (2, p. 196).

This trend of linguopragmatics embraces a wide range of problems such as the notion of discourse, the factors of the addresser and the addressee, linguistic personality etc. Out of these notions, currently the notion of "linguistic personality" (LP) is of greatest importance (2, 4, 5, 6).

One of the significant peculiarities of literary discourse in linguopragmatic interpretation of LP is the factor of emotional impact on the addressee. Emotional impact,

being one of the important types of pragmatic intentions, is verbalized in the text by means of convergence. Convergence of stylistic devices is one of the types of foregrounding and is defined as "an accumulation of stylistic devices and expressive means within one fragment of the text. Stylistic means brought together enforce both logical and emotive emphasis of each other, thus attracting attention to certain parts of the text" (1, pp. 93, 140).

Now let us turn to the analysis of an interesting illustration, which is the story *The Garden Party* by Katherine Mansfield. The story having Laura Sheridan – a pretty upper-middle class lady – as a central character, narrates about a sophisticated social gathering, i.e. the garden party organized by Laura's family, and the accidental death of a young local working-class man in the neighborhood to which Laura and the members of her family react differently. The following fragment from the story can serve as a convincing evidence to the topic being analyzed:

Laura put back the receiver, flung her arms over her head, took a deep breath, stretched and let them fall. "Huh," she sighed, and the moment after the sigh she sat up quickly. She was still, listening. All the doors in the house seemed to be open. The house was alive with soft, quick steps and running voices. The green baize door that led to the kitchen regions swung open and shut with a muffled thud. And now there came a long, chuckling absurd sound. It was the heavy piano being moved on its stiff castors. But the air! If you stopped to notice, was the air always like this? Little faint winds were playing chase, in at the tops of the windows,



out at the doors. And there were two *tiny spots of sun*, one on the inkpot, one on a silver photograph frame, *playing too. Darling little spots. Especially the one on the inkpot lid. It was quite warm. A warm little silver star. She could have kissed it.*

In the above given fragment emotional impact is produced by means of convergence and emotionally colored linguistic units. In addition, we can notice that a great number of stylistic devices are in action here: lexical stylistic devices – personification (*house was alive, running voices, little faint winds were playing chase, two tiny spots of sun... playing too*), epithet (*soft, quick steps, silver star*); syntactical stylistic means – enumeration, gradation (*put back the receiver, flung her arms over her head, took a deep breath, stretched and let them fall*), exclamatory sentences (*But the air!*), rhetorical question (*If you stopped to notice, was the air always like this?*), elliptical sentences (*Darling little spots. A warm little silver star*); various types of repetition including anadiplosis (*It was quite warm. A warm little silver star*); onomatopoeia (*muffled thud, chuckling*).

In the same story, we can notice the convergence of several stylistic devices within one sentence, as well:

And the perfect afternoon slowly ripened, slowly faded, slowly its petals closed.

The stylistically marked units used in the sentence are: a) gradation – a syntactical stylistic device based on the arrangement of a number of statements or a group of words in an ascending order of importance to show growing emotional tension. (*ripened, faded, closed*); b) different types of repetition such as anaphora, which is the repetition of a word or phrase at the beginning of several subsequent lines (*slowly... slowly... slowly*), parallel construction and asyndeton. It should be noted that repetition, being one of the most frequently used expressive means of the language, is a deliberate, intentional use of the same words and/or phrases in the literary discourse, and it aims at calling the attention of the reader to the key words of the

utterance. ; c) metaphor – the representation of “*afternoon*” by means of linguistic units such as “*ripened, its petals closed*” which are generally used for the resemblance to the features indicating flora; d) epithet (*perfect afternoon*).

No less significant illustration in this respect is the story *The Apple Tree* by J. Galsworthy. The story depicts a tragic love story, the whole-hearted love that Megan – a beautiful country girl devotes to her lover – Frank Ashurst:

The moon had just risen, very golden, over the hill, and like a bright, powerful, watching spirit peered through the bars of an ash tree's half-naked boughs... He listened. There was no wind, but the stream's burbling whispering chuckle had gained twice its daytime strength. One bird, he could not tell what, cried "Pip-pip," "Pip-pip," with perfect monotony; he could hear a night-Jar spinning very far off; an owl hooting. Ashurst moved a step or two, and again halted, aware of a dim living whiteness all round his head. On the dark unstirring trees innumerable flowers and buds all soft and blurred were being bewitched to life by the creeping moonlight. He had the oddest feeling of actual companionship, as if a million white moths or spirits had floated in and settled between dark sky and darker ground, and were opening and shutting their wings on a level with his eyes. In the bewildering, still, scentless beauty of that moment he almost lost memory of why he had come to the orchard.

The fragment grabs the reader's attention and exerts tremendous emotional impact by its massive use of stylistically marked units thereby creating a convergence of stylistic devices. Here important is the role of personification, which is repeatedly yet effectively used in the description of nature as well as the inner world picture of LP: “*the moon... peered through*”, “*half-naked boughs*”, “*spirits... had settled*”, “*flowers and buds... bewitched to life by the creeping moonlight*”, “*the stream's burbling whispering chuckle had gained twice its*



daytime strength”, “*bird cried*”. As it is widely known, personification is a stylistic device in which a thing, an idea or an animal is given human attributes. In other words, inanimate objects acquire the quality of living creature. Besides conveying LP’s psychological and emotional state in a impressive way, personification, also influences the addressee’s emotional state thereby stimulating his/her brain activity in the process of emotional perception. In addition, this fragment is characterized by a high degree of stylistic effect due to the abundance of other stylistically marked units such as epithet (*moon had just risen, very golden; scentless beauty of that moment; powerful spirit*), polysyndeton (*and... and ...*), asyndeton (*One bird, he could not tell what, cried "Pip-pip," "Pip-pip," with perfect monotony; he could hear a night-Jar spinning very far off; an owl hooting*), simile (*like a bright, powerful, watching spirit; as if a million white moths or spirits had floated in*), hyperbole (*innumerable flowers; a million white moths or spirits*), onomatopoeia (*"Pip-pip"; burbling...chuckle*).

Very often emotiveness is embodied in the speech of LP, especially when s/he is under the influence of the flow of emotions and this kind of speech tends to bring out the inner feelings and thoughts of the LP:

“*Caro, caro, tu non l’haivisto!*” it was murmuring away, in a language Cecilia did not understand. She lay and writhed her limbs in the sun, listening intently to words she could not follow. ***Softly, whisperingly, with infinite caressiveness and yet with that subtle, insidious arrogance under its velvet, came the voice, murmuring in Italian: “Bravo, si, molto bravo, poverino, ma uomo come te non saràmai, mai, mai!”*** Oh, especially in Italian Cecilia heard the ***poisonous charm of the voice, so caressive, so soft and flexible, yet so utterly egoistic.*** She hated it with intensity as it sighed and whispered out of nowhere. ***Why, why should it be so delicate, so subtle and flexible and beautifully controlled, when she herself was so clumsy? Oh, poor Cecilia, she writhed in***

the afternoon sun, knowing her own clownish clumsiness and lack of suavity, in comparison.” (D.H. Lawrence “*The Lovely Lady*”, p.13)

The fragment describes the situation where Cecilia accidentally gets to hear her aunt Paulina’s talking to herself in Italian and finds about her past wrong deeds. Here the important is the role of represented speech which the author conveys through the thoughts of Cecilia. In other words, the author reveals Paulina’s personality characteristics through the unuttered speech of Cecilia. A peculiar feature of the emotiveness of the fragment is not separate use of emotionally colored units, but their convergence that creates emotive density of the text. Particularly, a significant role in creating emotiveness is assigned to the use of numerous genuine **epithets**, which create subjective evaluation: “*Softly, whisperingly, with infinite caressiveness and yet with that subtle, insidious arrogance under its velvet, came the voice*”, “*poisonous charm of the voice, so caressive, so soft and flexible, yet so utterly egoistic*”, “*so delicate, so subtle and flexible and beautifully controlled*”, “*clownish clumsiness*”; **antithesis**: “*flexible – clumsy*”, “*caressiveness - arrogance*”; **oxymoron**: “*poisonous charm*”” **various types of repetitions**: “*so...so...*”, “*Why, why..*”, “*and ... and*”; **contextual synonymic repetitions**: “*whisperingly*”, “*softly*”, “*murmuring*”, “*caressive*”, “*beautifully*”, “*delicate*”, “*flexible*” (voice) ; **barbarisms**: “*Bravo*”.

The another extract from the same story is embodied with emotiveness by various stylistically marked units:

There was dead silence. Poor Cecilia lay with all the use gone out of her. ***Andthere was dead silence.*** Till at last came the whisper:

“*I didn’t kill Henry. No, no! No, no! Henry, surely you can’t blame me! I loved you, dearest; I only wanted to help you.*”

“*You killed me!*” came the ***deep, artificial, accusing voice.*** “*Now let Robert live. Let him go! Let him marry!*”



There was a pause.

“How very, very awful!” mused the whispering voice. “Is it possible, Henry, you are a spirit, and you condemn me?”

“Yes, I condemn you!”

Таърифлар ё сўзловчининг мақсадига ёки томошабин талқинига қаратилган бўлади. Бергер ҳажвни “номувофиқ алоқа ёки маънони келтириб чиқарадиган мулоқотнинг махсус тури ва шу йўл билан кулгини келтириб чиқаришдир” деб таърифлайди[13, 113-115]. Бергернинг кулгини таърифнинг бир қисми сифатида талқин этиши унинг таърифида томошабиннинг талқини муҳимроқ деб ҳисобланишини билдиради.

Виник сўзловчининг мақсадига эътиборини қаратади. Унинг ҳазилга берган таърифига кўра, “ҳазил сўзловчи томонидан аниқ билдириладиган сўзамонлик ва кулгини мақсад қилган мулоқотнинг бир туридир”[14, 124-128]. Ҳажв бўйича Виникнинг эмас, балки Бергернинг таърифи кўроқ муваффақиятли чиққан. Таърифларда сўзловчининг мақсадидан кўра кўпроқ томошабини муносабатига эътибор қаратилмоқда.

Мартени ўзининг таърифида икки элементни бирлаштиради. Унинг изоҳлашича, “ҳажв ҳар қандай бир-бирига алоқадор томонлар томонидан кулгили деб тушуниладиган ҳар қандай мулоқот инстанцияси бўлиш учун умумий тарзда талқин этилади”[15-120]. Бу борада сўзамонлик, ҳажв ва ҳазил ўртасидаги бир-бирига тўғри келишликка эътибор қаратиш муҳимдир. Дункан ҳазил ва ҳажв

терминларини ўзаро алмашувчан ҳодиса сифатида таъкидлайди[17, 897]. Лонг ва Грессер Мартениеудан кенгроқ маънода таърифлайди. Улар икки нарсани: талқин ва мақсадни бирлаштиради. Улар ҳазилни атайин кулгини уйғотувчи ҳодиса сифатида изоҳлайди. Лонг ва Грессер ҳажвни эса бошқачароқ таърифлайди. Уларнинг фикрича, “ҳажв бу кулгили ёки кулгили бўлиш учун мақсадли ёки атайин қилинган ёки бажарилган ҳар қандай нарса”дир. Таққослаганда эса, ҳазил атайин кулгини уйғотиш учун айтилган ёки қилинган ҳодиса сифатида изоҳланади[17, 37].

Демак, юқоридаги манбалардаги ва турли соҳа олимларининг ҳажвга берган таърифларини ўрганиб чиқиб, биз ўзимизнинг ҳажвга берадиган изоҳимизни таклиф этишимиз мумкин. Ҳажв бу –инсон табиатига хос ҳодиса бўлиб, у ҳаётда учрайдиган турли қизиқарли воқеалар, бир-бирига ўзаро номувофиқ ҳодисалар содир бўлиши натижасида юзага келадиган жараён бўлиб, у инсонга тасир этиш кучига эга. Бу тасир икки хил кўринишда: салбий ва ижобий бўлиши мумкин. Ҳаётда содир бўладиган қизиқарли воқеаларга нисбатан кулиш инсонга ижобий таъсир қилиши мумкин ва, аксинча, инсонлар бир-бирларининг ҳато ва камчиликлари, нуқсонлари устидан кулиш эса табиий равишда салбий тасир кучига эгадир.

Адабиётлар:

1. Chairo D. et al., 2010, Translation, humour and literature. London.
2. Белинский В.Г. Собр. соч. В 3-х т. Е.И, 1948, с.238
3. Чернышевский Н.Г. Полн. собр. соч. Т. II. М., 1948, с. 185-186.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. Тошкент, 2007. 5-жилд.477-бет.
5. Macmillan For Advanced Learners. Printed and bound in Malaysia, 2010. p. 740.
6. Hornby A.S. Oxford Advanced Learner's Dictionary. Oxford University Press. P. 761
7. Attardo S., 1994, Linguistic theories of humour. Berlin, New York: Mouton de Gruyter, p. 3
8. Ross A., 1998, The language of humour. London: Routledge. P. 6.
9. Palmer J., 1994, Taking humor seriously. London: Routledge. P. 3.
10. Tisgam Kh. N. Translating Cultural Humour: Theory and Practice. 1–15. Web. 12 Feb 2015.
11. Вацлавик П., Бивии Д., Джексон Д. Прагматика человеческих коммуникаций: Изучение паттернов, патологий и парадоксов взаимодействия. // Пер. с англ. А.



- Суворовой. — М.: Апрель-Пресс, Изд-во ЭКСМО Пресс, 2000. — 320 с. (Серия «Психология. XX век»).
12. Koestler A., 1964, The Act of Creation. London: Hutchinson & Co. Berger, A. Anatomy of the joke. Journal of communication, 26: 113-115.
 13. Berger A. Anatomy of the joke. Journal of communication, 26: 113-115.
 14. Winick C. The social context of humor. Journal of communication, 26: 124-128.
 15. Martineau W. A model of the Social Functions of Humour. In Goldstein, J and McGhee, P.E., editors, The Psychology of Humour, chapter 5, pages 101-125. Academic Press, New York and London.
 16. Duncan W.J, 1984, Perceived humour and social network patterns in a sample of task oriented groups: a reexamination of prior research. Human Relations, 37(11): 895-907.
 17. Long D., Graesser A., 1988, Wit and humour in discourse processing. Discourse processes: A Multidisciplinary Journal, 11(2): 35-60.

Йулдошев У. Значимость понятия "юмор". В статье представлены взгляды исследователей категории юмора. Подчеркивается необходимость дифференциации юмора и шутки, роль и место юмора в обществе, а также условия его функционирования. Глубоко изучены специфические черты юмора, а также последствия его воздействия на индивида.

Yo'ldoshev U. Comprehension of the notion of humor. The concept of humour is defined with different sources and opinions by several scientists. It is mentioned that the difference between humour and joke, the role and function of humour in society, the cases of using humour. The peculiar features of humour and the important facilities appeared on the result of effect to human being are widely learnt.



ТИЛНИНГ СОЦИОЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА “НУТҚИЙ ҲУШЁРЛИК” ХОДИСАСИНING ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ТАБИАТИ

Маматкулов А.Л.

Андижон давлат университети доценти

Калим сўзлар: нутқий хушёрлик, ижтимоий тушунча, тафаккур услуги, мулоқот шароити, нутқ объекти.

Ижтимоий ҳодиса сифатида фаолият кўрсатаётган тил доимий ҳаракатдадир. Тил - нафақат тафаккур маҳсули, маълум бир фикрни ифода этувчи восита, балки у бутун бир олам, коинотнинг таркиби ҳамда мазмун-моҳиятини инсон онгида акс эттиришга хизмат қилувчи мураккаб ҳодиса саналади.

XX асрда тилни тилдан ташқаридаги ҳодисалар билан ҳамкорликда тадқиқ қилишга эҳтиёж анча ортиб кетди. Бу эса тилшуносликда янги оқимлар, шу жумладан, антропологик тилшунослик, Прага функционал тилшунослик мактаби, социолингвистика, этнолингвистика, лингвистик мамлакатшунослик каби янги соҳаларнинг юзага келишига сабаб бўлди.

Тил, жамият ва маданиятнинг ўзаро муносабати масаласи тилшунослик фанида жуда кам ўрганилган. Масалага атрофлича ёндашиш замонавий тилшуносликнинг энг муҳим муаммоларидан бири саналади. Зеро, таниқли немис тилшуноси ва файласуфи Вильгельм фон Гумбольдт тилни “халқ маънавий куч-қудратининг ифодаси”, “халқ тафаккури ва ҳиссиётини ифодаловчи муҳим воситадир”, -деб таърифлаганида тўла ҳақли эди. [2.349].

С.Г.Тер-Минасова тўғри таъкидлаганидек: “Тил – маданият кўзгуси, унда халқнинг ўз-ўзини ижтимоий англаши, унинг менталитети (ўзига хослиги), миллийлиги, ҳаёт тарзи, анъаналари, урф-одатлари, ахлоқий меъёрлари, кадриятлари тизими, дунёқараши, оламга муносабати акс этади” [6.14]. Шунингдек, тил азалдан тарбия, билимларни оммалаштириш, одамларнинг энг муҳим ҳаётий муаммоларини ҳал этиш воситаси бўлиб

келган, ҳозир ҳам шундай, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. [3.82].

Тил мулоқот воситаси бўлиш билан бир қаторда дунёни билиш, унинг ҳақида ахборот тўплаш ва уни сақлаш, бошқаларга етказиш воситаси ҳамдир. [5.4].

Гўзал турмуш роҳат-фароғат билан умр ўтказмоқдан иборатдир. Умр ҳеч маҳал бир ерда тўхтаб турмас, балки ҳамиша бирин-сирин ўтар ва ниҳоят тугар ҳам. Ўтган умрни бутун дунё молини бериб бўлса ҳам қайтариб бўлмас. Шунинг учун бу оз умрни роҳат-фароғат билан кечирмоқ, зое ўтказмоқдан сақланмоқ лозим бўлади. Кўркам бўлган оз умр узун хисобланади, кўркам бўлмаган узун турмуш қисқа саналади. Кўркам турмуш эса, ҳусни хулққа боғлиқдир. Кўркам хулқ эса, инсонда улуғ бир фазилат хисобланади.

Кейинги пайтларда кўпроқ инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларда “Political Correctness” (француз тилида - “le politiquement correct”, рус тилида-политкорректность, ўзбек тилида – “нутқ одоби”, “сиёсий нутқий хушёрлик”, “нутқий хушёрлик”, “нутқий андишалилик”, “нутқий ҳушмуомалалик”) деб аталган тушунчаларни ифодаловчи маданий ва лисоний ҳодиса пайдо бўлди.

Юқорида келтирилган ўзбекча атамалар ичида мазкур лисоний тушунчани “нутқий хушёрлик” истилоҳи билан ифодалашни лозим топдик.

Нутқий хушёрлик тушунчаси турлича таҳлил қилинади. Бу нарса муайян идеологик ҳолат, лисоний хатти-ҳаракат, маданий ҳулқ-атвор ва тил анъаналари,



бағрикенглик ва бошқалар сифатида талқин қилинади.

“Нутқий хушёрлик” – тилшуносликда янгича ёндашув бўлиб, нутқ фаолиятида ҳар қандай камситишларга йўл қўймасликни, ноқулай ибораларни қўлламасликни билдиради. Бу тушунчанинг асл моҳияти нутқ жараёнида у ёки бу майда этник (ирқий, жинсий, ижтимоий) гуруҳ вакилларининг иззат-нафсига, нафсониятига, ҳамиятига тегиб кетмаслик, ҳаётдаги нохуш воқеа-ҳодисаларни яшириш ёки ниқоблаш, сўзловчининг мақоми ва гапнинг нима ҳақида бораётганлигини аниқ кўрсатишдан иборат. Шунга мос равишда тилда янги-янги тушунчалар пайдо бўла бошлайди, улар нутқ объектини тўғридан-тўғри, дангал, ошқора ифодаламай, уни юмшоқроқ, қочиримлар йўли билан тавсифлашга хизмат қилади.

“Нутқий хушёрлик” турли лисоний воситалар, кўчимлар ва ёйиқ синтактик тузилмалар ҳамда бир қанча илмий истилоҳлар, хорижий сўзлар, қисқартма атамалар воситасида ифода этилади.

Тил ижтимоий ходиса бўлганидан жамият билан, жамиятнинг ҳаёти билан узвий алоқададир. Демак, унинг ижтимоий моҳияти, ижтимоий вазифаси, тилга социал омилларнинг таъсири, тил таракқиётида тил сиёсатининг роли каби қатор масалаларни ўрганиш билан шуғулланувчи тилшунослик йўналишининг яратилишига катта эҳтиёж туғилди. Ана шундай амалий эҳтиёж билан тилшуносликда социал йўналиш ва социоллингвистика дунёга келди. [4.171].

Социология ва лингвистиканинг бир-бирига боғлиқ эканлиги барчага аён. Ҳозирги кунда жамиятда юз бераётган ўзгаришлар тилда ўз ифодасини топмоқда. Шу боисдан ҳам тилнинг таркибий қисми бўлган “нутқий хушёрлик” ҳодисасини ижтимоий-лисоний нуқтаи назардан ўрганиш муҳим ахамият касб этади.

“Нутқий хушёрлик”ка эга бўлган ахборотнинг бир неча элементларини

кўрсатиш мумкин. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Нутқ эгасининг маданий, касбий ва бошқа белгиларига кўра маълум ижтимоий гуруҳга мансублиги;

2. Нутқ эгаси бажараётган ижтимоий вазифа;

3. Нутқ эгасининг гап предметига муносабати;

4. Мулоқот шароити, вазияти.

Ҳар қандай аниқ фикрда юқорида айтилган элементларнинг ҳаммаси бўлиши шарт эмас, аммо услубий ахборотнинг бу белгиларини маълум даражада “нутқий хушёр” фикр ва матнларда учратишимиз аниқ.

Ижтимоий гуруҳга мансублик.

Ш.Балли: “... ўзаро нутқий алоқаларда одамлар турли ижтимоий гуруҳлар тилларидаги ифода шаклларини ўзлаштириб оладилар; ҳар биримизнинг нутқимиз умумий тилнинг ёрқин фонида нутқ эгасига мансуб бўлган муҳит тилини ёки ўзи мослашишга интилаётган муҳит тилини акс эттиради. Шу боис, нутқ ижтимоий символиканинг муҳим омили бўлади”, -деб ёзади [1.256].

Ҳақиқатан, гапириш йўсини, худди кийиниш қонун-қоидалари каби, гапирувчини маълум бир ижтимоий муҳитга, одамларнинг маълум бир тоифасига мансублигини билдирувчи ижтимоий белги вазифасини бажариши мумкин. Гапирувчини у ёки бу доирага тиркаш унинг символик характериға кўра асоссиздай кўринади.

“Нутқий хушёр” фикрларда, бизнингча, нутқ эгасининг муайян ижтимоий муҳити ҳақида, аниқроғи, маданиятли, саводхон, юз бераётган воқеа-ҳодисалардан хабардор, ижтимоий ёки сиёсий фаолиятда фаол эканлиги тўғрисида ахборот беради. Бу қандай бўлмасин, ҳар қандай майда миллий гуруҳларга нисбатан ҳам “хушёрлик” ва “бағрикенглик” билан муносабатда бўладиган кишилар тоифасидир. Улар ҳар бир киши, ҳар бир халқнинг ўзига хослигини ҳурмат қиладилар.



Маълум бир ижтимоий гуруҳга мансубликни билдирувчи услуб белгилари субъектнинг бу гуруҳда доим мавжуд эканлигини кўрсатмайди, улар ўша шахснинг мулоқот жараёнидаги алоҳида (“маданиятли киши”, “расмий шахс” каби) ижтимоий ва психологик ҳолатининг бир кўрсаткичидир.

Ижтимоий роль. Субъектнинг ижтимоий роли бевосита мулоқотнинг маълум соҳалари бўйича нутқ ирод этишнинг махсус йўсинларида кўринади. Зеро, моҳиятига кўра, ҳар бир барқарор нутқ жанри (буйруқ, суд қарори, илмий мақола, роман, газетадаги бош мақола ва б.) – бу алоҳида ижтимоий ролдан ўзгача нарса эмас, унда ўша роль нутқ фаолияти тарзида намоён бўлади.

Бу ерда услуб ижтимоий ролга ишора қилади, яъни суҳбатдошни кўрсатади, маълум бир шароит яратади, ўқувчи ёки тингловчининг матнга қандай муносабатда бўлиши кераклиги, ундан нимани кутиши мумкинлиги ёки зарурлигини эслатиб туради.

“Нутқий хушёр” фикрларда нутқ эгасининг ижтимоий вазифаси тўғрисида маълумот берилади. Бу интервью бераётган расмий бир шахс ёки энг долзарб ахборотни таъсирчан руҳда бера оладиган журналист бўлиши мумкин. Нутқ эгасининг вазифаси, албатта, ўша нутқ объектига муносабатда кўринади. Бу шунчаки, эркин муносабат эмас, бу ижтимоий бир-бирига боғлиқ муносабат. У маълум вазиятда ҳаммабоп хулқ меъёрлари негизида пайдо бўлади. Ролга киришаётган киши ўзига ўзи ҳисобот беради: суҳбатдоши қаршисида у ким бўлиб кўринади, нимани қандай бажариш лозим, ўзини қандай тутиши керак, суҳбатдошга қандай муносабатда бўлиш керак? деб, у ўзига саволлар беради ва ўзини мулоқотга тайёрлайди.

Нутқ эгасининг гап предметиға муносабати. “Нутқий хушёр” матнда нутқ эгасининг гапнинг нима ҳақида бораётганлигиға муносабати таъкидланади. Бундай муносабатга хос

нарса ҳақиқий бағрикенглик, гап мавзусини юқори фазилатли ва нуфузли қилиб кўрсата олиш. Масалан, эътиборсиз ва кам маош бериладиган касбларнинг номини билдирувчи “нутқий хушёр” синонимлар ушбу фаолиятнинг “нуфузи”ни кўтаришни назарда тутаяди, бунда ўша касб номига салобатли кўриниш берилади. Бунинг учун ижобий элементли ва тилда ижобий маънодор сўзга урғу берилади. Бунга мисоллар келтирамиз:

“Une secrétaire” (секретарь) ўрниға
Une assistante personnelle – шахсий
ёрдамчи.

“Une serveuse” (официантка) ўрниға
Une hôtesse de table – стол эгаси

“Un balayeur” (фаррош) ўрниға Un
technicien de surface – ҳовлининг
тозалигини назорат қилиб турадиган
хизматчи.

“Un facteur” (хат ташувчи) ўрниға Un
préposé à la distribution du
courrier – хат таркатувчи
хизматчи.

Мулоқот шароити. Мулоқот шароити деганда, одатда, ижтимоий вазият ҳамда мулоқот вақти ва жойи тушунилади. Ижтимоий вазият – бу ичида мулоқот юз берадиган доира. Масалан, маърузачи ва тингловчининг роли маърузанинг ижтимоий вазият доирасидагиға кўринади. “Нутқий хушёр” фикр, одатда, мулоқотнинг расмий вазиятида, яъни расмий, маданиятли ёки сиёсий арбобнинг хизмат вазифасини бажараётганидаги нутқида, газета ва журналдаги мақола, анжуманда қилинган доклад ва ҳоказоларда билдирилади, аммо ҳозир биз айрим “нутқий хушёр” сўз ва ибораларнинг сўзлашув тилиға кириб келаётганиға гувоҳ бўлаяпмиз. Назаримизда, бу оммавий ахборот воситалари тилининг одамларнинг одатдаги нутқиға таъсири тобора кучайиб бораётганлигидан дарак беради.

Алоқанинг турли каналларини ҳам шундай ролнинг кўрсаткичлари сифатида англаш лозим. Анжумандаги инсон ҳуқуқлари ҳақидаги маъруза – бу битта



роль, махсус журналда босилган шу мавзудаги мақола – бу бошқа роль. Ролни белгиловчи кўрсаткичларнинг ўзгариши билан ролнинг ўзи ҳам ўзгаради; шу одам, шу шахс, лекин унинг ўйнаётган роли турли омилларга боғлиқ бўлаяпти.

Шундай қилиб, айтиш мумкинки, француз тилидаги “нуткий хушёр” матнлар нутқ эгаси, унинг ижтимоий роли, нутқ предметига муносабати, мулоқот вазияти тўғрисида ахборот берувчи услубий бўёқдор матнлардир.

Демак, айтиш мумкинки, “le politiquement correct” (нуткий хушёрлик) – бу шунчаки янги тил категорияси эмас, балки француз тилидаги янги ижтимоий тушунчадир. Бунда нутқ негизида нутқ вазияти шароитига мувофиқ келадиган тил воситаларини онгли равишда танлаш туради. Масалан, “Label France” журналидан (38-сон, 2002) мисол келтирамиз:

“Comment concilier la reconnaissance de l'identité culturelle des groupes d'origine étrangère! (“Чет эллик кишилар гуруҳи”нинг маданий ўзига хослигини тан олишга қандай эришиш мумкин?”).

Бу мисол олинган мақолада Франциядаги иммигрантлар муаммоси хақида гап боради, аммо бу ерда бу ахборотни бериш учун муносиб бўлмаган

тил воситаси (“des groupes d'origine étrangère” сўз бирикмаси) қўлланган, уни анча нейтрал, анъанавий *des immigrants* билан алмаштириш мумкин. Оқибатда қуйидаги жумла ҳосил бўлади:

Comment concilier la reconnaissance de l'identité culturelle *des immigrants!*

Бу ердаги “нуткий хушёр” *des immigrants* сўзи бегона юртда омонат, беқарор ижтимоий ва ҳуқуқий шароитда яшаётган кишиларни билдиради. Шунинг учун бундай одамлар гуруҳини анъанавий тарзда ифодаловчи сўз нотўғри, нобоп тушунча ҳосил қилиши мумкин. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун “нуткий хушёр” иборали жумлаларда кўплаб янги сўзлар ишлатилади.

Шундай қилиб, кўриб турганимиздек, “le politiquement correct” (нуткий хушёрлик) тушунчаси фақат шундай ҳолатда пайдо бўладиги, унда бирор мақсадга эришиш учун йўналтирилган қандайдир фаолият турли йўллар билан амалга ошиши мумкин ва фаолият юритувчи шахс улардан бирини танлай олади.

Демак, “le politiquement correct” феноменини муайян ижтимоий тушунча, аниқроғи, тафаккур услуби, воқеликка муносабат услуби, ахборотни маълум даражада узатиш услуби деб аташ мумкин.

Адабиётлар:

1. Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы языкознания. -М.: Наука, 1961.
2. Гумбольдт В. фон. Язык и философия культуры. -М.: Наука, 1985.
3. Маматов А.Э История и теория языковой нормы. Шымкент.:2006.
4. Нурмонов А. Танланган асарлар. –Т.: Akademnashr, I жилд. 2012.
5. Сафаров Ш. Семантика. – «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», –Т.:2013.
6. Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация. -М.: Слово, 2000.

Маматқулов А. Социолингвистические особенности языка и социально-культурное объяснение феномена “языковая толерантность”. Данная статья посвящена изучению социолингвистических особенностей политкорректности как социального понятия, стиля мышления и в определённой степени передачи информации. Исследуется также отношение говорящего к передаваемому сообщению в различных точках зрения.

Mamatqulov A. Sociolinguistic peculiarities of a language and sociocultural interpretation of “language tolerance”. This article is devoted to the research of social features of political correctness as a social phenomenon, a style of thinking and a way of giving information. This attitude of the speaker to the information is also investigated from different points of view.



TELESKOPIYA – HOZIRGI FRANSUZ TILIDA SO'Z YASASHNING AKTIV USULLARI

*Safarova Umida Aliaskarovna,
SamDCHTI katta ilmiy xodim - izlanuvchisi*

Tayanch so'zlar: teleskopiya, kontaminatsiya, etimologiya, analogiya, semantika, stilistika, leksika.

Hozirgi kunda teleskopiya fransuz tili lug'at manbaining boyishida eng samarali usullardan biri hisoblanadi.

Teleskopiyaning asosiy mohiyati va u bilan bog'liq muammolarning hali oxirigacha to'liq yechilmaganligini turli tilshunos olimlarning bu boradagi fikrlarida mavjud bo'lgan o'zaro zidliklarda ham kuzatsa bo'ladi.

Turli mualliflarning leksik birliklar kontaminatsiyasi yo'li bilan hosil qilingan so'z va iboralarni o'rganish borasida olib borgan tadqiqotlari natijasi shundan dalolat beradiki, teleskopiya so'z yasashning eng qadimiy usullaridan va ammo hali juda kam o'rganilgan muammolardan biri ekan. Ayniqsa bu muammoni tadqiq qilishga fransuz tili lingvistikasida juda kam e'tibor berilgan.

Lingvistik adabiyotlarda teleskopiya xalq etimologiyasi yoki analogiyaning ko'rinishi sifatida paydo bo'ladi degan keng tarqalgan fikr mavjud [5]. Bundan tashqari, S.V.Raylyan, A.Ya.Alekseyevlarning ta'kidlashlaricha, ayrim tadqiqotchilarning, masalan V.M.Leychikning ishlarida bu muammoga taalluqli bo'lgan boshqacha fikrlarni uchratish mumkin, bu fikrga ko'ra teleskopiya so'z yasashning mustaqil usulidir [5].

Demak, teleskopiyaning haqiqiy lingvistik tabiatini ochish va aniqlash uchun uni til hodisalariga bog'liq holda qiyosiy o'rganish zarur. Shubhasiz, bu hodisalarning lingvistik xarakterdagi ham umumiy tomonlari, ham farq qiluvchi tomonlari mavjud.

Masalan, teleskopiya xalq etimologiyasidan quyidagi jihatlari bilan farq qiladi: birinchidan, u yangi so'zlarni hosil qilishning erkin namunasi hisoblanadi,

ikkinchidan, u tilda ilgari o'rnatilgan modellar asosida faoliyat ko'rsatadi, ma'lum maqsadga ega va o'zida ongli jarayonni aks ettiradi.

Xalq etimologiyasi esa, deb ta'kidlaydi J.Vandriyes, bu nutqning xatosi bo'lib, bu xato asosan o'zlashtirgan so'zlarni ishlatish jarayonida yuzaga keladi [5].

Masalan, kelib chiqishiga ko'ra ingliz-golland so'zi bilan "pidjak" so'zi "madaniyati past bo'lgan kishilar nutqida" "spinjak" so'ziga, "poliklinika" va "palisadnik" so'zlari "poluklinika" i "polusadik" so'zlariga, fransuzcha "conredanse, choucroute" so'zlari esa inglizcha "contrydance va nemis tili shevasidagi "Surkrut" so'zlariga borib taqaladi. A.Dozaning fikriga ko'ra, xalq etimologiyasi "ularning ma'nosi qanchalik darajada bir-biridan farq qilmasin, tuzilishi jihatidan o'xshash so'zlarda ko'r-ko'rona" faoliyat ko'rsatadi [2].

Til taraqqiyotida va ayniqsa so'z yasashda analogiya [6] (bir grammatik formani bir grammatik formaga monand o'zgartirish)ning o'ynagan va hozirgi kunda o'ynayotgan g'oyat katta rolini inkor etib bo'lmaydi. Analogiyaning, yoki modelning ta'siri ostida masalan, "sanglouter" so'zi "sangloter" [3] shaklini oldi, "voyouser" so'zi "jalouser" so'zi ta'sirida yuzaga keldi. Analogiya asosida hosil qilingan birliklarni suffikslar, to'g'rirog'i interfikslar yordamida hosil qilingan so'zlar misolida davom ettirishimiz mumkin, masalan: "bleu-s-aile" so'zi "grisaille" so'zidan keyin hosil qilindi, shundan "bleuir" so'zi o'rniga "bleu-s-ir" hosil bo'ldi. Shunday qilib, *guesard* – ниший, bezdelnik – gadoy, faqir, qashshoq, kambag'al, tanbal, ishyoqmas so'zi ta'sirida tilda *banlieusard* – жител пригорода – shahar atrofida yashovchi, *bondieusard* –



ханжа – riyokor, munofiq, ikkiyuzlamachi kabi soʻzlar paydo boʻldi [7].

G.Paulning nuqtai nazariga koʻra kontominatsiya – “bu fikr ifodasining ikkita sinonimik yoki bir-biriga oʻxshash shakllari ongda yonma-yon paydo boʻladigan hodisa” boʻlib, ularning birortasi mustaqil ravishda amalga oshirilmaydi, buning oʻrniga bir shaklning elementlari ikkinchi shakl elementlari bilan qorishib ketgan yangi forma yuzaga keladi [4].

Koʻpgina olimlarning taʼkidlashlaricha, teleskopiya, oʻylab, ataylab amalga oshiriladi. Oldindan oʻylab oʻxshash ikki soʻz yoki ibora qismlarining chatishuvi natijasida yangi soʻz yoki iboraning paydo qilinishi teleskopiyaning analogiyadan ajratib turuvchi eng asosiy omillardan biri hisoblanadi. K.Sunden va boshqa tilshunoslarning fikriga koʻra, teleskopik soʻzlar faqat ataylab hosil qilinadi, bu joʻrttagarlik ularni analogiya or qali paydo boʻladigan soʻzlardan ajratib turadi.

Ye.M.Chaadayevskaya bu nuqtai nazarni rad etish tarafdoridir. Uning hisoblashicha, teleskopiya usuli soʻzlarni ataylab yasash jarayonining natijasi emas. Kontaminatsiya oʻz-oʻzidan namoyon boʻladi deya taʼkidlovchi Yu.Yu.Desheriyevadan farqli oʻlaroq, u bu borada oʻta qatʼiy fikrda emas. “Agar bu soʻzlarni ataylab hosil qilingan deb aytish mumkin boʻlsa, deya izohlaydi Ye.M.Chaadayevskaya, - faqat bu shu maʼnodaki, har bir teleskopik soʻzni yasovchi kishi tilda mavjud boʻlgan soʻz yasashning obʼyektiv qonuniyatlarini ongli ravishda qoʻllaydi” [1].

Soʻz yasovchilik funksiyasi teleskopiyaning eng muhim harakatlantiruvchi omillaridan biri hisoblanib, bu omil uni soʻzlarni hosil qilish tizimida alohida usul sifatida qaralishini taʼminlaydi.

S.V.Raylyan teleskopiya yordamida soʻz yasashning 8 ta strukturaviy tipini va 9 ta modelini alohida ajratib koʻrsatadi[5]. Eng avvalo teleskopik qurilishning tiplarini koʻrib chiqamiz. Bular quyidagilardan iborat:

1. N + V1 -> V2 (*argonaute + argotiser -> argonautiser*);

Ot + feʼl = boshqa feʼl (argonavt (molyuska) + argolashtirmoq = yangi feʼl);

2. V1 + V2 -> V3 (*sʼenivrer + boissonner -> sʼemboissonner*);

Feʼl + feʼl = yangi feʼl (mast boʻlmoq + ichimlik ichmoq = yangi feʼl);

3. V1 + N -> V2 (*emberlificoter + perle -> emperlificoter*);

Feʼl + ot = yangi feʼl (adashtirmoq + dur = yangi feʼl);

4. Adj + V1 -> V2 (*lent + lanterner -> lantiponner*) [4];

Sifat + feʼl = yangi feʼl (sekin + bekor yurmoq, yulduz sanamoq, it sugʻormoq = quruq mahmadanachilik qilmoq, safsata sotmoq, quruq gap bilan vaqt oʻtqazmoq, valdiramoq) [6];

5. Adj + N -> V (*begueule + gueulard -> begueularder*);

Sifat + ot + yangi feʼl (hazil koʻtarmaydigan odam, nozikoyim, jizzaki; riyokor, munofiq, ikkiyuzlamachi; yuvvosh, muloyim, moʻmin + baqiroq, shavaqi, shangʻi, ochkoʻz + yangi feʼl);

6. V1 + N + V2 -> V3 (*tourner + tourlourou + moutonner -> tourloutonner*);

Feʼl + ot + feʼl = yangi feʼl (aylantirmoq + soldatcha = yangi feʼl);

7. Npr. + Adj -> V (*Ingres + gris -> Ingriser*);

Atoqli ot + sifat = yangi feʼl (*Ingre* [3] + kul rang = yangi feʼl);

8. N + N -> (*coq-à lʼâne + âme -> coq-à-lʼâmer*).

Ot + ot = yangi feʼl (beʼmani gap, safsata, boʻlmagʻur gap, behuda gap + qalb, koʻngil, yurak = yangi feʼl).

Bu turlarning har biri teleskopik feʼlning tuzilishini ifoda qiladi, hosil qilingan yangi feʼlning tarkibiga xuddi qoshma soʻslarda boʻlgani kabi turli soʻz turkumlari kiradi. Ammo murakkab soʻzlardan farqli oʻlaroq, kontominatsiya (oʻxshash ikki soʻz yoki ibora qismlarining chatishuvi natijasida yangi soʻz yoki iboraning paydo boʻlishi) yoʻli bilan yasalgan feʼllar oddiy qoʻshish natijasi emas. Bu feʼllarda har bir component alohida mustaqil soʻz sifatida idrok qilinishi mumkin va har bir component strukturaviy va



semantic munosabatlarning murakkab chatishib ketishi natijasida yuzaga keladi.

Teleskopiyaning semantic-stilistik vazifasi til kommunikatsiya planida til sohiblari uchun eng muhim o'rinlardan birini egallaydi. Bundan tashqari, aytish mumkinki so'z yasash jarayoniga o'zining doimiy ta'sirini o'tkazuvchi uning yetakchi vazifasi hamdir. Agar so'z yasovchilikning vazifasi tilning lug'at boyligini yangilash va uni boyitish maqsadida yangi leksik birliklarni yaratishdan iborat bo'lsa, teleskopiyaning semantic-stilistik vazifasi so'z yasash jarayonida ustqurma funksiyasi bo'lib, u o'xshash ikki so'z yoki ibora qismlarining chatishuvi natijasida yangi so'z yoki iboraning paydo bo'lishini rag'batlantiradi va mazmunning sifat tarkibini ikki jihatdan – semantic va stilistik tomondan “kuzatib” turadi. Aynan leksik-semantik yangilik va bu so'zlarning stilistik ahamiyati teleskopiyaning harakatlantiruvchi kuchidir.

Buni ham shakli, ham ma'nosi jihatidan yangi hisoblangan quyidagi fe'llar isbot qilishi mumkin. Ular o'zlarining semantik-stilistik “yangiligi” bilan “stilistik neologizmlar” sifatida qarashi mumkin. Bir necha misollar keltiramiz: **blairnifler: blairer** [3] – разг. nyuxat, chuyat (iskamoq, sezmoq, his qilmoq) + **renifler** – разг. nyuxat, chuyat (iskamoq, sezmoq, his qilmoq) XIX asr = **blair(er+re)nifler** – “pronyuxat” (daragini eshitmoq, bilmoq, bilib olmoq ma'nosifa); **frôcher: frôler** – задеват (tegib o'tmoq, turtib o'tmoq), slegka kasatsya (yengilgina tegmoq, til tegizmoq) (+ **toucher** – трогат (tegmoq, qo'l urmoq, urintirmoq), dotragivatsya (qo'l tegizmoq, qo'l urmoq, tegmoq) касация (tegmoq, qo'l urmoq, til tegizmoq) = **frô(ler + tou)cher** – затрагиват, сlegка касаяс kasayas (yengilgina tegib o'tmoq, til tegizmoq, dahl qilmoq) [6].

Shunday qilib, teleskopiya faqatgina so'z yasashning qiziqarli usuligina emas, balki eng samarali stilistik usullardan biri bo'lib, til sohiblari tomonidan og'zaki nutqda

hamda yozuvchilar tomonidan badiiy adabiyotlarda alohida ajralib turuvchi semantik-konnotativ ma'noni aks ettiruvchi turli-tuman ekspressiv so'zlarni hosil qilishda juda keng qo'llaniladi.

M.Dyubuaning ta'kidlashicha, - deydi S.V.Raylyan, - lingvistik teleskopiya yumoristik usul bo'lib, unga til sohiblari “obrazli, ifodali, ta'sirchan” so'zlarni hosil qilish uchun murojaat qiladilar [5].

Teleskopiya yo'li bilan yasalgan hosilalarning leksik-semantik ahamiyati haqida gapirar ekanmiz, ta'kidlash o'rinliki, u yoki, birinchi yoki ikkinchi komponentning dastlabki ma'nosiga bog'liqdir.

Qoidaga binoan, komponentlardan birining ustunlik qiluvchi ma'nolaridan biri shunhasiz boshqa komponentlarning ma'nosi hisobiga va shuningdek, qo'shilayotgan suffiksning (agar shunday suffiks mavjud bo'lsa) ma'nosi hisobiga kuchayadi. Ko'pincha bu ma'nolar biri ikkinchisining ustiga shu tariqa qatlamlanib, qo'shib ketadiki, ba'zan ularning qay biri eng muhim ekanligini farqlash qiyin bo'lib qoladi. Ma'nolarning bunday o'zaro hamkorligi natijasida butunlay yangi bir stilistik belgilangan ma'no yuzaga keladiki, u o'zida qolgan barcha ma'nolarni aks ettirgan bo'ladi. Bundan **électérotiser (électriser + érotisme)**, **bavricaner (baver + ricaner)**, **argonautiser (argonaute + argotiser)** kabi fe'lli neologizmlar aniq dalolat bera oladi.

Semantik-stilistik tahlil nuqtai nazaridan teleskopik yo'l bilan yasalgan **barbachu (barbe + moustachu)** oti ancha qiziqish uyg'otadi.

Masalan: *Le remplocant était trouvé, un grand garçon, ni beau, ni laid, barbachu et maigre* (I.K.Huysman) [7].

Teleskopiyaning mahsuldorligi haqida gapirib o'tmaslikning iloji yo'q, chunki yuqorida keltirilgan teleskopik so'z yasashning turlari va modellari til taraqqiyotining aniq bir davrida bu usulning yangi so'zlarni yasash qobiliyatidan, uning faolligidan dalolat berib turibdi.



Adabiyotlar:

1. Чадаевская Е.И. Система сложных слов в современном английском языке: авторев: ... канд. филол. наук. – Тбилиси, 1952. – 16 с.
2. Dauzat A. La langue française d'aujourd'hui. – P., 1937, p. 186.
3. Ганшина К.А. Французко-русский словарь. М.: Русский язык, 1982, 487, 766, 99 с.
4. Ingres (Jean Auguste), peintre français. Le Petit Larousse. Dictionnaire encyclopedique en couleurs. Paris, Larousse, 1993, p. 1413.
5. Райлян С.В., Алексеев А.Я. Некоторые проблемы стилистического словообразования. Кишинев. 1980. – с.с. 63, 38, 213, 172, 183.
6. Ruscha-o'zbekcha lug'at. T., 1984, 32, 284,350 –b.b..
7. contextus@mail.ru.

Сафарова У. Телескопия как метод формирования новых слов французского языка. В статье автор рассматривает основные телескопические особенности и проводит анализ структурных моделей французских телескопных новообразований. Телескопия рассматривается как продуктивный способ компрессивного словообразования, не только пополняющий словарный состав современного французского языка, но и формирующий новые словообразовательные элементы.

Safarova U. Telescoping as a method of forming of new words in French. In the article the author investigates the main telescopic qualities and structural models of the French telescopic neologisms. Telescoping is considered as a productive way of compressive word formation which not only enlarges the vocabulary but also forms some new word-formative elements.



СОМАТИК ФРАЗЕМАЛАРНИНГ ТИЛШУНОСЛИКДА ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИГА ДОИР

Рашидова Умида,

Самарқанд давлат университети катта илмий ходими

Таянч иборалар: соматизм, қиёсий йўналиш, функционал-семантик йўналиш, экспрессив фразеологик бирлик, типологик ва тарихий аспект

Тилшуносликда инсон тана аъзолари номларига нисбатан қўлланиладиган «соматизм» атамаси илк бор эстон тили фразеологизмларини ўрганган олим Ф.Вакк томонидан қўлланилган эди. У мазкур диссертациясида соматизмлар фразеологизмларнинг қадимги кўринишлари қаторига киришини ва эстон тили фразеологик фондининг анчагина қисмини ташкил этишини таъкидлаган эди. «Соматик фразеологизм» атамаси эса биринча марта рус тилшунослигидаги инсон тана аъзолари номлари билан боғлиқ бўлган фразеологизмларни тадқиқ этган олим Э.М.Мордкович томонидан «Семантико-темантические группы соматических фразеологизмов» номли мақолада қўлланган эди.

Умуман, соматик фразеологизмларни ўрганиш, уларнинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этиш XX асрнинг иккинчи ярмидан бошланди. Тадқиқотларнинг бир қисмида соматик фразеологизмлар бир тил доирасида (Вакк Ф., Багаутдинова Г.А., Дыбо А.В., Алексеева С.Г., Вайнтрауб Р.М., Егорова Т.И., Седова Н.А.,), баъзиларида икки тил (Чэтэ Т., Харченко Л.И ва Шашков Ю.А., Долгополов Ю.А., Мугу Р.Ю., Николина Е.В., Арсентьева Е.Ф., Аркадьев П.М., Кононова О.А., Гумерова Н.Ж. каби), уч тил (Гергокова Ж.Х., Долгополов Ю.А.) доирасида қиёсий планда ўрганилди.

Соматик фразеологизмларни бир тил доирасида ўрганиш ишларини 1964 йилда Ф.Вакк ўзининг номзодлик диссертациясида бошлаб берди. У замонавий эстон бадий тилидаги соматик

фразеологизмларни ўрганиш ва «соматизм» атамаси моҳиятини кенг планда ёритиб берди [3, 23].

1977 йилда М.В.Орёл ўз мақолаларидан бирида айнан соматик ФБлар компонент таркибини илк марта функционал-семантик йўналишда тадқиқ этди[4]. 1980 йилда В.М.Мокиенко ўзининг «Славянская фразеология» асарида умумий планда славян тилидаги ФБларни ўрганиб, қисман соматик фразеологизмлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтган бўлса[5], худди шу йили Р.М.Вайнтрауб ўз мақоласини рус тилидаги соматик фразеологизмларни тадқиқ этишга бағишлади[6].

1985 йилда ўз номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган Н.В.Куницкая замонавий молдаван тилидаги соматик фразеологизмларни тадқиқ этган бўлса [7], А.В.Прожилов 1999 йилда ўзининг диссертациясида замонавий немис тилида инсоннинг соматик хатти-ҳаракатларининг тилдаги ифодасини чуқур таҳлил этди[8].

Маълумки, соматик ФБлар таркибида инсон тана аъзолари номларидан бири қатнашади, шу сабабли ҳам бундай ФБлар ифодалаган маъноларнинг замирида инсон, унинг хатти-ҳаракатлари ётади. Бир қатор тилшунос олимлар ўз мақолаларида инсон хатти-ҳаракатлари ва феъл-атворларини акс эттирувчи соматик фразеологизмларни ўрганишди. Масалан, 1988 йилда Т.И.Егорова ўз мақолаларидан бирида рус тилидаги инсон хатти-ҳаракатлари ва феъл-атворини баҳолавчи фразеологизмларни тадқиқ этган бўлса[9], Г.А.Багаутдинова инсон руҳий хатти-



ҳаракатларини намоён этувчи экспрессив ФБларни таҳлилга тортди [10].

Соматик ФБларни ўрганган олимларнинг айримлари уларни икки тил доирасида, уч тил доирасида ва турли тиллар доирасида қиёсий метод асосида тадқиқ этишди. Масалан, 1971 йилда Ю.А. Долгополов инглиз ва немис тилларидаги соматик-фразеологик сўз бирикмаларини қиёсий ўрганган эди. 1999 йилда ўз номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган Т.Чэтэ рус ва венгер тилларидаги соматик ФБларни; Е.Ф.Арсентьева ингиз ва рус тилларидаги соматик ФБларни; О.А.Кононова ўз мақоласида испан ва рус тилларидаги инсон феъл-атворини ифодаловчи ФБларни; Л.И.Харченкова ва Ю.А.Шашковлар ҳам испан ва рус тилларидаги инсон феъл-атворини ифодаловчи ФБларни; Е.В. Николина эса Сибирда истеъмолда бўлган турк тиллари ва қозоқ тилидаги инсонни характерловчи соматик ФБларни; Р.Ю. Мугу рус ва немис тилларидаги кўп маъноли соматизмларни қиёсий метод асосида тадқиқ этди. П.М.Аркадьев эса славян ва герман тилларидаги «бош» сўзининг ифодалайдиган турли хил маъноларини типологик ва тарихий аспектда ўрганди.

Бир қанча тилшунос олимлар соматик ФБларни уч тил асосида қиёсий аспектда ўргандилар. Масалан, 1973 йилда номзодлик ишини ҳимоя қилган Ю.А.Долгополов рус, инглиз ва немис тилларидаги соматик ФБларни ўзаро қиёслаб таҳлил этди. Ёки Ж.Х.Гергокова 2004 йилда ҳимоя қилган номзодлик диссертациясида қорачой-балқар, инглиз ва рус тилларидаги «инсон» тушунчасининг фразеологик концептуаллашуви жараёнини қиёсий метод асосида бир-биридан фарқлаб берди.

XXI асрга келиб тилшуносликда когнитология, лингвокогнитив йўналиш, концепт каби тушунча ва атамалар пайдо бўлди. Натижада соматик фразеологизмларнинг когнитив таҳлилига бағишланган, концепт тушунчасини ифодаловчи инсон тана аъзолари номлари

якка ҳолда ўрганила бошлади., шундай масалаларга бағишланган диссертациялар ҳимоя қилинди. Кузатишлар шуни кўрсатадики, бир қатор олимларнинг ишида айнан «қалб» концептини ифодаловчи соматик ФБлар турли хил усуллар орқали ўрганилди. Масалан, 1996 йилда номзодлик ишини ҳимоя қилган С.Г. Алексеева замонавий рус тилидаги «юррак» ва «қалб» компонентли соматик ФБларни ўрганган бўлса, Н.И.Кириллова турли тиллар фразеологиясидаги «қалб» лексемаси ва концептини; Ю.Д.Тильман эса шоир Ф.И.Тютчев шеърлятида қўлланган «қалб» концептини; Е.Ф.Арсентьева ва Г.Р.Сафиуллиналар рус тилидаги «қалб» компонентли соматик ФБларни тадқиқ этишга бағишланган тадқиқотларни юзага келтиришди. М.Ю.Михеев эса ўз мақолаларидан бирида рус тили мифологиясида «қалб» сўзининг намоён бўлиш усулларини кўрсатиб берди.

Ҳозирда тилшуносликда кенг қўлланиладиган «фразеологик модел», «структур-семантик модель»ларнинг жорий қилиниши натижасида ФБлар моделлар асосида ўрганила бошлади.

Соматик ФБларни структур-семантик усулда бир қанча олимлар (Мокиенко, 1980; Райхштейн, 1980; Добровольский, Малыгин, Коканина, 1990; Солодуб, 2002 ва б.) ўрганишди.

Структур-семантик модель (ССМ) асосида ФБлар маҳсулдор схема бўйича ясалади. Бундай схемалардан фойдаланиб ФБларнинг компонентларининг мазмун схемасини, уларнинг синтактик тузилиш схемасини, инвариант маъноларини аниқлаш схемаларини тузиш мумкин. Масалан, *кўз тегмоқ, кўз юммоқ, кўзлари очик, кўзлари бежо, кўзи тушмоқ, кўз ташламоқ, кўзларини ёғ босмоқ, кўзлари ёнмоқ, кўзи кўзига тушмоқ каби.*

Фразеологизмларни ҳар томонлама таҳлил қилиш, уларнинг тузилишини ўрганиш усулларини аниқлашга ҳаракат хали XIX асрдаёқ бошланган эди (Ф.И.Буслаев, И.М.Снегиров, В.И.Даль).



В.М.Мокиенко ўзининг «Славянская фразеология» (1980) номли асарида ФБларни икки гуруҳга бўлган эди:

1. Айнан маълум физиологик ҳаракатни, кўчма маънода қўлланганда эса нофизиологик ҳаракатни ифодаловчи ФБлар;

2. Айнан бир физиологик ҳаракатни, кўчма маънода эса бошқа бир физиологик ҳаракатни англатувчи ФБлар [11,127].

Мокиенконинг бу таснифида жон бор, чунки фразеологиянинг барча турида «жисмоний ҳаракат» маълум маънода мавжуд. Тадқиқотчининг бу таснифи ФБлар ҳосил қилишнинг структур-семантик модель ёрдамида аниқлашга бўлган илк ҳаракатларидан биридир.

Мокиенконинг фикрларини олға сурган ҳолда Н.Д.Арутюнова «инсоннинг ички олами ташқи белгилар орқали характерланади, психологик тилда «жисмоний» сўзи борки, у метафорик маънода қўлланади» деган эди [12].

Фразеология соҳасида моделлаш ва унинг асосий тамойиллари А.Д. Райхштейн ишларида чуқур ва батафсил ёритиб берилган [13]. У томонидан ишлаб чиқилган усуллардан турли олимлар ҳар хил тиллардаги ФБларни (семантик майдонини) моделлашда фойдаланган. Масалан, Д.О.Добровольский, В.Т.Малигина, Л.Б.Коканиналар ўзларининг «Қиёсий фразеология» (герман тиллари материллари асосида) номли асарида айнан Райхштейн усулидан фойдаланишган.

Райхштейн ФБларни маъно-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда уч турли аспектга бўлиб тасниф қилган эди:

1.Таркибнинг дастлабки (бевосита) маъноси

2.Бутун сўз бирикмаси англатадиган дастлабки маъно

3.ФБнинг умумий сигнификатив маъноси.

ФБлар қаторидаги компонентлар маъноларини умумлаштириш уларнинг *компонент-семантик инвариантини* юзага

чиқаради. Бу эса ўрганилаётган ФБнинг аниқ, лексик ва структур-синтактик жихатдан тушуниш имконини яратади. ФБлар маъноларининг жойлашиш ўрнини умумлаштириш эса уларнинг *семантик-жойлашув инвариантини* ҳосил қилади. Аниқ ФБлар қаторини умумлаштириш эса *фразео-семантик инвариантни* ҳосил қилади.

Райхштейн фикрича, юқоридаги ана шу уч инвариант ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш «фразеологик моделлаш» тушунчасини ҳосил қилади. Олим бу моделлашни «салбий нофизиологик таъсир» (инсонга нисбатан) деб атади.

Бу моделлаш ўзида яна бир қанча майда моделларни ҳам ҳосил қилиши мумкин. Уларни микромодел деб атасак ҳам бўлади. Бу микромоделларда ФБларнинг маънолари паст ва юқори даражада ўрганилиб умумлашади.

Кўрсатиб ўтилган юқоридаги моделлаш усулларини бирлаштириб *идрок этишнинг ягона когнитив моделини* тузиш мумкин. Унинг имкониятлари чегарасига нафақат инсон (унинг аъзолари, фикрлаш қонуниятлари), балки уни ўраб турган олам ҳақида ҳам тушунтириш кабилар киради.

Бундай когнитив моделни Д.О.Добровольский, В.Т.Малигина, Л.Б.Коканина каби олимлар қатор тадқиқотларида изоҳлаб беришган. Бу уч олимнинг хулосаларига кўра, барча универсал қонунлар фразеологик сабаблар билан боғлиқ ва улар мантик қонуниятлари билан асосланади.

Ю.П.Солодубнинг тадқиқотларида турли тиллардаги ФБларнинг қиёсий таҳлили муаммолари структур-типологик таҳлил орқали ечилади. Дарҳақиқат, ФБларнинг лексик-грамматик ўзига хосликларини қариндош ва қариндош бўлмаган тил материаллари асосида тадқиқ этиш иборалар ўртасидаги яқинлик даражасини аниқлаш имконини беради. Ю.П.Солодуб ўзининг «Современный русский язык. Лексика и



фразеология (сопоставительный аспект)» номли китобида модель тушунчасига куйидагича таъриф беради: «**Фразеологик модель** – бу фразеологик маънони шакллантирадиган мантикий-семантик формуладир» [14].

Бу таъриф анча аниқ ва тушунарли. Чунки фразеологик маънонинг шаклланиши хусусида сўз кетар экан, унда албатта мантикий усуллардан фойдаланилади.

Рус ва чех тилларидаги умумий маъноси «жазолаш» бўлган ФБлар қаторини Мокиенко структур-семантик модель асосида тадқиқ этган. Тадқиқоти натижасида олим фразеологик модель тушунчасини шундай изоҳлайди: «**Фразеологик модель** деганда барқарор, ўзгармас бирикмаларнинг структур-семантик инвариантлари тушунилади».

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, *структур-семантик моделлаш* мантикий тушунча орқали тил ва когнитив билан асосланади деган хулосага келиш мумкин. Яъни бу модель орқали тушунча ФБга айланади ҳамда ФБ ҳар томонлама чуқур таҳлил этилади.

Фразеологияда моделлашнинг **2-усули** – **концептуал таҳлилдир**. Концептуал таҳлилда (Добровольский, 1996; Толия, 1996; Шоховский, Панченко, 1999; Козаренко 2003) «**концепт**», «**концептуал модель**», «**метафорик модель**» каби тушунчалар қўлланади. Бу таҳлил натижасида ФБлар ҳис-туйғуни ифодаладиган метафорик моделларга ажратилади.

«**Метафорик модель**» тушунчасини илк бор ўз ишларида Д.О.Добровольский қўллайди ва «у айнан концептуал метафоранинг ўзи» деб таъкидлайди [15,71]. Олим бу тушунчани қўллаб, «даҳшат» («страх») семантик майдонининг умумий метафорик моделини тузди.

Олимнинг таъкидлашича, ажратилган метафорик моделларни нафақат рус, балки бошқа тилларда ҳам қўллаш мумкин. Уларни қўллаш орқали

инсон тана аъзоларининг вазифалари ва жисмоний тузилишининг ўзига хосликларини аниқлаш мумкин.

ФБлар семантикасини концептуал моделда ўрганиш А.Д.Козаренконинг тадқиқотларида давом этди. У ўзининг номзодлик ишида «хайрат»(удивление) семантик майдонига кирувчи рус тилидаги ибораларни тўплаб, уларни таҳлилга тортган эди. Бунда уларнинг метафорик маънолари алоҳида аҳамиятга эга дея таъкидлайди олим [16,26]. Унинг кузатишлари натижасида мимик ҳаракатлар орқали «хайрат»ни уйғотувчи аъзолар аниқланиб, улар билан боғлиқ бўлган ФБлар таҳлил қилинган. Олимнинг кузатишича, асосан хайратни «қўз» ва «қулоқ» компонентли иборалар ифодалар экан.

Келгусида фразеология соҳасида концептуал таҳлилнинг ривожланиши лингво-маданий йўналишнинг истиқболи билан боғлиқ. ФБларнинг концептуал таҳлили лингво-маданий йўналиш доирасига кириб, у ФБга маданий бирилик сифатида қарайди.

Концептуал таҳлилнинг асосида **концепт** тушунчаси туради. Тилшуносликка «концепт» тушунчасининг кириб келиши билан атамалар қатори янада бойиди. Бу тушунча билан бир қаторда «концептуал таҳлил», «гештальт», «когнитология», «когнитив» сингари атамалар пайдо бўлди. Кўпчилик тилдаги бу ўзгаришларга турлича ёндашди. Масалан, А.П.Чудиновнинг фикрича, «Когнитив тилшуносликка оид кўпгина адабиётларда аслида жуда ҳам кўп лингвистик атамалар (семантик компонент, семантик майдон) қўлланади ва улар когнитив атамалар («концепт», «домен»ва б.) сифатида тушунилади [17].

Шуни алоҳида таъкидлашни истардикки, «семантик / фразеосемантик майдон» тушунчалари охириги йилларда қатор тадқиқотларда учрамоқда ва ундай ишлар ўзининг долзарблиги билан ажралиб туради. Масалан, Юминова(1999) «ўлим» семантик майдонини, Т.Хайрулина



(2001) «инсоннинг асосий сифатлари»ни фразеосемантик майдон доирасида ишлаганлар.

Гарчи бундай ишларда «семантик майдон» атамаси қўлланилган бўлса-да, лекин унда асосий эътибор «концепт» масаласига қаратилади. Масалан, «ёлғон» концепти (Шаховский, Панченко, 1999); «қалб» концепти (Тильман, 1999; Кириллова, 2000); «эркак/аёл» концептлари (малышевская, 1999); характер ифодаловчи «қўрқок», «мағрур», «баджаҳл» концептлари (Динь Тхи Тху Куэн, 2001) ва б.

Бундан кўринадики, баъзан концептуал таҳлил натижалари структур-семантик модель натижалари билан тўғри келиши мумкин. Сабаби юқорида келтирилган ишлардаги концептларнинг барчаси семантик майдон доирасида ўрганилган. Бундан концептуал модель ҳақида шундай хулосага келиш мумкинки, у тил ва когнициянинг ўзаро алоқасига асосланар экан.

Фразеологияда моделлашнинг **3-усули бу идеографик (мавзуй) тавсиф усулидир**. Бунда ФБларнинг тавсифи уларни тушунтириш билан қиёсланади. Идеографик (мавзуй) тавсифда ҳам «семантик майдон», «микромайдон», «кичик гуруҳ» каби атамалар қўлланади.

ФБларнинг асосий идеографик моделда тавсифларини Р.И.Яранцев (1985), В.Н.Телия(1995, 1996), А.К.Бириха, В.М.Мокиенко, Л.И. Степановлар ўз ишларида келтирганлар.

Фразеологизмларнинг идеографик тавсифига бағишланган бадий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, айнан соматик компоненти бор ФБлар идеографик тавсифнинг асосий объекти ҳисобланар экан. Бундай идеографик тавсифларни рус тилшунослигида Телия(2006), эстон тилшунослигида Вакк(1964), молдав тилшунослигида Т.Куницкая(1995), венгер тилшунослигида Т.Чэже (1999) ва бошқирд тилшунослигида Т.Хайрулиналар (2002) амалга оширишган.

Масалан, венгер олими Т.Чэте соматик компонентлардан «кўз», «қулок», «бурун» ва «қўл» компоненти бор ФБларни маълум фразеосемантик гуруҳларга ажратади[17]. Ҳар бир гуруҳга ФБ маъносига тааллуқли бўлган умумий номлар қўйилади. Лекин бу таснифда баъзи бир камчиликлар мавжуд. Масалан, «кўз» компонентли ФБлар «кўриш гидроки» номли семантик гуруҳга мансуб деб кўрсатилади ҳамда улар ўз навбатида бир неча турларга бўлинади:

А) жиддий эътибор маъносини ифодаловчи ФБлар: «кўзни олайтирмақ»;

Б) тез қарамоқ маъносини ифодаловчи ФБлар: «кўзи тушмоқ»;

В) кимгадир ёки нимагадир нигоҳни йўналтириш маъносини ифодаловчи ФБлар : «кўз ташламоқ»;

Г) ҳайдаш маъносини ифодаловчи ФБлар: «кўздан йўқотмоқ»;

Д) кузатмоқ, қарамоқ маъноларини ифодаловчи ФБлар: «икки кўз билан».

Бу ўринда ҳар бир ажратилган гуруҳ таснифи учун аниқ мезонларнинг етишмаслиги сабаб баъзи жиҳатлари тўғри келмайди. Негаки, келтирилган мисолларнинг у ёки буниси бошқа тур учун ҳам тааллуқли бўлиши мумкин. Масалан, «кўз ташламоқ» ФБни олайлик. У ҳам «қарамоқ», «тез қарамоқ», «кузатмоқ» маъноларини билдиради.

Соматик компонентга эга ФБларни семантик тасниф қилиш молдав тилшунос олимаси Н.В.Куницкая томонидан ҳам амалга оширилган. У ҳам «кўз» компонентли фразеологизмларни тўплаб, уларни қирққа яқин семантик гуруҳларга бўлади.

Яна бир олим Р.Х.Хайрулина ҳам «кўз» компонентли соматизмларни идеографик моделда тасниф қилади. У жами 124 та «кўз» компонентли соматизмларни тўплайди ва улардан фақат 48 тасигина «кўриш» маъносини ифодалашини таъкидлайди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, идеографик тавсиф усули ҳақида



куйдагича хулосага келиш мумкин. Бу усул фразеологик материал учун семантик майдон тузади, турли тиллардаги ФБларнинг турлича шакллари кўрсатади ва ФБнинг семантик компонентини аниқлаш имкониятини беради.

Шундай қилиб, замонавий тилшуносликда фразеологизмларнинг модели хусусида уч хил усул мавжуд экан: структур-семантик, концептуал таҳлил ва идеографик тавсифлаш. Бу усуллардан структур-семантик ва идеографик тавсифлаш усуллари бир-бирига яқиндир. Лекин концептуал таҳлил булардан фарқ қилади, чунки унда ФБлар семантикаси турли хил экстралингвистик омиллар орқали ўрганилади.

Шундай қилиб, соматик фраземаларнинг ўрганилиш тарихига назар ташлаб, умумий хулосаларга келдик:

1) Соматик ФБлар ўрганишдан мақсад – инсоннинг ички ва ташқи олами ҳақида батафсилроқ маълумотга эга бўлиш;

2) Чунки инсон қалби, юрагига яқин мулоқот шакллари биринчи навбатда соматик ФБларда ўз аксини топади;

3) Соматик ФБлар ҳар қандай матнда, айниқса, бадиий матнда кучли экспрессив восита саналади;

4) Соматик ФБларни ўрганиш умумтуркий ФБлар қатламини аниқлашнинг асосий воситаларидан биридир;

5) Соматик ФБлар орасида энг фаоллари «кўз», «юрак» («дил»), «қўл», «бош» ҳисобланади. Бунинг асосий сабаблари эса инсон онгида акс этадиган тарли хил жараёнлар айнан шу аъзолари билан бесосита боғлиқ. Кўриш ва эслаб қолиш қобилияти «кўз» орқали амалга ошса, инсон бажарадиган хатти-ҳаракатларнинг асосий қисми «қўл» воситасида амалга ошади. «Юрак» эса инсон танасидаги жамики ҳис-туйғаларни ўзида мужассам этадиган «омбор» вазифасини бажаради.

Адабиётлар:

1. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. Жиззах, Сангзор, 2006.
2. Маматов А., Очиллов Д. Фраземий моделлар таҳлили. Стилистика ва прагматика (профессор Суюн Каримов таваллудининг 60 йиллигига бағишланган илмий-назарий конференция материаллари), Самарқанд, 2011. 112-115 б.
3. Вакк Ф. О соматической фразеологии в современном эстонском литературном языке: Автореф. дис. канд. филол. наук. –Таллин, 1964. 23 с.
4. Орёл М.В. Соматическая фразеология среднеобских старожильческих говоров (к вопросу о компонентном составе и функционально-семантической направленности) // Вопросы языкознания и сибирской диалектологии. Вып.7. –Томск. Изд-во Том. гос. ун-та, 1977. с. 96-103.
5. Мокиенко В.М. Славянская фразеология. –М.: Высшая школа, 1980. С. 207.
6. Вайнтрауб Р.М. О соматических фразеологизмах в русском языке // Лексические единицы русского языка и их изучение. Ташкент, 1980.
7. Куницкая Н.В. Соматические фразеологизмы в современном молдавском языке: дис. ...канд. филол. наук. –Кишинеу, 1985. -190 с.
8. Прожилов А.В. Соматические состояния человека и их языковая онтология в современном немецком языке: дис. ...канд. филол. наук. –Иркутск, 1999. -208 с.
9. Егорова Т.И. Фразеологизмы русского языка со значением качественной оценки действия и манеры поведения человека // Вестник ОмГУ. 1988. Вып. 2. с. 68-71.
10. Багаутдинова Г.А. Механизм создания экспрессивности фразеологических единиц, отражающих психическую деятельность человека // Экспрессивность текста и перевод. -Казань, 1991. с.12-17.



11. Мокиенко В.М. Славянская фразеология. –М.: Высшая школа, 1980, 127 с.
12. Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. –М.:Языки русской культуры, 1999. 896 с.
13. Райхштейн А.Д. Сопоставительный анализ немецкой и русской фразеологии. - М.: Высшая школа, 1980. 143 с.
14. Солодуб Ю.П. Современный русский язык. Лексика и фразеология (сопоставительный аспект). –М.: Флинта: Наука, 2002. 187 с.
15. Добровольский Д.О. Образная составляющая в семантике идиом // Вопросы языкознания, 1996. №1. –С. 71.
16. Козаренко А.Д. Метафоры эмоций: к проблемы культурной-специфики (на материале идиоматики) : Автореф. дис. ...канд. наук, М., 2002. -26 с.
17. Чудинов А.П. Россия в метафорическом зеркале: Когнитивное исследование политической метафоры (1991-2000). -Екатеринбург: Урал. гос. пед. ун-т, 2001. 238 с.

Rashidova U. The history of investigation of somatic phrasemes in linguistics. The views concerning investigation of somatic phrasemes in linguistics has been given in this article. The learning of somatic phrasemes has been illustrated on the base of alternatives ground.

Рашидова У. К истории исследования соматических фразем в лингвистике. В статье представлены идеи, касающиеся исследования соматических фразем узбекского языка. Исследование соматических фразем демонстрируется в поочерёдной последовательности.



ШЕЪРИЙ МАТН ТАЛҚИНИ, ТАРЖИМАСИ ВА ЛИНГВОПОЭТИКА

Буматова Аидахон,

Ўзбекистон миллий университети ўқитувчиси

Калит сўзлар: шеърий таржима, образ талқини, лингвопоэтика.

Байроннинг нисбатан кичик ҳажмга эга шеърлари орасида энг машҳурларидан бири бу унинг “Lines written in an album, at Malta” шеъридир. Мазкур шеър рус ва ўзбек тилларига ўғирилган бўлиб, куйида аслият матни ва унинг таржима матнларининг лингвопоэтик таҳлилини қиламиз. Шеър саккиз мисрадан иборат.

Byron - “Lines written in an album, at Malta:
As o'er cold sepulchral stone
Some name arrests the passer-by:
Thus, when thou view'st this page
alone,

May mine attract the pensive eye!
And when by thee that name is read,
Perchance in some succeeding year,
Reflect on me as on the dead,
And think my heart is burned here.

Мазкур шеър тасвир, қиёс ва ўхшатишлар асосига қурилган ва хитоб кўринишида битилган. Шоир совуқ қабр тошлари узра ўйиб ёзилган баъзи бир исмлар, йўловчиларнинг эътиборини тортиб қолгани каби, сен ҳам шу варақни ёлғиз варақлаганинда, сенинг ўйчан кўзингни менинг исмим ҳам шундай тортсин дея хитоб қилмоқда. Келажакда тўсатдан менинг исмимни ўқиган чоғингда, мени ўтган одамни эслагандек ёд эт ва менинг юрагим шу ерга дафн этилган дея бил демокда. Шу ўринда, шоир ўзини вафот этган одам сифатида қайд этмаётганига эътибор қилишимиз зарур. У шунчаки, ўзини вафот этган одамни эслаган каби эсланишини хоҳлаяпти. Бу образ, биринчидан, биринчи мисрадаги қабр тоши ва гўристон мавзусининг мантикий давоми бўлса, иккинчидан, дунёдан ўтган одам, йиллар ўтгани сари, ҳар куни эмас, ҳар-ҳар замонда бир эсланиб қўйилади. Аммо, шу эсланишда

уни фақат яхши гап ва илиқ ҳислар билан хотирлайдилар. Шоир мазкур шеърда худди мана шу ҳолатга ишора қилмоқда.

Ф.И. Тютчев таржимаси [3]:

Как медлит путника вниманье
На хладных камнях гробовых,
Так привлечет друзей моих
Руки знакомой начертанье!
Чрез много, много лет оно
Напомнит им о прежнем друге:
“Его уж нету в вашем круге;
Но сердце здесь погребено!..”

Таҳлилни Ф.И.Тютчев

таржимасидан бошлаймиз. Аслиятдаги “cold sepulchral stone” бирикмаси таржимада “хладных камнях гробовых” кўринишида берилмоқда. Таржимада “Some name” бирикмаси тушириб қолдирилган, унинг ўрнига тўртинчи мисранинг охирида “May mine” бирикмаси билан умумийлаштирилган ҳолда “Руки знакомой начертанье” бирикмаси киритилган. “Thou” сўзи эски инглиз тилига мансуб бўлиб, грамматик нуқтаи назардан иккинчи шахс бирликни англатадиган кишилиқ олмошидир. Таржимада эса унинг “друзей моих”, ва “их” кўринишига келтирилганини кўришимиз мумкин. “Some succeeding year” бирикмаси Ф.И. Тютчев таржимасида “Чрез много много лет” кўринишида гиперболани қўллаган ҳолда таржима қилинган. Аслиятдаги “view'st this page alone” бирикмаси, таржимада тушиб қолган. Умуман олганда, таржимада шоир исмининг айнан қаерга ёзилгани ҳусусида ҳеч бир сўз айтилмаган. Бу нарса албатта аслият маъносидан таржиманинг маъносини узоқлаштиради. Ўқувчида нега айнан шеърнинг номи “К альбому” деб аталган экан, альбомнинг шеърга нима



алокаси бор экан деган таассурот уйғониши мумкин. Энг муҳими таржимада шоирнинг аслият матнида “дунёдан ўтгандек” деган маъноли мисраси, таржимада “дунёдан ўтган” кўринишига келмоқда. Ва ниҳоят, юқорида таъкидлаганимиздек шеър Байрон томонидан тингловчига нисбатан тўғридан-тўғри хитоб кўринишида ёзилган. Таржимада эса, унинг хитоби кўчирма гап кўринишига келтирилган, ҳамда хитоб маъноси оддий дарак кўринишига келтирилган.

М.Ю. Лермонтов таржимаси [3]:

Как одинокая гробница
Вниманье путника зовет,
Так эта бледная страница
Пусть милый взор твой привлечет.
И если после многих лет
Прочтешь ты, как мечтал поэт,
И вспомнишь, как тебя любил он,
То думай, что его уж нет,
Что сердце здесь похоронил он.

Навбатдаги таржима

М.Ю.Лермонтовга тегишлидир. Таржиманинг биринчи банди аслият матнининг маъносини жуда яхши акс этган. Стилистик нуқтаи назардан таҳлил қилсак, шоир томонидан “cold sepulchral stone” бирикмасининг айнан “одинокая гробница” сифатида берилиши, қабрнинг тасвирига жуда мос келади. Шоир “Some name” бирикмасини генерализация усулида таржима қилиб, уни юқоридаги “гробница” сўзининг маъносига кўшиб юборган. Аслиятдаги “pensive eye” ибораси, Ф.И.Тютчевнинг таржимасида синекдоха усулидан фойдаланилган ҳолда – “друзей” деб берилган бўлса, мазкур таржимада бу ибора “милый взор” ибораси билан ўгирилган. Шу ўринда, шоир томонидан кўзга нисбатан айнан “pensive” сифатининг ишлатгани хусусида тўхталсак. “Pensive” сўзининг луғавий маъноси – “ўйчан”, “хаёлчан”, “бирор нарсага жиддийлик, чуқур мушоҳада ва бироз ғамгинлик билан назар солиш”дир. Рус тилининг стилистик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, М.Ю.Лермонтовнинг

қўллаган “милый” сўзи, “pensive”нинг деннотатив синоними бўлмаса ҳам, жуда ҳам чиройли коннотатив синонимия ҳосил қилмоқда. Таржиманинг иккинчи бандида М.Ю. Лермонтов нисбатан эркин таржимани амалга ошириб, шеърдаги “And when by thee that name is read” мисрасини рус тилига “Прочтешь ты, как мечтал поэт, И вспомнишь, как тебя любил он” кўринишида таржима қилади. Аммо иккинчи банднинг охириги икки мисраси аслият матни маъносини жуда яхши қамарб олган.

Я. Фельдман таржимаси [3]:

Заброшенных могил холодный
камень.
Идет прохожий, видит имена.
А ты сидел над этими листами
И наконец добрался до меня.
Ты их листал так много лет
Но лишь сегодня пригляделся.
Увы, Поэта больше нет,
Но здесь его осталось Сердце!

Энди Я. Фельдман таржимасини кўриб чиксак. Таржимон ўқувчининг олдига кириши гапини қўллаган ҳолда маълум бир саҳна гавдалантирмоқда. Унда гўристондаги қаровсиз қолган қабрларнинг совуқ тоши тасвирланган. Кейин эса йўловчининг ўша тошдаги исмларни кўриши тасвирланган. Учинчи мисрада эса бирданига эътиборимиз тингловчининг ниманидир варақлаб ўтилгани тасвирига тортилмоқда. Мисралар ўртасида мантиқий боғланиш бузилган. Аслиятда шоир йўловчининг нигоҳини қабр тошидаги ёзувнинг тортишини ўхшатишга мисол қилиб бермоқда. Аслиятда бу иш-ҳаракат содир этилмаган. Бундан ташқари, Байрон мурожаат этаётган киши, аслида варақларни атайлаб шоирнинг исмини топиш учун кўриб чиқмаётган эди. Оригинал матнда иш-ҳаракат тўсатдан содир бўлган бўлса, таржимада бу маъно бутунлай ўзгариб кетган. Кейинги банд ҳам биринчи банднинг мантиқий давоми сифатида, бир неча йиллар давомида айнан, шоирнинг ёзувларини ахтариб, фақатгина унинг ўлиmidан кейин



излаганини топган кишининг тасвирини бермоқда. Авваламбор, шоир кутилмаганда кўзга тушиб қолган ҳолатни тасвирлаган, иккинчидан эса, у вафот этмаган эди. Бу таржимани шеърнинг эркин интерпретацияси сифатида қабул қилиш мумкин.

И.И. Козлов таржимаси [3]:

Когда над сонною рекой
В тумане месяц красный всходит
И путник робкою стопой
По сельскому кладбищу бродит,
И если там случайно он
Знакомца камень повстречает,
- То, в думу тихо погружен,
Бывалое вспоминает.
Ах! так и ты, друг милый мой,
В тот час, как грусть тебя коснется
И взору, полному тоской,
Мое здесь имя попадется,
Ты мертвым уж считай меня.
Чем жизнь цветет, мне миновалось;
Лишь верь тому, что у тебя
Мое здесь сердце всё осталось.

Мазкур таржима ҳам шакл, ҳам маъно жиҳатидан аслият матнидан тубдан фарқ қилаётганини кузатишимиз мумкин. Таржимон оригинал матнини эркин таржима қилиб, унга пейзаж қилиб сокин дарё, туман ортидан чарақлаб турган тўлин ой, ҳамда шу вақтда қишлоқ қабристонидан кезиб юрган йўловчи образларини киритмоқда. Агар у бирор танишининг қабрини кўриб қолса, ўтириб, ўтган кунларни эслай бошлайди. И.И.Козлов таржиманинг охирига ҳам яна баъзи бадий тўқималарни киритади. Аммо у ҳам шоирни тириклар сафидан чиқариб юборган.

П.А.Вяземский таржимаси [3]:

Как надпись хладная на камне
гробовом
Вниманье путника невольно
пробуждает,
Пускай в твоих листах об имени
моём
Мой сетующий стих тебе
напоминает;

Пусть скажет: брошенный на
произвол судьбе,
Под дальним небом зрит он чуждое
светило,
Но всё, что жизнью сер дца
было,
И сердце самое оставил при тебе.

П.А.Вяземскийнинг таржимасига ҳам аслият матнида кузатилмаган янги образлар киритилган. Хусусан, “сетующий стих” ва унинг персонификацияси:

- “Пусть скажет: брошенный на
произвол судьбе,
Под дальним небом зрит он чуждое
светило”

Бундан ташқари шеърнинг охириги икки мисраси ҳам чиройли чиққан бўлса-да, аслиятдаги маънонинг эркин интерпретациясига айланган ҳолос.

А. Бистром таржимаси [3]:

Подражание Лорду Байрону
Как имя на доске холодной,
гробовой
Вниманье путника невольно
привлекает,
Так остановится задумчивый взор
твой,
Коль на пустынной сей странице
повстречает
Мое, забытое тобой!
Прочтешь, и мысленно меня
вспомнешь ты,
Как вспоминают тех, которых уж не
стало!
Так, здесь я схоронил заветные
мечты.

Таржимоннинг ўзи мазкур таржимани Байронга таклид сифатида баҳолаган. Унинг маъноси умуман олганда, Байроннинг шеърига жуда яқин чиққан десак бўлади. Энг асосийси, бу таржимада юкорида айтиб ўтилган “pensive eye” иборасининг таржимаси сифатида “задумчивый взор” бирикмаси келтирилган. Анча вақтдан бери қўлга олинмаганлик маъносини таъкидлаш учун киритилган “пустынной сей странице” бирикмаси, “забытое тобой!” бирикмаси



билан қўшилиб, шеърга жуда катта таъсирчанлик бермоқда. Унутилганлик ва қаровсизлик сўзлари бирлашиб, шоирнинг кўнглидан ўтган ҳисларни сезиш имконини бермоқда.

Шукрулло таржимаси[1;13]:

Альбомга

Йўловчилар эътиборини

Якка қабр тортгандек бир дам,

Шу бир парча қоғоз бетлари

Кошки тортса нигоҳингни ҳам.

Узоқ йиллар ўтгач, бир замон,

Шу варақни ўқиганинг он,

Шоир нени орзу қилганин

Ва эсларсан қандай севганин.

Билки, шунда топгайсан уни,

Шу қоғозга кўмган қалбини.

Шукруллонинг таржимаси рус тилига қилинган М.Ю. Лермонтовнинг таржимаси воситасида қилингани шеърнинг маъносидан ҳам кўришиб турибди. Рус тилига “бледная страница” деб ўгирилган “page alone” бирикмаси ўзбек тилига “бир парча қоғоз бетлари” сифатида ўгирилган. Бир парча қоғоз деганда одатда қоғознинг кичикроқ бир бўлаги тушунилади. Яни, бир парча қоғознинг ҳажми ўзи кичкина бўлади. Шу сабабли ҳам, ўзи кичкина бўлган бир парча қоғознинг бетларини тасаввур этишда ўқувчи маълум бир маънодаги когнитив диссонансни ҳис этиши мумкин. Шукрулло ҳам М.Ю. Лермонтовга эргашиб, таржима матнига аслиятда мавжуд бўлмаган “Шоир нени орзу қилганин, Ва эсларсан қандай севганин” мисраларини киритади. Аммо шеърнинг охирги мисраларида Шукруллонинг шоирлик маҳорати жўш уриб, рус тилига қилинган таржимада берилган “То думай, что его уж нет”, - мисрасини “Билки, шунда топгайсан уни” мисраси билан ўгиради. Албатта Шукруллонинг таржимаси бевосита эмас, рус тили орқали қилинган билвосита таржима бўлгани

сабабли, аслият матнидан чекинишлар мавжуд. Аммо, аслият матнини кўрмасдан туриб, М.Ю. Лермонтовнинг таржимасига қўшилган ўзгартиришларни у аниқлай билиши мумкин ҳам эмасди, албатта.

Биз юқорида битта шеърнинг еттита таржимон томонидан амалга оширилган, етти хил таржималарининг таҳлилини кўриб чиқдик. Таҳлилнинг энг муҳим ва эътиборга молик жиҳати шундаки, ягона матни битта тилга қилинган олти таржимаси умуман бир-бирига ўхшамаган. Ҳар бир таржимон ўзи қилган таржимада ўзининг шоирлик изини қолдирган. Бу нарса таржиманинг стилистик, маъновий ва шаклий томонларида яққол намоёиш бўлмоқда. Шундай қилиб, айниқса шеъринг таржима билан шуғулланаётган таржимон учун, шеърнинг маъносини тўғри интерпретация қилиб олиш жуда муҳим экан. Оригинал матнда ишлатилган стилистик бирликлар ва шаклий ҳусусиятларни таржима матнига кўчириб ўтказиш, тўғри талқин қилинган маъно билан бирлашиб, таржима тилида жуда ҳам чиройли ва аниқ таржима матни композицияси яратилишининг асосий шарти экан. Таржимани бевосита амалга ошириш эса, унинг аниқ ва аслият маъносини тўлиқ қамраб оладиган бўлиб чиқиши учун зарурдир. Мустақиллик йилларида чет тилларини ўқитишга берилаётган ниҳоятда катта эътиборнинг самараси сифатида, бугунги кунда бизда адабиётлараро бевосита таржималарни амалга ошириш имкони яратилган[2; 46]. Шу имкониятдан тўғри ва унумли фойдаланган ҳолда, миллатимизни жаҳон адабиёти дурдоналари билан таништириш, ҳамда миллий адабиётимизни жаҳонга олиб чиқиш каби муҳим вазифалар бугунги кун таржимонлари амалга ошираётган энг долзарб ва шарафли вазифадир.

Адабиётлар:

1. Байрон, Жорж Гордон. “Ушалмаган орзулар”, - Тошкент, “Ўзбекистон”, 2011. – 152 б. (Жаҳон шеърини дурдоналари);



2. Мусаев, Қудрат. Таржима назарияси асослари. –Тошкент, 2005, 177б.
3. <http://ruthenia.ru/byron/html>

Bumatova A. The interpretation, translation of a poetic text and linguopoetics. The article discusses a poetic image interpretation, analysis and translation characteristics.

Буматова А. Интерпретация, перевод и лингвопоэтика поэтического текста. В статье рассматривается интерпретация, анализ и особенности перевода поэтического образа.



КИМ МАНЖУННИНГ “ТЎҚҚИЗ КИШИНИНГ БУЛУТЛИ ТУШИ” РОМАНИ БАДИИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Сайдазимова У.Т.

Тошкент давлат шарқшунослик институти доценти

Таянч сўзлар: маданият, адабиёт, қаҳрамон, сирхак, ҳақ-ҳуқуқлар, эркинлик, конфуцийлик, кисэн-шоирлар.

XVII–XVIII аср корейс адабиётининг энг муҳим бадиий ютуқларидан бири янги адабий жанрнинг аниқроғи, нафақат инсонни бадиий акс эттиришнинг янги ёндашув жиҳатдан алоҳида фарқ қилувчи, балки ижтимоий фош қилувчи тенденциялари билан алоҳида ажралиб турувчи роман жанрининг юзага келиши ҳисобланади. Корейс тилида ёзилган ана шу жанр – илк кенг сюжетли асарлар муаллифи – таниқли корейс адиби Ким Манжун саналади.

Адиб ўзининг “Тўққиз кишининг булутли тури” романини жамиятда янги ижтимоий муносабатлар пайдо бўла бошлаган, ўзининг ижтимоий мақомидан норози, фуқаролик ҳақ-ҳуқуқ ва кафолатларининг сақланишини тинмай талаб қилувчи кишилар салмоғи ўсиб бораётган бир паллада –XVII асрнинг охириги йилларида ёзди. Булар барчаси майда ва ўрта янбанларнинг хонавайрон бўлиши, мавжуд ҳукмронлик тартибларининг фаоллаштирилишидан норози бўлган янбан гуруҳлари курашининг кучайиши туфайли янада чуқурлашди. Бунинг оқибатида XVII аср ўрталарида “аниқ билимлар учун” чақириғини шиор қилиб чиққан «сирхак» ҳаракати шаклланди.¹² Бундай шиорнинг кўтарилиб чиқилиши бежиз эмас эди.

Ўша давр корейс жамиятига хос бўлган конфуцийлик сохта, пуч билими жамият ҳаётининг деярли барча жабҳалари, шу жумладан, мумтоз конфуцийлик китобларини схематик

равишда изоҳловчи ўрта аср илму фанини ҳам тўла эгаллаб олган эди.

“Сирхак” ҳаракати тарафдорлари аниқ фанларни ривожлантиришга йўналтирилган амалий билимларни ўзлаштиришда конфуцийликдан ошкора ажралмаган ҳолда бўлса-да, демократик йўналишдаги ғояларни қатъий илгари сурганлар. Инсоннинг шахс сифатида жамиятда тутган ўрни ва роли, унинг жамият билан ўзаро муносабатлари ҳақидаги масала улар учун ўта муҳим саналар эди. Улар ўрта асрларда адабиётни маданиятнинг ва шахснинг шаклланишида, улардаги дунёқарашнинг ўсиб, ривожланишида муҳим роль ўйнайдиган туб асослар жумласига киритганлари аниқ далиллар билан исботланган.

Адабиётнинг ролини маданиятнинг муҳим бўғинларидан бири – умуминсоний кадриятларни шакллантириш феномени сифатида тавсиф этаётиб, таниқли тадқиқотчи Ю.Кашчук қуйидагиларни таъкидлайди: “Адабиёт даъво қилинаётган маданиятлилиқ маъносида эмас, ҳар бир образнинг мазмуний сиғимини кенгайтирувчи маънавий изчиллик, меросхўрликка асосан тўпланган хотира маъносида ўта маданий соҳа ҳисобланади”.¹³

Айнан адабиёт маданиятнинг асосий таркибий қисми сифатида инсоннинг қанчалик гўзал хилқат эканлиги, жамият конунларининг қанчалик адолатсизлиги, халқнинг қанчалик азоб чекаётганлиги ҳақидаги фикрларни ўқувчига етказиб беради. Адабиётнинг инсоннинг ички дунёси, маънавий кадриятларига сингиб

¹²Koreys adabiyoti (qadimgi davrdan - XX asrning 1950-yillarigacha bo‘lgan davr) Saydazimova U., Cho So Yong, Kim V.N. va boshq. - Toshkent: Istiqlol, 2015.

¹³Кашчук Ю. Возвращение перспективы//Вопросы литературы. – М., 1988. №1.



бориши ушбу даврга хос хусусиятдир. Бутун бошли авлод, ҳатто бир неча авлод тарихида инсонлараро муносабатлар, ҳис-туйғулар, ҳаётий вазиятлар акс этган йирик фундаментал асарларнинг яратилиши ана шундай трансформациялар учун тўла қонуний ҳолатдир. Роман жанри шахснинг жамият билан ўзаро муносабатлари занжирида мураккаб бўғин бўлган инсон шахсини тўла акс этириш учун барча зарур имкониятларга эга эди¹⁴.

Ким Манжуннинг новаторлиги конфуцийликка хос идеал инсон ва идеал муносабатлар схемасини инсонпарварлик нуқтаи назаридан рамкага солинганлиги билан муҳим аҳамият касб этади. У ибратли насихатгўйлик йўналишини инкор этмаган, бир сирхакчи сифатида адабиётнинг реал воқелик билан бирлашиши кераклиги фикрини илгари суриб, адабиётнинг ахлоқ-одобни ўргатувчи соҳа сифатида инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларига жавоб бериши лозимлигини таъкидлаган. Ким Манжуннинг романидаги қаҳрамон образида инсоннинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қўлга киритишга интилувчи шахсият сифатида акс эттирувчи реалиялар яққол кўзга ташланади. Бу муаммо ёзувчини чуқур ташвишга солган. Чунки инсонконфуцийлик билан чегараланган тор доира (рамка)да яшаган. Ҳар бир инсон бошқаларга нисбатан муносабатларида умумқабул қилинган мажбуриятлар бўйича ишлаб чиқилган қонун-қоидаларга амал қилиши, ҳатто, айрим ҳолларда, ақлий камолот ва маънавий-ахлоқий салоҳият жиҳатдан ўзидан анча паст бўлган кишиларнинг ҳам таҳқирлашлари, камситишларига сабр-бардошли бўлиши керак бўлган¹⁵.

¹⁴Троцевич А.Ф. История корейской традиционной литературы (до XX в.). – СПб.: Изд-во Санкт-Петербургского университета, 204. С. 180.

¹⁵Koreys adabiyoti (qadimgi davrdan - XX asrning 1950-yillarigacha bo‘lgan davr) Saydazimova U., Cho So Yong, Kim V.N. vaboshq. - Toshkent: Istiqlol, 2015.

Ёзувчиларнинг ўша даврга хос бўлган жиддий, оламшумул ғоялари, ҳатто асарнинг номида мужассам бўлган чуқур маъно-мазмун, шак-шубҳасиз, романнинг сюжет чизиғи ва тузилишини белгилаб берган. “Тўққиз кишининг булутли туши” романининг сюжети композицион тузилиши каби жуда мураккаб. Ёзувчи асардаги воқеаларни Хитойга кўчирар экан, фантастика унсурларига мурожаат қилади. Аслида, бунда ҳеч қандай ғайритабиийлик кўринмайди – бу ерда анъанавий адабий усул яққол намоён бўлади. Аслида, ёзувчи фақат шу йўл билангина ўзининг ўша давр воқелигига бўлган танқидий муносабатини ана шундай яширин, пардаланган шаклда бериши мумкин эди. Зеро, у корейс адабиётининг инсон ҳақ-ҳуқуқларини тинимсиз поймол қилиб келган жамиятда инсоннинг ҳолати, ўрни билан боғлиқ муҳим ҳаётий муаммоларни кўтариб чиққан илк адабиёт намояндаларидан бири эди.

Роман композициясининг ўзига хослиги сюжет ривожланишининг ўзига хослиги билан белгиланади. Романнинг муқаддимаси китобхонни азиз ва мўътабар шахслар орзу қилган жаннатмақондан келган тўққиз нафар қаҳрамон билан яқиндан таништиради. Аммо бу қаҳрамонларнинг барчаси, ҳар бири алоҳида олганда, ўзларининг баднафсликлари туфайли пок қалбларига доғ туширганлар. Бу нарса муқаддас инсонларнинг жаннатмақон жойдан ер юзига, алғов-далғовлар, ёлғон ва сохтакорликка тўла маконга келиб қолишларига сабаб бўлган. Бу ерда, яъни гуноҳкорлар яшайдиган маконда улар қайтадан туғилиб, вояга етар эканлар бу дунёга хос эҳтиросларни англаб етганлар. Оқибатда уларнинг тақдирлари бу дунё билан уйғунлашиб, ер юзида барча гуноҳларни қилиб, улар яна қайтадан ўша ҳақиқий, жаннати инсонлар дунёсига қайтадилар¹⁶.

¹⁶Ўша жойда.



Хаётнинг мазмунини айнан ана шу нарсада кўрган роман қахрамони Ян Со Ю ва саккиз гўзал орасидаги ишқ-муҳаббат кассаси асар сюжетининг асосини ташкил этади¹⁷. Ян Со Ю ҳар доим аёллар куршовида бўлади: пойтахтга имтиҳон топшириш учун йўлда кетаётганида танишган Чин Чхэ Бои; биргаликда ишқ-муҳаббат нашъасини тотган гўзал кисэн Ке Сом Вол; уйига совчи юборган ибодатхона рухонийси муовинининг қизи Чон Гён Пхэ; бекорчиликда кўнгил очиб юрган хизматкор қиз Чхун Ун ва б.Хатто ҳарбий ҳолатларда ҳам сафарда Ян Со Ю кизларнинг юрагига ўт солишга улгурарди. Ишқ-муҳаббатнинг барча лаззатини тотиб ҳузур қилишга ўрганган Ян Со Ю ва унинг саккиз қаллиғи қилган гуноҳлари туфайли яна асл ҳолларига, бу дунёнинг аввалги қувончу лаззатлари бўлмаган ҳолатга қайтадилар.

“Тўққиз кишининг булутли туши” романи ўзининг демократик ва инсонпарварлик йўналиши билан адабиёт дунёсига кириб келди. XVII аср адабиётида илк бор ушбу асарда конфуцийлик ақидаларига асосланган никоҳ муносабатларини ўрнатишнинг мустаҳкам ўрнашган қонун-қоидаларига қарши норозилик оҳанги жаранглади.

XVII аср корейс адабиётига хос образ акс эттириш қонуниятларининг бузилиб, ўша даврдаги оила урф-одатлари, анъаналарига амал қилиб яшашни истамаган қаҳрамон образи китобхон кўз ўнгида яққол намоён бўлади: унинг саккизта хотини ва жориялари бўлиб, улардан ҳар бири ўзига хос иқтидор, истеъдод соҳибаси бўлган – бу аёллар биргаликда қаҳрамон хоҳлаган идеал аёл образини ҳосил қилганлари боис, бош қаҳрамон жамиятда мавжуд урф-одат, қонун-қоидаларни четлаб ўтган. Бироқ бу ерда аёлларнинг йўл қўйиб бўлмас ҳолатлари билан боғлиқ ҳаммани кизиқтирадиган, ўта муҳим муаммо ниқоблаб кўрсатилган.

Ўрта асрларнинг охирларида корейс аёли илгаригидек ижтимоий ҳаётдан ташқарида қолган, узлатдаги ҳаёт тарзига хос умр кечирган, унинг манфаатлари тор оила ҳаёти билан чегаралаб қўйилган. Табиийки, ана шундай ҳаёт шароитлари ичида аёл кишининг даражаси эркак кишиникидан анча паст бўлган. Бу ерда ёзувчи хотин-қизларнинг саводхонлик даражаси ва маданий савиясини кўтариш зарурлиги ҳақидаги ўта муҳим муаммони кўтариб чиқади. Бу билан унинг романга *кисэн* образи Ке Сом Вол ва бошқаларни олиб кирганлиги маълум бўлади. Гап шундаки, *кисэн*лар XVII – XVIII асрларда¹⁸ нафақат меҳмонларни нозик рақс, кўшиқ ижролари, шеър ўқишлари билан кўнгилларини хушлаган гўзаллар бўлишган, балки янбанларга ақл-заковатлари ва саводхонлиги билан ҳам тенглаша олишган. Масалан, жуда кўп иқтидорли, истеъдодли, заковатликисэн-шоиралар ўзларидан гўзал шеърлар мерос қолдирганлар ва бу шеърлар авлодлардан авлодларга ўтиб, натижада корейс адабиёти антологиясига кирган. Халқ орасидан етишиб чиққан *кисэн*-шоираларнинг шеърларида оддий инсоннинг чуқур ҳис-туйғулари, унинг оғир изтироблари, ушалмаган орзу-умидлари қуйланган. Масалан, беқиёс Хван Чжин И, мағрур ва ҳамманинг устидан кулишни яхши кўрадиган Сор И, МэХва ва бошқа бир қатор *кисэн*лар халқ хотирасида ўчмас из қолдирган. Бу даврнинг энг илғор кишилари ўткир ақл-заковати, кенг дунёқараши, эрксеварлиги ва ахлоқи билан алоҳида ажралиб турувчи *кисэн*лар билан мулоқотда бўлишни ўзлари учун шараф деб билганлар. Улар ўзларининг фавқулодда ички жозибалари ва ҳар қандай мавзуда суҳбат қура олиш қобилиятлари билан барчани лол қолдирар эдилар.

¹⁸Koreys adabiyoti (qadimgi davrdan - XX asrning 1950-yillarigacha bo'lgan davr) Saydazimova U., ChoSoYong, Kim V.N. vaboshq. - Toshkent: Istiqlol, 2015.

¹⁷Ўша жойда.



Ким Манжун *кисэн* образларини яратар экан, уларга хос хусусиятларни ҳаётдан олади, бунда муаллиф оқила, саводхон ҳамсухбат қизларининг йўқлигини билинтирмасликка ҳаракат қилади¹⁹.

Романда хур фикр, эркин тафаккур ва мустақил фуқаролик позициясини тан олмайдиган, инсоннинг ҳис-туйғулари, орзу-интилишлари ва кадр-қимматини оёқ ости қилувчи конфуцийлик риёкорлиги, иккиюзламачилик жасорат билан танқид остига олиниб, фош этилади. “Тўққиз кишининг булутли рўё” романи ўзининг демократик йўналиши билан ўрта асрлар корейс адабиётидан жадал суръат билан ўзиб кетган ва улкан ижтимоий резонансга сабаб бўлган. У нафақат ўша даврнинг илғор арбоблари, балки кейинги давр авлодлари томонидан ҳам муносиб баҳоланган. Бу ўша давр – корейс адабиёти ўз она тили, яъни корейс тилида нолегал, яширин бўлган, мамлакатда хитой тили ва адабиёти ҳукмронлик қилган даврда яратилганлиги билан ҳам фавқулодда муҳим аҳамият касб этади.

Роман кенг шуҳрат қозонган, чунки унда ўша даврнинг никоҳ тузиш шакллари билан боғлиқ муҳим масалалари кўтариб чиқилган. Чунки никоҳ тузишда ёш келин-куёвларнинг шахсий фикрлари, истак-иродалари ва манфаатлари, тафаккур қилиш, ахлоқий қадриятлар, фуқаролик нуқтаи назарларига эга бўлиш эркинлиги инобатга олинмаган. Романда аёлларнинг саводхонлик даражасини ошириш, уларни давлат ишлари ва ижтимоий фаолиятга жалб этиш зарур эканлиги пардаланган, яширин тарзда кўрсатиб берилган²⁰. Кўриб чиқилаётган тарихий давр корейс адабиёти учун бу ноодатий ҳол эди: романда риёкор, иккиюзламачи конфуцийлик ахлоқидан норозилик, инсон шахсиятининг сунъий қашшоқлаштирилишига қарши фикрлар

ифода этилган. Феодал табақалаштиришга асосланган жамиятнинг бундай тарзда, нафрат билан айбланиши “Тўққиз кишининг булутли туши” романини XVII – XVIII аср корейс адабиётидаги оммабоп насрий жанрлардан бирига айланган йирик бадиий адабиёт дурдоналарининг дунёга келишига сабаб бўлган, бу жараёни янада жадаллаштирган катта адабий ҳодиса сифатида баҳоланганга асос бўла олади²¹.

Романнинг номида ҳам чуқур маъно мужассам: буддавийликда ер юзида ҳаёт “равон ётқизилган рельс” узра давом этади, деб уқтирилади. Дунёга келган ҳар бир инсон умрининг сўнггига қадар ўз йўлидан боради: бунда кимдир бой-бадавлат, ўзига тўқ, кимдир эса қашшоқ, оч-яланғоч бўлади. Буддавийликка кўра, инсон дунёдан кўз юмгандан кейин изсиз йўқолиб кетмайди, ҳаёт тинмай давом этади, инсоннинг туғилиш ва ўлим орасида мавжуд бўлиши – арзимас, бир лаҳзалик рўёга ўхшайди. Роман номидаги “туш” компоненти олам, инсон ва унинг умри ҳақидаги буддавийлик тасаввурлари билан боғлиқ. “Тўққиз кишининг булутли туши” романикорейс адабиёти тараққиётига жиддий таъсир кўрсатди. Жумладан, ундан кейин мустақил бадиий қимматга эга, номланишида ҳам ўша “туш” компоненти иштирок этган янги-янги тақлид-романлар юзага кела бошлади.

Ким Манжуннинг эстетик қарашлари инсоний муносабат меъёрлари, яхши фазилатлар, нуқсонлар ҳақидаги конфуцийлик тасаввурларига асосланган бўлишига қарамай, унинг романида, умуман олганда, маънавий-ахлоқий қадрият мезонлари нуқтаи назаридан демократик йўналиш яққол акс этадики, ҳар ким буни эътиборга олиши ва қатъий амал қилиши лозим. “Тўққиз кишининг булутли туши” романининг қиммати ҳам ана шунда.

¹⁹ Koreys adabiyoti (qadimgi davrdan - XX asrning 1950-yillarigacha bo'lgan davr) Saydazimova U., Cho So Yong, Kim V.N. va boshq. - Toshkent: Istiqloq, 2015.

²⁰ Ўша жойда.

²¹ Ўша жойда.



Адабиётлар:

1. Кашук Ю. Возвращение перспективы//Вопросы литературы. – М., 1988. №1.
2. Saydazimova U., Cho So Yong, Kim V.N. va boshq. Koreys adabiyoti (qadimgi davrdan - XX asrning 1950-yillarigacha bo'lgan davr) Toshkent: Istiqlol, 2015.
3. Троцевич А.Ф. История корейской традиционной литературы (до XX в.). – Спб.: Изд-во Санкт-Петербургского университета.

Saydazimova U. Literary peculiarities of Kim Manchjun's novel "Cloudy dreams of nine". The article reveals the democratic orientation of Kim Manchjun's novel "Cloud dream of nine". Characterized by distinctive features of novel in the approach to display the character, his position in society and views on vital problems.

Сайдазимова У. Художественная специфика романа Ким Манджуна «Облачный сон девяти». В статье раскрывается художественная специфика романа Ким Манджуна «Облачный сон девяти». Характеризуются отличительные черты романа в подходе отображения героя, его положения в обществе и взглядов на жизненно важные проблемы.



СТРУКТУРИРОВАНИЕ ГЕНДЕРНЫХ ФРЕЙМОВ ВО ФРАЗЕОЛОГИИ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА

Насруллаева Нафиса Зафаровна,

кандидат филологических наук, старший научный сотрудник Самаркандского государственного института иностранных языков

Ключевые слова: *актуализация, гендерный компонент, концептуальное значение, лингвокультура, маскулинность, феминность, образ, семантика.*

Исследование когнитивной составляющей фразеологических единиц является од ним из самых актуальных направлений современной лингвистической науки. Действительно, когнитивный потенциал фразеологической единицы огромен, ведь в ней отражен весь познавательный, исторический, синхронический, культурный и языковой опыт человека. Опыт же можно определить как знания человека о стереотипных ситуациях, хранящиеся в сознании человека в виде определенных структур – фреймов [5, с. 98-99].

М. Минский определяет фрейм как статическую, информационную структуру данных, необходимых для репрезентации стереотипной ситуации. В его исследовании содержание фрейма представляет совокупность верхних и низких уровней [7, с. 7]. «Верхние уровни» фрейма имеют четкие границы, так как характеризуются понятиями, присущими определенной стереотипной ситуации. На «низких уровнях» имеются терминалы, которые нуждаются в заполнении характерными сведениями. Так, верхние уровни фрейма представляются более стереотипными по сравнению с низкими.

Действительно, фрейм представляет собой лингвистически ориентированный концепт, обеспечивающий языковую реализацию знаний.

Согласно точке зрения Н. Болдыревой, фрейм выступает как единый когнитивный контекст, целостная структура [2, с. 192]. Когнитивная матрица в этой структуре представляет собой систему разнообразных когнитивных

контекстов, заполненных её компонентами в рамках одного целостного концепта. Важное отличие фрейма заключается и в том, что фрейм продолжает функционировать в языке как модель когнитивной базы, в то время как содержание когнитивной матрицы может меняться в зависимости от вида знания: от обыденного знания до сложного.

В середине 70-х годов XX века Ч. Филлмором в качестве лингвистической концепции была предложена фреймовая семантика, которая рассматривалась автором как программа исследований, дающая способ охарактеризовать принципы создания новых слов и предложений, добавления новых значений слов, а также объединения значений элементов в целое [10, с. 81]. Исследуя фреймы как средства организации опыта и формирования семантики понимания, Ч. Филлмор видел в них инструменты описания и объяснения языкового материала, утверждая, что между языковыми единицами и фреймами есть связь [10, с. 83].

Мы больше привлекаем последнее положение, дающее теории фреймов концептуальное обоснование, позволяющее проследить реализацию определенного фрейма на языковом уровне. Именно такое представление фрейма лежит в основе анализа семантики фразеологических единиц, призывающее к исследованию когнитивных структур в семантике фразеологизмов.

Рассматривая когнитивную сущность фразеологизма, Н.Ф. Алефиренко выделяет ее основную



определяющую – «когнитивную структуру», концепт как «универсальный упаковочный формат для знаний, объективированных фразеологической единицей» [1, с. 279].

В настоящее время ведется много дискуссий по поводу того, считать ли концепт и фрейм единицами одного или разных уровней обобщения, полными или частичными терминологическими синонимами, рассматривать ли фрейм как тип концепта или наоборот. Отсутствие общепринятых определений объясняется сложностью данных объектов когнитивно-лингвистического анализа, их многоуровневой структурой, содержание которой выявляется через языковые средства репрезентации [9, с. 234].

Кроме того, как справедливо отмечает О.Н. Прохорова, данное выявленное содержание будет носить субъективный характер, так как оно напрямую зависит от условий формирования смыслов слов у каждого конкретного человека [8, с. 49].

Хотя между концептом и фреймом существует достаточно прочная связь, обусловленная тем, что оба понятия относятся к уровню репрезентации базы знаний в сознании человека и общностью их онтологии как ментальных образований, тем не менее, между ними не проводится аналогия. Между концептом и фреймом существует значимое различие: концепт может быть и структурной, и гештальтной (целостной), и минимальной (неделимой) единицей репрезентации базы знаний в значении единиц языкового уровня.

Так, приходим к выводу, что фрейм всегда структурирован и, по сути, не может быть неделимым. В семантике фразеологических единиц, репрезентирующих тот или иной фрейм, значения отдельных компонентов сводятся в единую, комплексную ситуацию, а знание этой ситуации позволяет целостно воспринимать значение определенного фразеологизма.

Более того, гендерные отношения в современном английском языке являются самыми информативными в рамках фреймового конструирования [4, с. 174-175]. Такой анализ поможет глубже определить семантическую природу гендерных концептов на материале фразеологических единиц английского языка, а противопоставление маскулинности и феминности как базовых составляющих гендера позволит выявить закономерности гендерных отношений.

Кроме того, представляется справедливым рассмотреть фрейм как модели когнитивного знания об основных понятиях или концептах, поскольку, репрезентируя определенный концепт, фразеологизм раскрывает его когнитивное содержание и передает информацию о содержании и структуре исследуемого концепта.

Исходя из этого, под гендерным фреймом понимается когнитивная модель организации знаний о гендерных стереотипах, формирующих определенное концептуальное пространство, лежащее в основе значения исследуемых фразеологических единиц. Гендерный фрейм очень специфичен по своей семантической природе, т.к. содержит информацию о маскулинности и феминности и их составляющих [3, с. 56].

Структурирование гендерного фрейма можно представить следующим образом:

Маскулинность: карьера, власть, успех, сила, военная служба, свобода, защита, храбрость, контроль, доминирование, решительность, обеспечение семьи, конкуренция, обладание красивой женщиной.

Феминность: красота, женственность, семья, материнство, домашнее хозяйство, репродуктивная функция, любовь, ласка, пассивность, нежность, хрупкость, нужда в защите.

Понятие «феминность» (присущее женщинам) не следует путать с «феминизмом», т.е. своеобразной



общественной позицией, в которой представительницы женского пола получают свободу и одинаковые с мужчинами права.

Каждый из представленных слотов гендерный фреймов имеет положительные и отрицательные оценки в зависимости от отношения к тому или иному полу. Так, положительно оцениваются такие мужские качества как сила, лидерство, мужественность, храбрость: *a man of his hands* – храбрый, мужественный человек; *a heart of oak* – храбрый, мужественный человек; *a tough nut* – решительный, твердый; *of the bull-dog breed* – обладающий хваткой, решительностью.

Отрицательно оцениваются женские характеристики, приписываемые мужчине, например: *(as) gentle as a lamb* – кроткий, мягкий как ягненок; *mamma's darling* – маменькин сынок. Такие качества не соответствуют мужскому стереотипу.

Также, мужские качества, приписываемые женщине, зачастую обладают отрицательной оценкой, например: *gal boy* (о девочке) – *a romping girl, called also a tom-boy* – девчонка-сорванец, весёлая, живая девочка или девушка. Данная ФЕ указывает на то, что чрезмерная живость, резвость, предпочтение приключений и грубоватых игр более свойственно мальчикам, чем девочкам.

Историческое разделение сфер деятельности мужчин и женщин: как традиционно мужские выделяются политика и криминальная деятельность, а как традиционно женские – ведение домашнего хозяйства. Как видно из приведенной выше информации, гендерный фрейм феминности не имеет подфрейма «карьера» среди своих составляющих, т.к. карьера и профессиональная деятельность не ассоциируются с традиционными женскими функциями, такими как: семья, быт, материнство. Но, в современной фразеологии английского языка появляются ФЕ, свидетельствующие о

расширении новых возможностей женщины и её карьерного продвижения: *free dealer* – жена-карьеристка, *a femme sole* – женщина-ассистент (секретарь, телефонист): *hello girl* – девушка-телефонистка.

Так, можно отметить тенденцию к снижению исторически сформированной андроцентричности в английской культуре: женщина рассматривается не с точки зрения её положения относительно мужчины, а как полноправный партнер в супружестве и профессиональной деятельности.

В связи с изменением положения женщины в обществе модель домохозяйки меняется на модель женщины-карьеристки [11, с. 61], что фиксируется в современной фразеологии: *career girl / woman* – женщина-карьеристка, *first lady* – женщина-лидер и т.д. Следовательно, меняется и модель мужская, так как мужчина начинает заниматься семьей, воспитанием детей и ведением домашнего хозяйства: *the New Man* – мужчина-домосед, *a family man* – мужчина-семьянин и др. Однако такая модель, несмотря на свою популярность, не фиксируется в гендерном фрейме маскулинности.

Мужские гендерные фреймы могут включать информацию о внешности и семье, но не акцентируют по сравнению с женскими.

Между гендерными фреймами различных контекстов и дискурсов существует значительная разница. Так, в политическом дискурсе теряют свою значимость такие категориальные семантические признаки феминности, как *fragility* (хрупкость), *passivity* (пассивность), *fertility* (деторождение). Все они являются прототипическими для сущности женщины в художественном дискурсе и речевой коммуникации, но как только женщина вступает в политику, эти признаки отходят на второй план. Политика как область, в которой доминирует мужской пол, стала характеризоваться с помощью набора



качеств, свойственных именно мужчинам: force (сила), courage (храбрость), control (контроль), liberty (свобода), dominion (доминирование). Если женщина вступает в эту сферу, в мужском окружении уже не упоминается о ее «хрупкости» или «пассивности», без которых образ женщины непредставим в художественном дискурсе. Интересным фактом является и то, что в дискурсе женщин женщина-политик рисуется смелой, интеллектуально развитой, деловой, идеальной во всех

планах. Подфрейм «Maternity» (материнство) не столь актуален для политика женского пола, что вполне ожидаемо, так как у политика очень мало свободного времени на семью [6, с. 152].

Можно заключить, что гендерные фреймы демонстрируют гендерные представления носителей определенной лингвокультуры и вырисовывают существующую оппозицию маскулинности и феминности в данном обществе.

Литература:

1. Алефиренко Н.Ф. Когнитивно-семиологическая сущность фразеологизма // Проблема семантики языковых единиц в контексте культуры. – Москва, 2006. – С. 276-281.
2. Болдырева М.В. Использование фразеологизмов с компонентом «имя собственное» в современном английском языке. // Конференция «Ломоносов 2013», Секция «Иностранные языки и регионоведение». – Башкирский государственный университет, 2013. – С.191-193.
3. Волошина К.С. Фразеологизм как средство концептуализации понятия «гендер». – Нальчик: НГУ, 2010. – 184 с.
4. Двинянинова Г.С. О гендерной ориентации в британской прессе. // Гендер: язык, культура, коммуникация. Доклады международной конференции. – Москва: МГЛУ, 2001. – С.173-179.
5. Залевская А.А. Языковое сознание: вопросы теории // Вопросы психолингвистики, 2003. - №1. – С. 97-104.
6. Ибрагимов М.А. Фреймовая репрезентация маркированных родовых отношений в современном англоязычном политическом и художественном дискурсе. // Политическая лингвистика. – Пенза, 2013. - № 2 (44). – С.148-154.
7. Минский М. Фреймы для представления знаний. – Москва, 1979. – 156 с.
8. Прохорова О.Н. Индикаторы формирования смысла //Композиционная семантика. – Тамбов, 2002. – С.48-55.
9. Ромашина О.Ю. Фреймовый анализ семантики фразеологических единиц. // Белгород, 2008. - № 2. – С.233- 239.
10. Филлмор Ч.Дж. Фреймы и семантика понимания // Новое в зарубежной лингвистике. – Вып. 23. – Москва, 1988. – С. 82-88.

Nasrullayeva N. Structurization of gender frames in the English phraseology. The article is devoted to self-investigation of gender frames on the material of English genderly marked phraseological units. The author offers structurization and analysis of gender frames due to their composing parts. Theoretical part of investigation is proved by a number of examples. The researcher gets valuable results in gender linguistics on the basis of cognitive-conceptual analysis of genderly marked phraseologisms of the English language.

Насруллаева Н. Инглиз фразеологиясида гендер фреймларнинг структурланиши. Мақола инглиз тилидаги гендер бўёқли фразеологик бирликлар асосида гендерли фреймларнинг мустақил тадқиқотида бағишланган. Муаллиф гендерли фреймларни қисмларга структурланиши ва таҳлил қилиш услубини тақдим этяпти. Мақоланинг назарий томони бир қатор мисоллар билан исботланган. Тадқиқотда инглиз тилидаги гендер белгили фразеологизмларнинг когнитив-концептуал таҳлили асосида гендер лингвистикасига оид аҳамиятли натижалар қўлга киритилган.



БОЛАЛАРГА ХОС НУТҚИЙ АКТ ТУРЛАРИНИНГ ПРАГМАЛИНГВИСТИК ТАҲЛИЛИ (П.Қодиров асарлари мисолида)

Қурбонова Мунаввара,

Алишер Навоий номидаги ТошДўТАУ

катта илмий ходим-изланувчиси, филология фанлари номзоди, доцент

Таянч сўзлар: нутқий фаолият, прагматика, нутқий акт, болалар нутқи, иллокутив акт, перлокутив акт.

Мулоқот инсон тафаккури фаолиятининг маҳсули бўлиб, бу жараёнда нутқ эгалари томонидан турли мақсадларга йўналтирилган ранг-баранг нутқий тузилмалар (нутқий актлар) ҳосил қилинади. Нутқий акт жамият аъзолари томонидан қабул қилиниб, нутқ хулқи қоидаларига мувофиқ тарзда амалга ошириладиган, муайян мақсадга йўналтирилган нутқий ҳаракат ҳисобланади.

Тилшуносликда нутқий акт муаммосининг юзага келиши, ўрганилиши австралиялик философ Л.Витгенштейннинг лисоний фаолият масаласига оид фалсафий қарашлари билан боғлиқ. Нутқий акт назарияси илк бор инглиз философи Ж.Остин томонидан илгари сурилди. Унинг вафотидан сўнг нашр этилган «How to do things with words» китобида нутқий акт назарияси, нутқий актлар таснифи ёритилди²². Ж.Остиннинг нутқий акт назарияси ҳақидаги қарашлари ўз вақтида З.Вендлер, Ж. Серль, Ж. Росслар томонидан таҳлил этилди ва ривожлантирилди²³.

Тилшуносликда *нутқий акт* тушунчаси турлича талқин қилинади.

Нутқий акт назарияси асосчилари Ж.Остин, Ж. Серль, Ж. Россларнинг қарашларига кўра муайян мазмунни ифода этувчи, тилнинг қонун-қоидаларига асосланган ҳолда баён этилган элементар нутқий ҳаракат *нутқий акт* ҳисобланади. Хусусан, Ж.Остин нутқий актда қуйидагилар амалга ошишини қайд этади: умумэтироф этилган тил кодига мансуб аниқ товушларни талаффуз этиш; ушбу тилга мансуб сўзлардан грамматик қоидалар асосида жумла тузиш; жумлани мазмун, референция ва бошқалар билан таъминлаш; нутқий қўлланишларни ҳосил қилиб, воқелик билан мувофиқлаштириш; нутқий қўлланишларни иллокутив актга айланттирувчи муайян мақсадга йўналтириш; керак бўлган натижага эришиш, адресат онгига ёки хулқига таъсир кўрсатиш, янги нутқий вазиятни яратиш²⁴.

Т.В. Жеребилонинг қайд этишича, нутқий акт психофизик жараён бўлиб, сўзловчи (адресант) ва тингловчи (адресат) ўртасидаги нутқий алоқани акс эттиради ва қуйидаги компонентлардан ташкил топади: 1) сўзлаш (ёзиш); 2) идрок этиш; 3) нутқ (матн)ни тушуниш²⁵.

Ш.Сафаров нутқий актга қуйидагича таъриф беради: “Нутқий акт сўзловчининг маълум муҳитда, аниқ мақсадда

²² Остин Дж. Слово как действие // Новое в зарубежной лингвистике: Теория речевых актов. – Москва: Прогресс, 1986. – С. 22-129.

²³ Вендлер З. Иллокутивное самоубийство // Новое в зарубежной лингвистике: Лингвистическая прагматика. – Москва, 1985. Вып. XVI. – С. 233-250; Серль Дж. Классификация иллокутивных актов // Новое в зарубежной лингвистике: Теория речевых актов. – Москва, 1986. Вып. XVII. – С. 170-194.

²⁴ Остин Дж. Слово как действие // Новое в зарубежной лингвистике: Теория речевых актов. – Москва: Прогресс, 1986. – С. 22-129.

²⁵ Жеребило Т.В. Словарь лингвистических терминов: http://www.myfilology.ru/media/user_uploads/Tutorials/Zherebilo_T_V_slovar_lingvisticheskikh_terminov.pdf



тингловчига лисоний мурожаатидир”, “нутқий акт – мулоқот учун «қурилиш материали»дир, у коммуникатив жараён мантиқий давомлилигини акс эттирмайди»²⁶.

М.Ҳақимовнинг фикрича, “нутқий акт тушунчаси одамлар ўртасидаги алоқаралашув жараёнида содир этилувчи ўзаро маъно актлари муносабатининг баёнидир»²⁷.

Таърифлардан маълум бўладики, нутқий акт нутқий мулоқот доирасида амал қилади, сўзловчи ва тингловчидан иборат нутқ иштирокчилари, нутқий вазият, тил эгаларининг нутқ объекти (нутқий актга асос бўлган воқелик фрагменти) ҳақидаги умумий билимлари, нутқ иштирокчиларининг тил билими ва кўникмалари билан боғлиқ ҳолда шаклланади. М.Ҳақимов нутқий актда умумий ҳолда қуйидаги компонентлар иштирок этишини қайд этади: сўзловчи, тингловчи, нутқ объекти – фактик материал ҳамда нутқий вазият²⁸. Назаримизда, нутқий актнинг амал қилиши учун зарур бўлган компонентлар қаторига нутқ иштирокчиларининг умумий тил билими ва тил кўникмасини ҳам киритиш лозим. Агар нутқ иштирокчилари умумий тил билимига (ҳатто имо-ишора тилига) эга бўлмасалар, нутқий акт нафақат томонларга тушунарсиз, балки амалга ошиши даргумон бўлиб қолади.

Нутқий акт сўзловчининг муайян коммуникатив мақсадига бўйсундирилгани боис унинг турли кўринишлари фарқланади. Хусусан, буйрукни ифода этувчи нутқ кўриниши буйруқ нутқий актини, сўроқни ифода этувчи нутқ парчаси сўроқ нутқий актини, истакни ифодаловчи нутқ кўриниши истак нутқий актини ҳосил қилади ва ҳоказо. Масалан,

П.Қодировнинг “Ақрамнинг саргузаштлари” номли ҳикоялар туркумидан иборат қиссасидан олинган қуйидаги матн кўринишида болага хос буйруқ акти баён этилган: ... *Шу пайт Ақрамнинг ўртоғи Шавкат дарвозадан бошини суқиб: **Чиқ, ўйнаймиз!** – деди. **Машиналарингни оччиқ!***

Матнда ажратиб кўрсатилган буйруқ актида нутқ эгаси, яъни боланинг суҳбатдошини ҳаракатни бажаришга ундаши акс этган. Бола буйруқ актини ифода этиш орқали суҳбатдошига таъсир кўрсатишни ҳам мақсад қилган. Бу ҳолат матн давомида берилган қуйидаги жумлаларда ўз ифодасини топади: ... *Ақрам қизил автобусчасини кўчага олиб чиқди.*

Кўринадикки, бола (Шавкат) нутқида қўлланган буйруқ акти таъсир кўрсатиш кучига эга. Тилшуносликда нутқий актнинг бу тури *перлокутив акт* номини олганлиги маълум.

Тилда перлокуция нафақат буйруқ, балки сўроқ, хабар актлари орқали ҳам ифодаланади. Буни қуйидаги нутқ парчасида ҳам кузатиш мумкин:

... *Уни (автобусчани – М.Қ.) Шавкат иккаласи навбатма-навбат йўлка асфальтига ишқаб юргиза бошлашди. Шавкат Ақрамдан каттароқ ва кучлироқ эди. Шавкат юргизганда автобуса узоқроқ юрар эди. Шавкат нуқул: – **Сен мендай юргизолмайсан! Сен мендай юргизолмайсан!** – деб мақтанар эди.*

Матндаги Шавкат тилидан айтилган “*Сен мендай юргизолмайсан! Сен мендай юргизолмайсан!*” жумласи нутқ эгасининг болаларга хос ўз ишидан ғурурланиш, мақтаниш ҳиссини акс эттирувчи хабар акти ҳисобланади. Мазкур жумланинг синтактик такрор шаклида баён этилиши перлокуциянинг таъсир кучини оширишга хизмат қилган. Умуман, синтактик такрор орқали нутқий таъсир кўрсатишни болаларга хос перлокуциянинг ифодаланиши сифатида баҳолаш мумкин. Нутқий таъсирнинг амал қилганлигини

²⁶ Сафаров Ш. Прагмалингвистика. - Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2008. – Б.71; 211.

²⁷ Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дис. – Тошкент, 2011. – Б. 94.

²⁸ Ҳақимов М. Кўрсатилган тадқиқот иши. – Б. 108.



матн давомида қайд этилган қуйидаги жумлалар орқали ҳам англаш мумкин:

Акрам автобусчани Шавкат юргизгандан ҳам тезроқ юргизмоқчи бўлди. Қизиқиб кетиб, йўлқадан катта кўча юзига чиққанини билмай қолди. Катта кўчада у автобусчани бор кучи билан ишқаб-ишқаб, қўйиб юборди. Автобусча катта кўчанинг юзигача юриб борди.

Матн таҳлилидан маълум бўладики, тилда нутқий таъсир кўрсатиш иллокутив акт, яъни хабар акти орқали ҳам амалга оширилади.

Маълумки, ҳар бир нутқий акт ўзига хос синтактик структурага эга бўлади. Нутқий актни ҳосил қилувчи гаплар ҳам семантик, ҳам мантиқан бир-бири билан ўзаро боғланади. Нутқий актнинг синтактик структураси синтаксиснинг таҳлил объекти бўлса, унинг юзага келиш босқичлари, коммуникатив мақсадга бўйсундирилиши, воқеланишида муҳим ўрин тутувчи ижтимоий муҳит, мулоқот вазияти, нутқ эгаларининг тил кўникмалари кабилар прагмалингвистиканинг муаммоси ҳисобланади.

Тилшуносликда нутқий актни баён этишнинг бевосита ва билвосита турлари фарқланади. Сўзловчи мулоқот жараёнида ўз мақсадидан келиб чиққан ҳолда нутқий актнинг ё бевосита, ё билвосита туридан фойдаланади. Муайян нутқий акт уни ифодалашга хосланган синтактик структура орқали баён этилганда нутқий актнинг бевосита ифодаланиши амал қилади. Масалан, сўроқ гап шаклидаги синтактик қурилмалар орқали сўроқни ифода этувчи ёки дарак гап орқали хабарни ифода этувчи актлар синтактик семани бевосита ифодаловчи нутқий актлар ҳисобланади. Муайян ахборотни уни ифодалашга хосланмаган синтактик структура орқали баён этувчи нутқий акт кўринишлари билвосита нутқий актлар саналади.

Нутқий актни билвосита ифода этиш нутқнинг таъсир кучини оширишга хизмат

қилади. Фикримизни П.Қодировнинг “Акрамнинг саргузаштлари” асаридан олинган қуйидаги мисоллар таҳлили орқали далиллаймиз:

1. – **Ойи, Ғайратга دادаси батарея билан юрадиган чиройли бульдозер олиб берибди.**

– *Ҳа, دادанг сенга ҳам бульдозер олиб берсинми?*

– *Дадам эмас, сиз...*

2. – **Дада, шуни ҳам оберинг!** – *Йўқ, энди бас. – Дадажо-он! – деб эркаланди Акрам.*

Биринчи нутқий парчадаги *Ойи Ғайратга دادаси батарея билан юрадиган чиройли бульдозер олиб берибди* жумласида нутқ эгасининг хабар акти бевосита акс этган. Мазкур синтактик структурада у ифодалашга хосланган ахборот билан бирга, **“Менга ҳам батарея билан юрадиган бульдозер олиб беринг”** тарзидаги илтимос акти ҳам баён этилган. Бу ахборот матн давомида берилган диалогик нутқ орқали янада ойдинлашган.

Кейинги матнда қўлланган *Дада, шуни ҳам оберинг* гапи ҳам боланинг илтимосини бевосита акс эттирган. Аммо матн давомида берилган *Дадажо-он* ундалмаси нутқ эгасининг илтимос актини (**“Илтимос, олиб беринг”**) билвосита ифодалашга хизмат қилган. Илтимос актнинг бу тарзда баён этилиши, асосан, болаларга хос бўлиб, уни илтимосни ифода этишнинг коннотатив усули сифатида баҳолаш мумкин. Кўринадики, *Дадажо-он* нутқий қўлланишида бирламчи маъно ўрнини асосий маъно сифатида ўзга синтактик маъно (илтимос) эгаллаган. Албатта, мазкур қўлланишда ундаш маъносининг ҳам буткул йўқолмаганлиги сезилиб турибди.

Ш.Сафаров прагматик маънонинг кўчиши ва нутқий акт ҳосил бўлишида бирламчи маъно йўқолмасдан, балки унинг қўшимча, иккиламчи маъно билан битишуви ҳақида фикр юритади. Олимнинг маълумот беришича, Ж.Серль ва унинг издошлари билвосита нутқий



актда бир пайтнинг ўзида икки иллокутив ҳаракат бажарилади деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, «*Can you pass me salt?*» («*Тузни менга олиб бермайсизми?*») гапида бирламчи иллокуция савол бўлса, иккиламчи ёки билвосита ифодаланаётган иллокуция илтимосдир²⁹. Ш.Сафаров бу хулосани маъқуллар экан, прагматик маъно кўчиши ва шу йўсинда билвосита нутқий акт ҳосил бўлишида бирламчи маъно йўқолмасдан, балки қўшимча, иккиламчи маъно билан битишади, деб ҳисоблайди. У бу турдаги нутқий тузилмаларда бирламчи мазмуннинг сақланишини «*Can you open the door?*» («*Эшикни очиб қўя олмайсизми?*») каби гапларга ҳар қандай ҳолда ҳам «*Ҳа*» ёки «*Йўқ*» деб жавоб бериш имкони борлигида кўриш мумкин, деб ҳисоблайди³⁰.

Бизнингча, бу типдаги гапларда ҳар доим ҳам бирламчи синтактик маъно сақланиб қолавермайди. Масалан, «*Ким яхши яшашни хоҳламайди?*», «*Қайси она ўз фарзандини ёмон кўради?*» гапларида сўроқ мазмуни буткул йўқолади. Буни айни гапга жавоб беришга ҳеч қандай ҳожат йўқлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Бу типдаги риторик сўроқ гапларда бирламчи маънонинг сақланиши ёки йўқолиши гапдан кўзланган мақсад ҳамда шу асосда танланаётган синтактик структура муҳим ўрин тутади.

Ш.Сафаров фикрини давом эттирар экан, юқорида баён этган хулосасига зид фикрни илгари суради: «*Can you pass the salt? «Тузни узатиб юбора олмайсизми?»* гапини кўллаш билан ҳеч қачон «*Тузни узатиб юборишга имконингиз (қобилиятингиз) борми?*» мазмунидаги саволни назарда тутмаймиз-ку! Ягона англашиладиган маъно «*Илтимос, тузни узатиб юборинг!*» бўлса керак». Хўш, унда қандай лисоний ҳодиса кузатиляпти? Гап маъносининг кўчишими ёки нутқий актнинг билвосита ифодаланишими? Агарда барча тил соҳиблари ушбу гап

маъносини бир хилда, яъни илтимос ёки ҳеч бўлмаганда, буйруқ мазмунида идрок этсалар, унда қандай билвосита нутқий ҳаракат тўғрисида сўз бўлиши мумкин?! «*Тузни узатиб юбора олмайсизми?*» илтимосни ифода этишнинг умумий қабул қилинган усулидир. Аммо «*Тузни узатиб юборишга имконингиз борми?*» дейиш ғайритабиий туюлади. Демак, келтириляётган ҳолатда билвоситалилик ёки маъно кўчиш ҳодисаси кузатилмайди»³¹.

Кўринадики, олим тил эгалари томонидан бир хил идрок этиладиган гапларда билвоситалилик ёки маъно кўчиш ҳодисаси амал қилмайди деб тушунади. Назаримизда, сўроқ шаклидаги синтактик структура орқали илтимоснинг ифода этилишининг ўзиёқ *билвоситалик* ҳисобланади. Хуллас, нутқий актнинг бевосита ва билвосита ифодаланиш табиати унинг ўзига хос хусусияти бўлиб, нутқ эгасининг ифодадан кўзлаган мақсадига асосланади.

Бу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, нутқий мулоқот жараёнида нутқий актнинг қайси туридан фойдаланиш сўзловчининг коммуникатив мақсадига боғлиқ бўлса-да, инсоннинг психологик-эмоционал ҳолати, жинси, ёши кабилар ҳам нутқий акт турининг танланишига жиддий таъсир кўрсатади. Бу ҳолат, айниқса, болалар нутқий фаолиятида яққол кўзга ташланади. Болаларнинг нутқий мулоқот жараёнида қандай нутқий акт турини танлаши уларнинг психологик ҳолати, айниқса, ёш хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда кечади. Кичик ёшдаги болалар кўпроқ сўроқни ифода этувчи нутқий акт шаклларида фойдаланадилар. Бу ҳолат уларнинг ташқи оламни билишга ўта қизиқувчанликлари билан боғлиқ бўлади.

Хуллас, болалар нутқий фаолиятларида муайян мақсадга йўналтирилган нутқий актнинг бевосита ва билвосита турларидан унумли

²⁹ Сафаров Ш. Кўрсатилган асар. – Б.92.

³⁰ Сафаров Ш. Кўрсатилган асар. – Б.92.

³¹ Сафаров Ш. Кўрсатилган асар. – Б. 95-96.



фойдаланадилар. Уларнинг нутқида қўлланган билвосита нутқий акт турларида куйидаги икки хил ҳолат кузатилади: а) синтактик структуранинг бирламчи маъноси сақланиб қолади, унга қўшимча синтактик маъно юкланади. Бошқача айтганда, айна синтактик структура орқали у ифодалашга хосланган ахборот ва қўшимча ахборот баён этилади. Бунда

айни синтактик структуранинг семантик қўлами кенгайди; б) синтактик структуранинг бирламчи маъноси буткул йўқолади, унинг ўрнини ўзга синтактик маъно эгаллайди. Бошқача айтганда, айна синтактик структура орқали бола мақсади билан боғлиқ тарзда ўзга ахборот баён этилади.

Адабиётлар:

1. Вендлер З. Иллокутивное самоубийство // Новое в зарубежной лингвистике: Лингвистическая прагматика. – Москва, 1985. Вып. XVI. – С. 233-250.
2. Жеребило Т.В. Словарь лингвистических терминов: http://www.myfilology.ru/media/user_uploads/Tutorials/Zherebilo_T_V_slovar_lingvisticheskikh_terminov.pdf
3. Остин Дж. Слово как действие // Новое в зарубежной лингвистике: Теория речевых актов. – Москва: Прогресс, 1986. – С. 22-129.
4. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. - Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2008.
5. Серль Дж. Классификация иллокутивных актов // Новое в зарубежной лингвистике: Теория речевых актов. –Москва, 1986. Вып. XVII. – С. 170-190.
6. Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дис. – Тошкент, 2001. – Б. 94.

Курбонова М. Прямое лингвистический анализ разновидностей детской речи. В данной статье на примере произведений П.Кадырова анализируются виды речевого акта в коммуникативной деятельности детей: иллокутивный и перлокутивный акты; выражено отношение автора к вопросу непосредственного и посредственного выражения речевого акта.

Khurbonova M. The pragmalinguistic analysis of types of children's speech. In this article, the example works P.Kadirov analyzed kinds of speech act in a communicative activity of children: illocutionary and perlocutionary acts; it expressed the author's attitude to the question of direct and mediocre expression of the speech act.



ИДИМАТИК ҚЎШМА СЎЗЛАРДА КОНЦЕПТУАЛ ДЕРИВАЦИЯ

Юлдашев Акмал Гуламжанович,

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

катта илмий ходим-изланувчиси

Калим сўзлар: концептуал деривация, идиоматик қўшма сўз, когнитив майдон, концептуал метафора, майдон-манба, мақсаднишон.

Тил ва тафаккур муносабатлари масаласининг фалсафа, тилшунослик ва психология фанлари доирасида батафсил муҳокама қилиниши когнитив тилшунослик тараққиёти учун мустаҳкам замин яратди. Когнитив тилшунослик мажмуавий тадқиқот соҳаси бўлиб, у тилшунослик ва психологиядан ташқари сунъий интеллект назарияси, психоллингвистика, нейролингвистика каби фанлар соҳаларига оид илмий ёндашувларни ҳам умумлаштиради.

Когнитив тилшуносликда лисоний интерпретация муаммоси ҳам муҳим ўрин тутди. Н.Н. Болдиревнинг фикрича, лисоний интерпретация идрок фаоллиги сифатида ўзаро боғлиқ *статик* ва *динамик* белгиси билан характерланади. Статик аспект ўз натижалари билан биргаликда когнитив тузилмалар, яъни оламнинг лисоний концептуаллашуви ва категориялаштирилиши натижаси – концепт ва категориялар тизими сифатида тавсифланади. Лисоний идрок фаоллигининг динамик аспекти эса айнан концептуаллашув ва категориялашув жараёнида иштирок этувчи лисоний шакллар орқали намоён бўлади [1; 7]. Шунингдек, олим олам ва билимнинг тилдаги интерпретацияни бирламчи ва иккиламчи интерпретацияга бўлади. Бирламчи интерпретация инсоннинг олам тузилишида фаол ва аниқ бир мақсаддаги харакатини ва у билан бўлган ўзаро харакат схемасини англатади. Бу жараёнда инсон оламни идрок этишда борликдаги нарса ва ҳодисаларни маълум бир қолипга, яъни категорияларга жойлаштиради. Бу жараёнда тизимли концептуал майдон шаклланади. Масалан, ТАБИАТ, ИНСОН,

ЖАМОА, АРТЕФАКТ, ҲОДИСА каби концептуал – мавзуй майдонлар. Иккиламчи интерпретация объекти эса юқорида айтиб ўтилган ҳолат натижаси ўлароқ, олам ҳақидаги билим, объект ва ҳодисалардир. Унинг натижаси оламнинг объект ва ҳодисаси ҳақида янги билим демакдир [1; 8-9].

Оламнинг иккиламчи идрокини Р.Жекендофф “дастурланган, режаланган олам” (projected world), “синалган олам” (experienced world) деб номлайди [3; 28]. Ж. Фокенье эса “билимнинг қайта тизимлаштирилган қолипи” деб атайди (available prestructured background schemas).

Инсоннинг оламни идрок этиши жараёнида воқеликнинг қайта англаниши натижасида индивиднинг концептосферасида янги мураккаб когнитив жараёнлар амалга ошади. Бу жараёнлар сўз ясаиш тизимида деривация мақомига эга бўлади. Маълумки, тилшуносликнинг структурал-функционал босқичида *деривация* – аффиксал сўз ясаиши [4; 34] мавжуд тил бирликлари негизида янги тил бирликларининг ҳосил бўлиш жараёни бўлиб, ўзакнинг аффикслар ёки сўз қўшиш орқали кенгайишидир [5; 129] деган таърифлар асосида бир қанча илмий тадқиқотлар олиб борилди.

Когнитив тилшунослик соҳасида эса *деривация* – *концептуал* мақомини олди. Концептуал деривация аниқ концептлар ўртасида алоқа мавжуд эканлигини назарда тутган ҳолда асосий концепт ва унинг асосида пайдо бўлган концептларнинг ўзаро таъсирини таъминлайди. Концептуал деривация ясама сўзларда ўз аксини топади. Концептуал



деривация назариясига асос солган Е.С.Кубрякованинг фикрича, инсон билимларининг ўзаро боғланиши маълум бир сўз ясашиш конструкциялари, сўз ясашиш моделлари, механизмлари ва унинг семантикасига асосланади.

Л.В.Бабинанинг фикрига кўра, концептуал деривация когнитив жараёни акс эттиради, инсон концептуал тизимида шаклланиб бўлган билим асосида янги концептуал билим ҳосил бўлади [6; 132]. Кўринадики, тилда ҳосил бўладиган ҳар қандай ҳосила маъно ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, балки тил соҳиби оламни идрок этиши жараёнида эгаллаган билимига асосланган ва қиёслаган ҳолда амалга оширади.

Инсон сўз ясашиш жараёнида тил бирликларини маъноси ва шаклида тайёр ҳолдагидек кўлламайди [1; 5], Е.С.Кубрякова таъбири билан айтганда, “инсон тайёр лисоний либосга тафаккурни кийгизиш кўймайди” [7; 14], аксинча, ўз фикрини шакллантириб, унга мос келадиган тил бирликларини танлайди ва унинг ижросини ҳар бир аниқ нутқ фаолияти жараёнида таъминлайди.

Аниқроқ айтадиган бўлсак, инсон оламни идрок этар экан, албатта, бу жараёнда эгалланаётган билимни унгина бўлган билимлар билан ўзаро қиёслайди. Қиёс асосида онгда янги концепт шаклланади. Бундай ҳолат, айниқса, идиоматик қўшма сўзларда яққол ўз аксини топади. Идиоматик қўшма сўзларни тузилишига кўра икки ва ундан ортиқ асосларнинг бирикувидан ҳосил бўлган, семантик жиҳатдан маъноси компонентлари маъносидан келиб чиқмайдиган мураккаб тузилишли лексик бирликлар деб талқин қиламиз. Иккиламчи лисоний интерпретация ҳам идиоматикликнинг маҳсули ҳисобланади.

Ш.Сафаровнинг қайд этишича, билим олиши ва уни хотирада сақлаш ҳамда амалда қўллаш, узатиш манбаи ва уни шакллантирадиган восита – тил тизими когнитив таҳлил объектидир [8;10-16].

Когнитив тилшуносликда концептнинг ўрни алоҳида эканлиги олимлар томонидан кўп бор таъкидланган. Жумладан, Е.С.Кубрякова концептнинг онгимиз ва руҳий имкониятларимиз ҳамда инсон билими, тажрибасини акс эттирувчи тафаккур бирлиги эканлиги ҳақида фикр юритади. Унинг фикрича, концептуал тизим фикр юритиш ҳамда инсон психикасида воқелик қиёфасини акс эттирувчи тузилмадир, хотира ментал лексиконнинг фаол мазмун бирлиги, миянинг концептуал тизими, бутун олам манзараси инсон руҳида акс этади [9; 90].

Мазкур мақолада биз К.С.Кубрякова [9; 90] томонидан концептга берилган “концепт – бу инсон тафаккурининг тез ҳаракатчан (оператив) бирлиги ёки тизимли билим кванти” таърифига таянамиз. Негаки концепт инсоннинг ташқи оламни идрок этишида фаол ҳаракатланиб, унинг онгида ментал равишда намоён бўладиган бирликдир. Бу жиҳатдан, тил бирликлари, жумладан, идиоматик қўшма сўзларнинг концептуал-деривацион таҳлил қилиниши ҳар жиҳатдан лозим ва мақсадга мувофиқ. Шу ўринда А.Абдуазизовнинг “...сўзларни турли гуруҳларга ажратиш, маъноларини “семантик майдон”ларда таҳлил қилиш ва ўз навбатида уларни алоҳида концептлар сифатида қараш лозим” [10; 25] деган фикри ўринлидир. Ҳозирда сўз ясашишига когнитив ёндашув масаласига бағишланган илмий тадқиқот ишлари оз. Бу муаммонинг тўлақонли тадқиқ этилиши тил ҳодисалари ортида яширинган когнитив механизмлар моҳиятини чуқурроқ очиш беришга яқиндан ёрдам беради.

Инсон тўпланган ва тафаккурида категориялар ва субкатегорияларга бирлаштирилган билимлари ҳисобига оламни қайта англайди. Бу жараёнда тилда идиоматик қўшма сўзлар ҳам пайдо бўлади. Идиоматик қўшма сўзлар ҳосил бўлишида концептуал метафоранинг ўрни алоҳида ҳисобланади. Ж.Лакофф ва М.Жонсон метафорик ҳосила маънонинг



пайдо бўлишида когнитив тилшунослик нуқтаи назаридан иккита когнитив майдон, яъни “манба майдони” (source domain) ҳамда “мақсад майдони” (target domain) иштирок этишини кўрсатишади [11; 266]. Мисол тариқасида куйдаги идиоматик кўшма сўзларни концептуал-деривация ҳолида концептуал метафора орқали ҳосил бўлганлигини кўриб чиқамиз.

ҲАЙВОН + АРТЕФАКТ ← ЎСИМЛИК

манба майдони мақсад майдони

Ўзбек тилидаги *туяқалпоқ* идиоматик кўшма сўзи “чўл ва адирларда ўсадиган паст бўйли сершоҳ бута”ни англатади. Ушбу Идиоматик кўшма сўзнинг *туя* компоненти “бир ёки икки ўрқачли, жуфт туёқли, асосан, юк ташиш учун хизмат қиладиган, сувсизликка чидамли сутэмизувчи иш ҳайвони”ни англатади [ЎТИЛ IV, 2008: 222]. Идиоматик кўшма сўзнинг ясалишида бу лексеманинг *сувсизликка чидамли ҳайвон* семаси муҳим ўрин тутади. *Туя* компоненти ҲАЙВОН концептининг когнитив майдонига мансуб. ҲАЙВОН концепти кўшма сўз ясалишида манба майдони вазифасини бажаради, шу билан бирга, иккинчи компонент билан проекциялашади.

Идиоматик кўшма сўзнинг *қалпоқ* компоненти “нарсалар устини қоплаб, беркитиб турадиган соябон ёки қопқоқ” луғавий маъносига эга [ЎТИЛ IV, 2008: 229]. Лексеманинг *беркитиб турадиган соябон* семаси идиоматик кўшма сўз ясалишида қатнашади. *Қалпоқ* лексемаси КИЙИМ концепти когнитив майдонига мансуб. Идиоматик кўшма сўз компонентларининг ҲАЙВОН ва КИЙИМ когнитив майдонлари ўртасида блендинг юзага келади. Кейинги босқичда ҲАЙВОН ва КИЙИМ манба майдони билан ЎСИМЛИК мақсад майдони ўртасидаги ўхшашлик аниқланади. *Ўхшашлик туяқалпоқ* ўсимлигининг чўл ва адирларда ўсиши ҳамда туянинг сувсизликка чидамлилиги ва саҳрода яшашида кузатилади, Шунингдек, сўз ясалишида ўсимлик гулларининг *қалпоқ* тузилишида

эканлиги ҳамда соябон вазифасини бажара олиши белгиси ҳам инобатга олинган.

МАКОН + ҲАЙВОН ← ИНСОН

манба майдони мақсад майдони

Инглиз тили Америка вариантыдаги *hellcat* идиоматик кўшма сўзи (“spiteful, violent woman”) (*hell* – *дўзах*, *cat* – *мушук*) [АВВУ Lingvo x5] ўзбек тилида *жодугар*, *иссиқ-совуқчи* маъноларига эга. Мазкур кўшма сўзнинг ясалишида МАКОН концептининг когнитив майдонига мансуб *hell* (“in some religious, the place believed to be the home of DEVILS and where bad people go after death”) [OALD 2010: 725] лексемасининг *home of DEVILS*(шайтонлар уйи) семаси асосий ўринга чиқади. Ушбу идиоматик кўшма сўзнинг ясалишида ҲАЙВОН концептининг когнитив майдонига мансуб *cat* лексемасининг (“a small animal with soft fur that people often keep as pet”) [OALD 2010: 227] *sof t fur* (сирли ва юмшоқ жунли) семаси ҳам фаоллашади.

Мисоллар таҳлилидан маълум бўладики, метафорик маъно кўчиши ёрдамида ҳосил қилинувчи идиоматик кўшма сўзларнинг маънолари унинг компонентлари билан боғлиқ концепт майдони ҳамда “концептуал метафора” деб номланувчи когнитив механизм асосида шаклланади.

Инсон тафаккурида мавжуд билимлардан фойдаланишга қаратилган когнитив механизмлар фаолияти амалга ошади. Когнитив механизмлар фаолияти инсонда муайян когнитив кўникмаларни шакллантиради.

Идиоматик кўшма сўзларнинг юзага келишида андозавий кўшма сўз ясалиши қоидаларидан четга чиқиш билан бирга, бу жараёнда воқелик онгда когнитив механизмлар асосида қайта идрок этилади. Бошқача айтганда, Идиоматик кўшма сўзларнинг ясалишида инсон бир қатор когнитив жараёнларни босиб ўтади, у тилнинг луғат бойлигидаги мавжуд сўзлардан фойдаланган ҳолда дунёни қайта англайди.



Идиоматик қўшма сўзларни ясашда инсон олам ҳақидаги билимларига таянади. Бу жараёнда оламни категориялаштириш, концептуаллаштириш ва, албатта, уларни акс эттирувчи когнитив механизмларнинг аҳамияти катта.

Идиоматик қўшма сўзнинг маъносини белгилашда фақат ифода плани билан кифояланиб бўлмайди, бу жараёнда қўшимча билим ҳам инобатга олинаши керак. Идиоматик қўшма сўзларнинг ясалишида, албатта, энциклопедик билим муҳим ўрин тутди. Шу билан бирга, идиоматик қўшма сўзларнинг концептуал

тузилишини белгилашда инсоннинг баҳоловчи билимига ҳам таянилади.

Тил соҳиби оламни идрок этишида эгалланган билими асосида муайян когнитив моделлар орқали борликдаги предмет ва ҳодисаларга ном беради.

Муайян концептуал майдондан ўрин олган субкатегориялашган концептларнинг фаоллашуви натижасида инсоннинг воқелик ҳақидаги ментал тасаввурини акс эттирадиган образлар, тушунчалар, тасаввурлар шаклидаги вербал ифодага эга тафаккур бирлиги ҳосил бўлади.

Адабиётлар:

1. Болдырев Н.Н. Антропоцентрическая сущность языка в его функциях, единицах и категориях // Вопросы когнитивной лингвистики. – Тамбов, 2015. – № 1. – С. 5-12.
2. Болдырев Н.Н. Категориальная система языка / Категоризация мира в языке / Когнитивные исследования языка X – Москва-Тамбов, 2012. 17-101 с.
3. Jackendoff R. Semantics and Cognition. – Cambridge, Mass: The MIT Press, 1991. – 322 p.
4. Ҳожиев А. Лингвистик терминларнинг изохли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – 165 б.
5. Языкознание. Большой энциклопедический словарь / Гл. ред. В. Н. Ярцева. – 2-е изд. – Я41 – Москва: Большая Российская энциклопедия, 1998. – 685 с.
6. Бабина Л.В. Концептуальные основы словообразования / Концептуализация мира в языке / Когнитивные исследования языка IV – Москва-Тамбов, 2009. – 128-149 с.
7. Кубрякова Е.С. Язык и знание. (на пути знаний о языке: части речи с когнитивной точки зрения, роль языка в познании мира). – Москва: Языки славянской культуры, 2004. – 560с.
8. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 92 б.
9. Кубрякова Е.С., Демьянов В.З. Панкрац Ю.Г. Лузина Л.Г. Краткий словарь когнитивных терминов. – Москва: Филологический ф-т МГУ им. М.В.Ломоносова, 1997. – 245 с.
10. Абдуазизов А. Тилшунослигимиз истиқболлари // Филология масалалари. – Тошкент, 2011. – №3. – Б. 22-25.
11. Lakoff, G., Johnson, M. Metaphors We live by. 2-nd edition – The University of Chicago Press, 2003 – 256p.
12. Ўзбек тилининг изохли луғати. 4 – жилт. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – 608 б.
13. Oxford Advanced Learner`s Dictionary. Eighth edition. – Uk / India. Oxford University Press, 2010. – 1796 p.

Юлдашев А. Концептуальная деривация в идиоматических сложных словах. В статье речь идет о концептуальной деривации в сфере идиоматических сложных слов. В связи с тем, что теория концептуальной деривации является сравнительно новым направлением в когнитивной лингвистике, автор кратко описывает основные понятия и процедуру определения концептуальной деривации в языке.

Yuldashev A. Conceptual derivation of idiomatic compound words. The article deals with the problem of conceptual derivation in the sphere of idiomatic compound words. As the theory of conceptual derivation is comparatively new problem in cognitive linguistic, the author paid a certain attention to the basic notions and trends of determining conceptual derivation.



ОЙБЕКНИНГ “НАВОИЙ” АСАРИ ТАРЖИМАСИ ХУСУСИДА

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллаб бораётган бир пайтда ўзбек адабиётини дунёга таништириш ва тарғиб этиш муҳим аҳамият касб этади. Биринчи президентимиз И.А.Каримов томонидан 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1875-сонли қарори чет тили ўқитувчилари, таржимонлар ва шу соҳага алоқадор мутахассисларга катта масъулият юклади. Бунда мавжуд бўлган барча имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда, бизда бор салоҳиятни кенг жамоатчиликка кўрсата билиш талаб этилади. Бу борада кенг кўламли ишларнинг амалга оширилаётгани ва бу ишлар жумласига эл ардоқлаган адибларимизнинг асарларини чет тилларга тўғридан-тўғри таржима қилинаётгани қувонарли ҳолдир. Шу йўлда амалга оширилган ишлардан бири сифатида Ойбекнинг “Навоий” романининг таржимасини кўрсатишимиз мумкин. Бу асар И.М.Тўхтасинов ва О.М.Мўминовлар томонидан инглиз тилига ўгирилган бўлиб, АҚШлик мутахассис Кристин Смарт томонидан таҳрир қилинган.

Бадиий асар таржимаси мураккаб ва машаққатли жараён ҳисобланиб, таржимондан маҳорат ва катта тажрибани талаб қилади, негаки бадиий асар фақат воқеалар баёни бўлмасдан, балки ўқувчига эстетик завқ бағишлаши, уни асарда тасвирланган ҳаёлот оламига бошлаб бориши ва инсонда турли эзгу, ижобий таассуротлар уйғотиши билан ажралиб туради. Ойбекнинг “Навоий” романи содда тарзда таржима қилинган бўлиб, инглиз тили сўзлашувчиларига Алишер Навоий сиймоси, унинг эзгу ғоялари, амалга оширган улкан бунёдкорлик ишлари ва яхшилик йўлида халқ учун қилган хизматлари, шунингдек, Ўрта асрлардаги шарқ муҳити, турмуш шароитлари ва турли ижтимоий-сиёсий воқеалар қизиқарли усулда етказилган. Асар таржимасида бир қараганда кўп ҳолларда компрессия (матннинг қисқариши) (1, 106-б.) усулидан фойдаланилганлиги аслият матнидаги юксак маҳорат ва гўзалликка путур етказгандек туюлади. Лекин, иккинчи томондан, маълумки таржимада ҳар доим ҳам юз фоиз муқобилликка эришиб бўлмайди ва аслиятдаги баъзи жиҳатлар йўқотилади. Шу туфайли бу каби камчиликлар барча таржима асарлари учун хос дейиш мумкин. Асар таржимасида ғализ жумлалар, маъносиз сўз бирикмалари ва ибораларнинг учрамаслиги таржиманинг қимматини оширади. Асар таржимасининг ўзига хос жиҳати шундаки, бу ерда атоқли отлар ва жой номлари, ўзбек маданиятига хос бўлган реалаялар ўзбек тилида қандай бўлса, инглиз тилида ҳам худди шу тарзда ўзгаришсиз, транслитерация усулида берилган бўлиб, бу сўзларнинг билвосита эмас, бевосита ўзбекча талаффуз ва графикада инглиз тилига кириб боришига замин яратади. Бу ҳолат ўзбек тилини жаҳонга танитиш ва ўзбек тилига оид бўлган сўзларнинг инглиз тилига кириб бориши, шу билан бирга ўзбек тилининг жаҳон тиллари интеграциясида мавқеининг ошишига хизмат қилади.

Асардаги мураккаб эргаш гаплар, эргаш гапли қўшма гаплар маъноли синтагмаларга ажратилган ҳолда алоҳида мустақил содда гаплар кўринишида таржима қилинган ва бунда, юқорида айтилганидек, компрессия усулидан фойдаланилган. Масалан:

“Арслонқул чумолидай тўхтовсиз ўрмалаган одамлар орасида, ҳар томонга аланглаб, ҳар қадамда ҳунар ва санъатнинг мўъжизаларига йўлиқароқ, тентиб кетди-да, солинаётган мадрасанинг пештоқи қаршисида Соҳиб Дорони заррин ёқа тўн кийган, ёшгина олифта йигит билан қизғин суҳбат қилаётганини кўриб, улардан нарироқда тўхтади” (2, 201-б).

“Arslankul walked among people, tirelessly scurry like ants, and glanced around curiously.

Near the madrassahs being built opposite the portal he saw Sahib Doro, busily talking with boys smartly dressed in robes embroidered with gold collars.” (3, 184-p.)



“Мавлоно Шаҳобиддин ярқирок тўнини ҳалпиллатиб, юқорига ўтди. Гўё шогирдларнинг ўлтиришига кириб қолган домладай, кеккайиб ўтирди. Паст бўйли, кичик, лекин миқти гавдали, ботиқ кўзлари бесаранжом ўйнаган, паҳмоқсоқол, пала-партиш кийинган мавлоно Биноий лабларидаги истехзоли кулги билан ҳаммага бир қараб қўйди-да, сохта бир камтарлик билан кичик қаддини бироз букиб кўришди ва қуйига, тўғри келган жойга ўтира қолди” (2, 149-б).

“Mavlon Shahobiddin in an overly spacious, bright robe, went into the room and sat proudly on the place of honour, as if a teacher among students. – Casually dressed, stocky Binoiy with a patchy beard and shifty eyes anxiously looked around quizzically. He bowed with mock humility and sat down on the first available place” (3, 138-p).

Асардаги ўзбек маданияти, турмуш тарзи ва атрофдаги бутун объектив борлиқнинг ўзбек тилига хос тарзда ифодаланишини инглиз тили китобхонларига етказиш мақсадида уларга тушунарли тушунчалар ва ҳаёт тарзига яқин бўлган иборалар билан алмаштирилгани эътиборга молик. Бу ҳолатни қуйидаги жумлалар таржимасида кўриш мумкин.

- Бек оғанга айрон келтир, қизим (2, 55-б).

... Қиз ҳаял ўтмай, эски бир шолча, тоза кўрпача ва ёстиқ олиб чиқиб, эпчиллик билан жой ҳозирлади (2, 55-б).

- Bring some ayran for your brother here, my daughter. (3, 51-p.).

... The girl brought a small carpet, clean kurpacha and a pillow and prepared a place for a rest quickly (3, 51-p).

- Гул қизим, мен сенга яқинда анча ўртоқлар топамен, не дейсен? (2, 49-б).

- Oh, my lovely daughter, I am going to find some friends for you one of these days, what do you say? (3, 45-p.).

- Мир жанобларини бениҳоят ташвишга солиб, ғазабларига сабаб бўлган воқеа шулки, - деб бошлади Ҳайдар, - яқинда сиз пушти-паноҳимиз подшоҳи оламнинг баковуллари Мир жанобларининг ҳаётларига қасд этди! (2, 367-б).

- There was a case that alarmed and angered infinitely Mr.Emir – he said – One of the chefs sent by the sovereign, for our protection and support, attempted suicide to the life of Mr.Navoiy (3, 339-p).

Таржимада аслиятни тўлиқ сақлаб бўлмаслиги ва ёзувчи даҳоси, унинг қалам кучининг қудратини таржимада ифодалаш учун катта қобилият ва йиллар тажрибаси кераклиги, таржимада ёзувчи ғоясини ифодалашнинг уддасидан чиқиш мушкуллиги қуйидаги мисолларда кўринади.

... Қони, эти, тирикчилиги, ери, тили, тарихи бир бўлган бир халқ нима учун икки душман гуруҳга бўлиниб, бир-бирининг қонини тўқади? Нима учун бутун бир халқнинг азамат дарахти илдизларига болта урадилар? Бу йигитлик, қаҳрамонлик, зафарми, ажабо? Шоир қалбининг яраси билан тарихни ўйлайди (2, 75-б).

... For what the people who have the same blood, flesh and lifestyle, the same origin, a unique language and past divided into two hostile camps and began to destroy each other? The poet thought about the history of these people (3, 69-p).

... Муомалада, Ҳайдардан бошқа, ҳамма у билан самимийдек кўринишига қарамай, Абдусамад юракларнинг қаърида, кўзларнинг яширин маъносида, сирли имо-ишораларда унга ёт каби қараганликларини сизди. Навоийнинг ер тагида илон қимирлаганини сезадиган зийрак эканига кундан-кун чуқурроқ ишонди. Ҳамманинг икки кўзи бўлса, Шайх Баҳлулнинг гўё ҳаммаёғи кўз... (2, 347-б).

... All the servants of Navoiy, except Haydar, accessed with the new chef friendly, but their expression of the eyes and some subtle hints, Abdusamad felt their unexpressed hostility and suspicion, and if all followed him with two eyes, Sheikh Bahlul did with four (3, 319-p).



Умуман олганда, ўзбек тилида битилган ҳар қандай асарнинг дунё тилларига таржима қилиниши бу жуда қувонарли воқеа, албатта. Бу билан ўзбек халқи, тарихи, маданияти, турмуш тарзи ва бошқа жиҳатлари яна бир бор дунё юзини кўради ва бошқа халқлар билан янада яқинлашади. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, Ойбекнинг “Навоий” асарининг инглиз тилидаги таржимаси олдига қўйилган вазифа адо этилган дейиш мумкин. Лекин бир нарсани ёдда сақлаш керакки, буюк асарлардаги пур маъноликни, ўзбек халқи маънавиятини, маданиятига хос жиҳатларни чет тилларда сўзлашувчи китобхонларга борица етказиш учун асар таржимаси устида қайта-қайта кўп ишлаш, жумлаларни янада сайқаллаштириш, уларга аниқлик киритиш ва асарнинг бир эмас, бир неча таржима вариантларини яратиш талаб этилади. Бу маънода шундай юксак масъулиятни зиммасига ола билган барча ижодкорларга тасанно айтиш лозим, холос.

**СамДЧТИ Таржима
назарияси ва амалиёти кафедраси
ўқитувчиси Нурбаева Ш.К.**



ОЛИМ, УСТОЗ ВА МУРАББИЙ ХОТИРАСИ

Олимлик, илм йўли осон эмас. Ушбу йўлдан юрмоқ истагида бўлганлар кўп, аммо бу машаққатли йўлнинг охирига ҳамма ҳам етавермайди. Ҳақиқий олимлик мартабасига эришмоқ учун жуда кўп машаққат чекмоқ, изланмоқ, меҳнат қилмоқ лозим. Шунинг учун ҳам олимлар ҳақида гапираётганимизда, уларга чуқур ҳурмат, эҳтиром кўрсатмоғимиз даркор.

Профессор Бекмурод Йўлдошев кейинги қирқ уч йил давомида Самарқандда яшаб, оддий талабаликдан филология фанлари доктори, СамДУ ўзбек тилшунослиги кафедрасининг профессори, фразеология, бадий матн услубияти, умумий тилшунослик соҳасида мамлакатимизда таниқли тилшунос-олим даражасигача бўлган жонли илмий ва ҳаёт йўлини босиб ўтди. Ушбу заҳматкаш олимнинг ҳаёт йўли ҳозирда илм йўлига тушган ёшлар учун жуда ибратлидир.

Б.Йўлдошев 1947 йил июлда Самарқанд вилоятининг Пахтакор (ҳозирги Пахтачи) туманидаги Зиёвуддин қўрғонида дунёга келди. Унинг ёшлик йиллари қадимий Дабус қалъа ёнидаги Зиёвуддин қўрғонида ўтди. Бўлажак олим 1953-1964 йилларда Зиёвуддиндаги 14- (ҳозирги 22) ўрта мактабда таҳсил олди. Унинг дастлабки хабарлари вилоят ва туман газеталарида ўқувчилик даврларидаёқ эълон қилинган эди. Ўрта мактабни олтин медаль билан тугаллаган Б.Йўлдошев 1964-1969 йилларда Самарқанд давлат университетининг ўзбек ва тожик филологияси факультетида таҳсил кўрди. Ҳамда шу даргоҳда Воҳид Абдуллаев, Улуғ Турсунов, Ҳамдам Бердиёров, Худойберди Дониёров, Нуриддин Шукуров, Ботирхон Валихўжаев, Раҳматулла Қўнғуров, Абдужаббор Мухторов, Ваҳоб Эгамов, Раҳим Муқимов, Сайдулла Мирзаев, Жўрабой Ҳамдамов, Раҳмонқул Орзибеков каби машҳур адабиётшунос ва тилшунос олимларнинг таълимидан баҳраманд бўлди.

Б.Йўлдошев тилшунослик ва адабиётшунослик масалаларига талабалик йилларидаёқ катта қизиқиш билан қаради. У СамДУ талабаларининг ҳар йили ўтказиладиган анъанавий илмий анжуманларида бадий асар тили ва услубият муаммоларига оид қизиқарли маърузалари билан иштирок этди. Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари талабаларининг Бишкекда бўлиб ўтган илмий анжуманида (1968) маъруза билан қатнашади. Бишкекда у ўша вақтда ҳаёт бўлган, машҳур тилшунос олим К.К.Юдахин билан учрашади ва суҳбатлашади. Бўлажак олимнинг “Она қалбининг буюклиги ҳақида дoston” (1968), “Тил маданиятининг улкан тарғиботчиси” (1969) каби мақолалари талабалик йилларидаёқ матбуотда эълон қилинганди.

Б.Йўлдошев 1969 йилда университетни имтиёзли диплом билан тугатгач, йўлланма билан Самарқанд вилоят “Ленин йўли” (ҳозирги “Зарафшон”) газетаси таҳририятига ишга келди. Газета Б.Йўлдошев учун қаламнинг чархланиши, тезкорлик, ҳозиржавоблик хислатларини эгаллаш учун ўзига хос мактаб бўлди. Худди шу даврда унинг бир қанча таржималари, хабар ва мақолалари матбуотда эълон қилинди. У газетада мусахҳих, адабий ходим, кейинчалик таржимон бўлиб ишлади.

1970 йил СамДУда янги умумий тилшунослик кафедраси ташкил этилиши билан устоз Ҳамдам Бердиёров Б.Йўлдошевни кафедра ўқитувчилигига ишга тавсия этди. 70-йилларда Бекмурод Йўлдошев алоҳида жўшқинлик билан талабаларга “Умумий тилшунослик”, “Ҳозирги ўзбек адабий тили”, “Рус гуруҳларида ўзбек тили”, “Тилшуносликка кириш” фанларидан юксак савияда сабоқ бериш, жамоат топшириқларини аъло даражада бажариш билан бирга илмий-тадқиқот ишлари билан ҳам мунтазам шуғуллана бошлади. Олимнинг ўша йиллари нашр этилган “Ўзиники бўлмаган нутқнинг айрим услубий хусусиятларига



доир” (1975), “Муаллиф нутки ҳақида” (1976), “Саид Аҳмад асарларида персонажлар нутқини индивидуаллаштириш воситалари ҳақида” (1977), “Саид Аҳмад асарларида диалектизмларнинг стилистик функциялари” (1979), “Бадий асар тили ва услубини ўрганиш” (1980) каби илк илмий мақолалари унинг ишқи филология фанига, бадий нутқ услубияти соҳасига тушганлигидан дарак беради.

1979 йилда Б.Йўлдошев машҳур тилшунос олим, академик Ш.Шоабдурахмонов илмий раҳбарлигида “Саид Аҳмад асарларининг тили ва услуби” мавзудаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Бу диссертацияда ўзбек филологияси фанида илк бор таниқли ёзувчи Саид Аҳмаднинг муаллифлик идиолекти, унинг лисоний шакллардан фойдаланиш маҳорати, халқ мақоллари, фразеологизмларни қўллашдаги ўзига хослиги батафсил таҳлил қилинган, енгил юморга, ҳазил-мутойбага бой ёзувчи асарларининг ўзига хос услубий хусусиятлари ўрганилган эди. Серғайрат олим ўзининг бу соҳадаги илмий изланишларини янада давом эттириб, кейинчалик “Бадий нутқ стилистикаси” (1982), “Саид Аҳмад асарларининг тили ва услуби” (1987), “Ўзбек бадий прозасининг услубий таҳлили” (1989), “Ўзиники бўлмаган нутқнинг грамматик-стилистик хусусиятлари ва бадий текстдаги ўрни” (1992), «Бадий асар тили ва услуби масалалари» (2001, 2006), “Уфқ” трилогиясининг лингвопоэтик таҳлили масалалари” (2006) номли монографиялар, қўлланмалар ва кўплаб илмий мақолалар яратди. Бу ишлар илмий жамоатчилик томонидан юксак баҳоланди.

Б.Йўлдошевнинг тилшуносликнинг умумназарий муаммоларига доир ўқув қўлланмалари, дастурлар, услубий тавсиялар яратиш соҳасидаги фаолияти ҳам ғоят ибратлидир. Олим ўз сафдошлари билан ҳамкорликда эълон қилган “Умумий тилшунослик” (1974, 1979, 1982), “Тилшуносликка кириш” (1980), “Тилшуносликка кириш” курсидан амалий машғулотлар режаси” (1983), “Тилшуносликка кириш” курсидан услубий тавсиялар” (1988), “Лингвистик таълимотлар тарихи” курсидан дастур” (1984, 1996), “Тилшуносликка кириш” курсининг дастури” (1995), “Умумий тилшунослик” курсининг дастури” (1996), “Тилшунослик таълимотлари тарихи” курсидан услубий тавсиялар” (1993), «Тилшунослик асослари» фанидан рейтинг топшириқлари» (2001), «Умумий тилшунослик асослари» (2005) каби ишлари мамлакатимизда юқори малакали филолог кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

70-йиллардан бошлаб Бекмурод Йўлдошев фразеология, фразеография ва фразеологик услубият муаммоларини тадқиқ этиш билан узлуксиз шуғулланди. Олим профессор Ҳ.Бердиёров ва доцент Р.Расулов билан ҳамкорликда ўзбек тили фразеологизмларининг изохли луғатини яратиш ишида бевосита иштирок этди. Бу тадқиқотнинг тўрт қисми “Ўзбек фразеологиясидан материаллар” номи билан нашр этилди (1976, 1979, 1983, 1997) ва илмий жамоатчиликнинг муносиб баҳосини олди. Кейинчалик олим К.Бозорбоев билан ҳамкорликда “Ўзбек тили фразеологизмларининг луғати” (сўзлик) асарини ҳам нашр эттирди (1998). Б.Йўлдошев фразеология ва ўзбек фразеологик услубиятига доир “Ўзбек тилидаги фразеологизм-сарлавҳалар ҳақида” (1979), “Фразеология ва ўзбек тилини ўқитиш” (1980), “Фразеологизмларнинг грамматик табиатига доир” (1981), “Фразеологик вариантлар ва уларнинг айрим услубий хусусиятлари” (1982), “Фразеологизмларнинг структурал-грамматик ва семантик хусусиятлари” (1985), “Навоий асарларида “бош” компонентли фразеологизмларнинг қўлланилиш хусусиятлари ҳақида” (1990), “Фразеологизмнинг сўз билан функционал муносабатига доир” (1992) каби илмий мақолалар, қўлланмалар нашр эттирди. Ана шу илмий изланишларнинг натижаси сифатида “Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари” номли докторлик диссертацияси юзага келди. Ўзбекистон Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги Ихтисослашган кенгашда 1994 йилда муваффақиятли ҳимоя қилинган мазкур диссертация ўзбек фразеологияси ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди. Диссертация



ҳимоясида сўзга чиққан расмий ҳакамлар академик Ғани Абдурахмонов, профессорлар Шавкат Раҳматуллаев, Бозорбой Ўринбоев, шунингдек академик Шоназар Шоабдурахмонов, профессорлар Абдимурод Маматов, Нинель Владимирова, Баҳром Бафоев ва бошқалар бу ишга юксак баҳо бердилар.

Дарҳақиқат, “фразеологизмларнинг услубий фарқланиши ва нутқий фаоллашув имкониятларини монографик планда ўрганишга бағишланган ушбу диссертация ўзбек лингвопоэтикаси, услубияти масалаларининг кейинги босқичлардаги такомилда амалий дастур бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Б.Йўлдошев тилшунослик муаммолари билан бир қаторда адабиётшунослик, тил ўқитиш методикаси, таржимашунослик, қиёсий типология масалалари бўйича ҳам қатор илмий ишларнинг муаллифи саналади. Шунингдек, олим “Саид Аҳмад” (1977), “Ўзбек фразеологиясига доир библиографик кўрсаткич” (1978), “Тилшунос олим” (1978), “Газета тили” (1984), “Ўзбекистон фольклори бўйича библиографик кўрсаткич” (1981, 1983), “Фразеология ва умумий тилшунослик бўйича библиографик кўрсаткич” (1984), “Раҳматулла Қўнғуров” (1993), “Профессор Ҳамдам Бердиёров” (2008), “Профессор Жўрабой Ҳамдамов” (2009), “Профессор Худойберди Дониёров” (2016), “Ўзбек фразеологияси” (2016) сингари бир қатор библиографик тадқиқотларнинг, илмий-назарий очеркларнинг яратилишида бевосита иштирок этди. Профессор Б.Йўлдошевнинг жами нашр этган илмий-назарий, услубий ва илмий-оммабоп характердаги ишлари жамланса 300 босма тобоқдан ошади.

Проф.Б.Йўлдошевнинг нафақат излануван олим, балки фидойи фан ва таълим ташкилотчиси эканлиги унинг 2000-2003 йилларда Навоий давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультети декани лавозимида ишлаган пайтида яққол намоён бўлди. Ўша йиллар НДПИ ўзбек тили ва адабиёти факультети, ундаги кафедралар ҳар томонлама шаклланди, докторлик, номзодлик диссертациялари тайёрланди ва ҳимоя қилинди.

1991-2006 йилларда олим СамДУ ҳузуридаги филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ихтисослашган илмий кенгаш аъзоси эди. Сўнгги йилларда Бекмурод Йўлдошев филология факультети илмий кенгаши аъзоси, университет илмий-техника комиссиясининг аъзоси, “СамДУ илмий-тадқиқотлар ахборотномаси” журнали таҳрир ҳайъатининг аъзоси сифатида баракали меҳнат қилган эди. Фаолияти давомида Б.Йўлдошев ўндан ортиқ номзодлик ва бир докторлик диссертациясига расмий ҳакамлик қилган. Унинг бевосита илмий раҳбарлигида Ф.Бобожонов, З.Пардаев, О.Турсунова, М.Вафоева сингари ёшлар номзодлик ишларини ҳимоя қилган эди.

Бир сўз билан айтганда, Бекмурод Йўлдошев нафақат Самарқанднинг, балки мамлакатимизнинг забардаст филолог-олими эди. Бугун таниқли олим ва мураббий хотирасини ёд этарканмиз, у киши нафақат олимлик, балки том маънодаги одамийлиги, юксак маънавий фазилатлари билан кўз олдимизда гавдаланади. Камдан-кам учрайдиган тафаккур қобиляти, зукко ва топқирлиги, меҳнаткашлиги билан барчамизга ибрат бўлган устоз ёди ва сиймоси хотирамизда мангу яшайди.

**Профессор Саодат Боймирзаева,
Катта илмий ходим Умида Рашидова**

XORJIY FILOLOGIYA

til • adabiyot • ta'lim

Ilmiy-uslubiy jurnal

Samarqand

FOREIGN PHILOLOGY

language • literature • education

Scientific-methodology journal


Samarkand

Нашиёт-тахрир маркази

Муҳаррир	–	С.Каримова
Техник муҳаррир	–	Ҳ. Амирдинов
Саҳифаловчилар	–	З.Усманова, Ш.Абдурахимов

Самарқанд давлат чет тиллар институти нашр-матбаа маркази:
Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93.

Босишга рухсат этилган 29.12. 2016.
Адади 200 нусха. Қоғоз бичими А4.
Буюртма № 07 . Times гарнитураси.



**«ХОРИЖИЙ ФИЛОЛОГИЯ» ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ ЖУРНАЛИГА
МАҚОЛАЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ**

- Мақола муаллифи ишлаётган муассаса раҳбариятининг йўлланма хати.
- Мақолани чоп этиш ҳақидаги эксперт хулосаси.
- Мутахассислиги бўйича фан доктори ёки профессор томонидан имзоланган тақриз.
- Муаллиф(лар) тўғрисида маълумот (иш жойи, лавозими, яшаш жойи телефони ва электрон почтаси).
- Мақолалар Microsoft Word дастури «Times New Roman» гарнитураси 14 шрифтда, қаторлар ораси икки оралик билан ёзилган, икки нусхада (электрон варианты билан бирга) тақдим этилади. Мақолалар чизмаларсиз саккиз саҳифада қисқа хабарлар эса икки саҳифадан ошмаслиги лозим.
- Формулалар компьютерда Word формулалар муҳаррирининг Math Type версиясида ёзилади. Чизмалар ва диаграммалар Давлат стандарт талабларига риоя қилинган ҳолда тайёрланиши лозим.
- Мурожаат қилинган адабиётлар рўйхати мақола охирида қуйидаги тартибда келтирилади: муаллифнинг фамилияси, исми-шарифи, китоб (журнал)нинг номи, нашриёт ва чоп этилган санаси (китоблар учун), журнал номери, саҳифа (журнал учун). Адабиётлар сони 7 тадан ошмаслиги тавсия этилади.
- Мақоланинг иккинчи нусхасида барча муаллифлар фамилияси, исми ва шарифларини кўрсатилган ҳолда, барча муаллифлар томонидан имзоланиши лозим.
- Мақолани миллий менталитет тил эталони бўйича, синчковлик ва диққат билан ёндашган ҳолда, услубий ва грамматик жиҳатидан юқори даражада талабчанлик билан илмий-услубий мақомида таҳрирланган ҳолда тайёрлаш талаб этилади.
- Зарурат бўлганда таҳририят мақола ва қисқа хабарларни таҳрир қилиш ҳуқуқига эга.
- Мақола муаллифга қайта ишлаш учун қайтарилса, мақоланинг охириги кўриниши олинган кундан бошлаб таҳририятга тушган ҳисобланади.
- Эълон қилинган материаллар муаллифга қайтарилмайди, тақриз ва изоҳ берилмайди.
- Янги илмий-услубий ва амалий натижаларга эга бўлган ва 50% дан ортиқ қисми илгари эълон қилинмаган ўзбек ёки рус, инглиз тилларида тайёрланган мақола ва қисқа хабарлар ва бошқа соҳа бўйича шакллантирилган эксперт гуруҳларининг экспертизасидан ўтган мақолалар журнал саҳифаларида жойлаштирилади.
- Мақоланинг ўзбек, рус ва ингиз тилларидаги аннотацияларининг борлиги текширилади.

ЖУРНАЛХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Олий Аттестация Комиссиясининг филология фанлари бўйича эксперт кенгаши тавсияси билан зарурий нашрлар рўйхатига киритилган “Хорижий филология” илмий-услубий журнаliga обуна давом этаяпти.

Обуна нархи:

1 йилга	100 000 сўм
6 ойга	50 000 сўм

Мурожаат учун манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй.

Самарқанд давлат чет тиллар институти “Нашр-матбаа маркази”. Тел: 231-13-42